

ЯЗДОН ХУДОЙҚУЛОВ

# ФАЛАКНИНГ ГАРДИШИ

*Роман*

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2002

*Ҳаётда қадр-қимматнинг ўз ўрни бор. Кимки меҳр билан қад-  
рни ҳаётининг мезони деб билса, диёнат ва имонга амал қилса,  
вафо, садоқатни улугласа, ўша инсон мурод-мақсадига етади.  
Ҳиёнат, нопоклик кишини таназзулга етаклайди, азиз номини  
бадном қилади.*


*Таниқли адиб Ядзон Худойқуловнинг янги китоби — «Фалак-  
нинг гардиши» романи ана шу ҳаётий масалалар ҳақида баҳс  
этади.*

Масъул муҳаррир ва кириш сўз муаллифи  
**НОРМУРОД НАРЗУЛЛАЕВ**

Тақризчи — **Ф. ЖўРАЕВ**, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
санъат арбоби.

10

1028721/292



ISBN 5-633-01227-1

© Я. Худойқулов. «Фалакнинг гардиши». «Янги аср авло-  
ди», 2002й.

## ҚАЛБДАН МЕҲР, ҚАЛАМДАН НУР ТАРАЛУР...

(Адиб, драматург Яздон Худойқулов ижодига бир назар)

Адабиётни ҳеч қачон бир киши яратмайди, у кўпчиликнинг, услублари турли-туман, бир-бирига ўхшамайдиган ижод аҳлининг мулкидир. Шу маънода ҳам ижод жууерофия билмайди, унинг чегараси беҳудуд.

Ўзбек адабиёти ҳам пойтахтда, марказий шаҳарда яшаб қалам тебратаётганлар ҳисобидан бойиётгани йўқ. Республикамининг шаҳар ва қишлоқларида истиқомат қилиб, ўз имкониятлари ва иқтидорларини ишига солиб, умумадабиёт майдонида ижод қилаётган, китоб яратаётганларнинг ҳам ўз ўрни бор, ўзбек адабиёти тараққиётига қўшаётган сезиларли ҳиссалари борки, бу ҳақиқатдан кўз юмиши инсофдан эмас.

Таниқли адиб, етакчи драматург, истеъдодли журналист ва публицист Яздон Худойқулов ҳам Ўзбекистонимизнинг гўзал гўшаларидан бири — Каттақўрғон шаҳрида яшаб ижод қилаётган, ўз асарлари билан адабиётимиз равнақиға муносиб улуш қўшаётган санъаткорларимиздан биридир.

Яздон Худойқулов бой, илдизлари катта тарихимизға туташ Каттақўрғон адабий муҳитида балоғатға етди. Дарвоқе, Каттақўрғон адабий мактабини Қўқон адабий муҳити билан қиёлашларида ҳам жон бор. Бу адабий муҳитдан баҳраманд бўлган бобокалонларимиз бир-бирларини маънавий қўллаб-қувватлаб келганлар, бир-бирларининг меҳр булоқларидан сув ичганлар.

Каттақўрғон шаҳри Сўфи Оллоёр, Муҳаммад Шариф Шавқий, Эшонхўжа Вола, Очилдимурод Мирий, Аваз Муҳаммад Видоий, Дилафкор, Аҳкор, Абдуқодир Ноқис, Остонақул Дабириий,

Ҳақима, Мутриба каби атоқли шоир ва шоиралар камолотида бешик бўлган ватандир. Бу буюк ва суюк фарзандлар нафақат Каттақўрғон, балки республикаимиз маънавий олами­нинг шаклланишида ўчмас из қолдирдилар. Каттақўрғоннинг кейинги адабий ҳаёти Мамарасул Бобоев, Тошўлат Саъдий, Абдулҳамид Мажидий, Карамиддин Убайдуллаев, Яздон Худойқулов, Марди Нуриддинов, Самариддин Сирожиддинов, Холис, Шамси Одил ва бошқа ижодкорлар номи билан боғлиқдир.

Яздон Худойқулов эл­лигичи йилларда адабиётимизга кириб келди. Кейинги давр авлодига мансуб бўлган Яздон Худойқулов серқирра истеъдод соҳиби сифатида ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўз дастхати­га эга маданиятимиз ар­бобларидандир. У айниқса насрда, драматургияда самарали қалам тебрати­б, тилга тушди, китобхонларга танилди. Яздон Худойқулов ўз насрий ва сахна асарларида ҳаёт­ний муаммоларни кўтариб чиқади, тарихий ва замонавий мавзулардаги китобларида инсон тақ­дири, унинг оғир қисмати, босиб ўтган мардона йўли, умр чорраҳаларидаги ҳаёт қувончлари ва ташвишларини акс эттиради. Ол­тин­чи йилларда драматургия­ми­зга ўз овози билан кириб келган Я.Худойқуловни бугун томошабинлар таниқли драматург сифатида биладилар. «Дугоналар» драмаси катта воқеа сифатида кутиб олиниб, Каттақўрғон ва Хоразм театрларида сахнага қўйилди. Унинг Назир Сафаров билан ҳамкорликда яратган ва Ҳамза номидаги Академик драма театрида қўйилган «Лукаш ботир» сахна асари ҳам катта шуҳрат келтирди.

«Орият», «Из­вогар», «Оловли йиллар», «Севгини ардоқлаш керак», «Мен­нинг дардим», «Гулнома», «Виждон ҳукми», «Кам­пир кетармиш», «Мен тирикман» бу ва бошқа драмалар ҳам Яздон Худойқулов қаламига мансубдир. Бу пьесалар республикаимиз ва қардош халқлар театрларида сахналаштирилди, томошабинлар муҳаббатини қозонди.

Я.Худойқулов насрдаги ижодини мақолалар, очерклар, бадиий лавҳалар ёзишдан бошлаган бўлса, сўн­ги йилларда ўз қала­ми­ни катта жанрларда ҳам сынаб кўрди, қатор қиссалар ва романлар яратди. «Сардор», «Қалбдаги доғ», «Виждон ҳукми», «Афсонавий аёл», «Қаноти қайрилган шунқор» каби қиссалар, икки китобдан иборат «Чорраҳа» романи адиб ижодида муҳим ўринни эгаллайди. Тарихий ва замонавий мавзуларни ўз ичига олган бу насрий китоблар Я.Худойқуловни моҳир романист, қиссана-

вис ижодкор эканлигини кўрсатди, адабий ва илмий жамоатчилик томонидан самимий баҳоланди. Айниқса «Чорраҳа» романи ёзувчининг катта истеъдоди ва ўткир қаламининг мевасидир. Роман мураккаб совет тузуми даврида ўзбек деҳқонининг қисматли ҳаёти, унинг зиддиятли ва мушкул умри жонли лавҳалар, шонарли деталлар орқали кўрсатилади, ҳалоллик ва нопоклик ўртасидаги кураш, бунда адолатнинг тантанаси ёрқин бўёқларда гавдалантирилади.

«Қаноти қайрилган шунқор» қиссаси адибнинг сўнги, мушакиллик йилларида ёзган салмоқли асарларидан десам, хато қилмаган бўламан. Мазкур тарихий-биографик қисса адабиётимизда қаламга олинмаган мавзу — рус босқинчиларига қарши тенгсиз курашда злу юрт озодлиги учун жонини фидо этган тўқсоба (генерал) Бобон ҳақидадир. Оддий халқ орасидан чиқиб, тўқсобаликка кўтаришган чинакам, мард халқ фарзанди Бобоннинг мардона кураши тўғрисидаги илк бадиий асар бўлганлиги билан қимматлидир.

Ёзувчининг яна бир янги асари — «Фалакнинг гардиши» романи ҳам замонавий мавзуга бағишланган бўлиб, у асосан ўзбек зиёллари ҳаётидан олиб ёзилган. Асарда ҳақсизлик ва адолат учун кураш, бунда ҳалоллик ва диёнатнинг гоёси талқин этилади. Китобхон асардаги Феруз ва Гулруҳнинг образлари тақдирга лоқайд муносабатда бўлмайди. Китоб қаҳрамонларининг ўзаро муносабатлари ёш замондошлар ҳаётда ўз ўрнини топишлари учун албатта кураш олиб боришларига, адолат ва адоватнинг фарқига етиб яшашларига даъват этади.

Ўзбек бадиий таржумачилигида ҳам Я.Худойқуловнинг ўз ўрни бор. Горсиа Лорканин «Қонли тўй» фожияси, А.Островскийнинг «Барно йиғит», В.Чернышнинг «Сулистеъмол қилынган ҳокимият» драмалари, Л.Кисунский, А.Арабовларнинг С.Айвийнинг қиссаси асосида яратилган «Судхўрнинг ўлими» сахна талқини, А.Лозиевойнинг «Чукча эртақлари» асарларининг мутаржимў ҳам Я.Худойқуловдир.

Дарвоқе, Яздон Худойқулов ўзбек ва рус тилларида баб-баробар қалам тебратувчи ижодкор биродарларимиздан. Русийзабон китобхонлар ва томошабинлар Назир Сафаровнинг «Кимга тўй, кимга аза», Зиннат Фатхуллиннинг «Томоша этади давом» пьесаларини Я.Худойқулов таржимасида ўқишига ва кўришига мушарраф бўлганлар.

— Яздон Худойқулов Каттақўрагон фарзанди сифатида кўпроқ шу музофотда етишган тарихий шахслар ҳаётини адабиётда жонлантиришига алоҳида эътибор бериб келмоқда, — деб ёзади филология фанлари доктори, профессор Нуриддин Шукуров. — Ана шу улуг кишилардан бири Алишер Навоийни ўзининг гоийбона тири ва устози деб билган Очилдимурод Мирийдир... Бир томондан кўп асарлар яратган (унинг беш достони ва кўплав газаллари бор. Н.Н.) катта шоир, иккинчи томондан, муайян вақт давомида қози лавозимида ишлаганига қарамай, қийинчиликда яшаганлиги қиссада анча ёрқин акс этган... «Қалбдаги доғ» мен кейинги йилларда «Шарқ юлдузи», «Ёшлик» ойнамаларида ўқиган бир қатор асарлар билан бўй ўлчаётгани деб, бемалол айта оламан».

Таниқли адабиётшунос, истеъдодли адиб, журналист, шоир биродари азизим Марди Нуриддиновнинг адолатли таърифи билан айтганда, «Яздон Худойқулов драмалари, комедиялари, қиссалари, бадиий лавҳа ва очерклари билан ўз китобхонларини, томошабинларини топа олган адиблардандир».

Бу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтишни лозим кўрардим. Албатта, яқин-орада таниқли адабиётшунос олимларимиз, таниқидчиларимиз вилоятларимизда яшаб, баракали ижод этаётган шоир ва адибларимизга ўз эътиборларини қаратишларидан, улар ҳақида ҳам салмоқли илмий асарлар яратишларидан умидворман:

Зарафшон воҳасининг забардаст адиби, зарқалам соҳиби Яздон Худойқуловга ўзининг муборақ 75 ёшини қаршилайётган, мустақиллик шарофати билан бетивним ижод қилаётган беҳаловат ва жонсарақ катта қалб эгаси бўлган акахон устозимизга ҳавасим келади. Оллоҳ берган умрингизга, олмос қаламнингизга кўз тегмасин. Ахир, отаининг қалбдан меҳр қўри таралишига, зарқаламдан нур ёғилишига, зиёдан ва меҳрдан илҳомбахш умр яралишига, боқий ҳаёт ўзидан нурли из, шарафли ном қолдиришига ишонман.

**Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ,**  
Ўзбекистон Халқ шоири

25.X.2001 й.  
Тошкент

Маҳкам Темирович театрдан хуноб бўлиб чиқди. У бугунги репетициядан қониқмади. Алишер Навоий роли кўнгилдагидек чиқмаётгани, тарозининг Гули турган палласи тош босаётгани, Навоий Хусайн Бойқаро соясида қолиб кетаётганлиги уни ташвишга солар эди.

Ҳали-замон қуёш уфққа бош қўйган, тун ўз қора чачвонига буркана бошлаган, ҳаммаёқ қалин туман ичида. Булутлар гўё шамол олдига тушиб қочиб кетаётган туялардай югуришар эди. Илиқ ва ёқимли шабада эсарди.

Маҳкам Темирович оғзини катта очиб тоза ҳаводан симирди. Енгил нафас олди-да, «Такси» тўхтатмоқ учун катта йўл ёқасига чиқди. Икки-уч ўткинчи машиналарга «Тўхта!» деган маънода қўл ҳам кўтарди. Бироқ машиналар уни кўрмагандай ё назар-писанд қилмагандай ғизиллаб ўтишда давом этишарди. Ҳафсаласи пир бўлган Маҳкам Темирович уйга троллейбусда кетмоқчи бўлиб бекаат томон йўлланди-ю, лекин бу фикридан тез қайтди. Чунки у ҳозир айни одамлар ишдан қайтаётган пайт, троллейбус ва трамвайлар ҳам тирбанд бўлишини назарда тутдими ёхуд кўнгли танҳоликни хоҳладими, яёв кетишга қарор қилди.

У хаёл оғушида йўлда давом этаркан, Навоий образи муаммоси миясини чулғаб олиб қийналар, бирор чора қидирарди.

«Хўш, нима қилмоқ керак?» — ўйлар эди у. — Навоий ролини бошқа бирор актёрга берсинми? Аммо Исмаил Жабборовдан бўлак бу образни уддалайдиган актёр йўқ эди. Унинг тажрибаси ҳам етарли, маҳорати ҳам зўр, «салқ артисти», деган юксак унвон соҳиби, ўнлаб мураккаб ролларни қойилмақом қилиб ижро этган актёр. Қолаверса, бу хатти-ҳаракати билан унинг иззатнафсига тегиши, қалбини яралаб қўйишини, обрўйига путур етказишини ўйлади-да, ўйлаган ўйидан ўзи хижолат бўлди.

«Боз нима қилмоқ лозим?» деган савол олдида кўндаланг бўлди. Маҳкам Темирович бу қалтис саволга жавоб топиши зарур эди. Шу пайт кўз ўнгиде Алишер Навоий — Олим Хўжаев намоён бўлди. Унинг қулоқлари остида Алишер Навоий — Олим

Хўжаевнинг ҳарам саҳнасидаги Хусайн Бойқаро билан диалоги жанглади.

Хусайн Бойқаро: — Нечун аввалроқ билмадим? Янглишдим.

Навой: — Раҳнамо иблис бўлгач, янглишиш табиийдур. Тушган йўлингиз ғоят мудҳиш йўл. Бу йўлдан борувчининг қонлардан кечиб, каллаларни депсаб ўтмай иложи йўқ!

Хусайн Бойқаро: — Етар, Алишер... Мен Сиздан бунчалик таъналарни кутмаган эдим.

Навой: — Мен ҳам Сиздан мени Балхга юбориб бунчалик «марҳаматлар» қиласиз, деб ўйламаган эдим.

Ёхуд сўнгги саҳнадаги:

Навой: — «Мўмин Мирзонинг ўлими теурийлар хонадонининг инқирозидан нишонадур. Мавлоно Хондамир, бизнинг дарду қайғуларимизни неча асрлар кейинги наслларга элтувчи табаррук саҳифаларга рақам қилингким, ўз қўли билан ўз набирасини ўлдирган, кеча-кундуз кайфу сафодан бош кўтармаган, тўйда ҳам, азада ҳам тўхтовсиз ичадиган Хусайн Бойқаро салтанатимизни ҳалокатдан сақлаб қолишга қодир эмас», деган сўзларини эшитгандай бўлди. Навой — Олим Хўжаев бу сўзларни, улар қанчалик аччиқ ва аламли бўлмасин, мимиқдек юмшоқ, силлиқ ва майин овозда талаффуз этиши Хусайн Бойқаронинг қалбига ханжардек қадалар, унга нисбатан томошабиннинг нафратини кўзгатар эди. Хуллас, Навой — Жабборовда улуғ мутафаккир шоир, давлат арбобига хос босиқлик, ҳалимлик, салобат ва талаффуз этишмаслигини тушунди. У калаванинг учини топгандек бўлди. Эртадан эътиборан Навой — Жабборов билан шу йўсинда ишлашни ҳаёлидан ўтқазди-ю, кўнгли бироз равшан тортгандек бўлиб, қадамини тезлатди.

Маҳкам Темирович овқатланиб олгач, дастурхонга фотиҳа ўқиди-да, энсиз шахмат столчаси атрофига кўйилган юмшоқ ўриндиқларнинг бирига ўтирди ва столча устида ётган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасини кўздан кечира бошлади. Баногоҳ нигоҳи газетанинг иккинчи саҳифасидаги «Театр ҳаёти» рукни остида, Феруз Содиқ имзоси билан, бир бетнинг қарийб ярминини эгаллаган «Девор қуламай туриб» деб номланган мақолага тушди-ю, негадир сергакланди ва уни ўқий бошлади. У мақолани диққат билан ўқиркан, қути ўзгарди, лаблари пичирлай



бошлади. Мақолада сўз у бундан бир ой муқаддам саҳналаш-тирган, таниқли ёзувчи Жавлон Ҳавоий қаламига мансуб «Қайсар қайнона» комедияси хусусида борарди.

Маҳкам Темирович мақолани аввал ичида пичирлаб ўқиди. Бунга ҳам қониқмади чоғи, овозини баланд қилиб ўқишга киришди. Айниқса мақоланинг: «Шекспир, Шиллер, Чехов каби даҳоларнинг шоҳ асарларини қойилмақом қилиб, меъёрига етказиб саҳналаштирган, бу билан обрў-эътибор топган, санъат шинавандаларининг ҳурматини қозонган истеъдодли режиссёрнинг мана шунақа суюқ, тутуриқсиз асарга мурожаат этишининг боиси недур? Қолаверса, рус театрининг отаси — Станиславский: «Томошабин театрга ҳордиқ чиқариш учун келади. Лекин ўзи сезмаган ҳолда қанақадир маънавий озуқа олиб кетади», деган эди. Хўш, ушбу спектаклда машҳур санъаткор қайд қилган маънавий озуқа борми? Албатта, йўқ. Бу асарда на сюжет, на мазмун ва на маъно ва на дард бор.

Биз, санъаткорлар комедия — томошабинга яқин мураккаб жанрлардан бири эканлигини сира унутмаслигимиз лозим. Мен, бу маънода Озарбайжон драматурги Маждид Шамхаловнинг «Қайнона» комедиясини мисол келтирмоқчиман. Спектаклни кўрган томошабин «Қайсар қайнона»дагидек эркакларга аёл либосини кийгизиб, иштонини ечиб, айниқса мўътабар ўзбек онасини масхара қилиб, устидан мажбуран кулмайди, балким, ҳаётимизда учраб турадиган, «бир ёмонини кўрмай, яхшининг қадрига етмайди», деган нақл асосида берилган воқеа-ҳодисаларнинг ва ҳангомаларнинг шоҳиди бўлади, ихтиёрий равишда, мириқиб, ёйилиб кулади. Боз, шубҳасиз, Станиславский башорат қилган маънавий озуқа олиб кетади. Ростданам комедияда ночор, ноиложликдан эмас, балки қалб қаноти билан ихтиёрий кулги бўлмоғи даркор.

Асарнинг яна қусурларидан бири — муаллиф кўчирмачилик қилган, тўғрироғи, адабий ўғрилиқ қилган. Агар Маждид Шамхалов Офат образини ўжар қайнонанинг ақлини жойига солмоқ, инсофга келтирмоқ учун ундан «вақтинча, ясама келин» тимсолида фойдаланган бўлса, Жавлон Ҳавоий эса, қайсар, айтгани-айтган, дегани-деган Бўстонбибининг бўйнини эгиш, уни ҳовуридан тушириш ва ниҳоят таслим этиш мақсадида ишлатган. Қизиғи шундаки, «Қайсар қайнона»даги Шоҳиста-

нинг хатти-ҳаракатлари ҳам, қилиқлари ҳам шундоққина «Қайнона»даги Офат образидан андоза олинган, десак ҳечам янглишмаган бўламиз.

Энг ачинарлиси шундаки, бунақа саёз, енгил-елпи, нобоп асарларни саҳналаштириш орқали биз Академик театрнинг азалий ва тарихий анъаналарини оёқ ости қилган, топтаган бўламиз, томошабинларни жиддий мавзудаги спектакллардан безитамиз. Бугина эмас, ўзбек миллий театри шаънига доғ туширамыз, унинг мавқеига путур етказамиз, томошабини маънавий озуқа олишдан маҳрум этамиз. Ахир қачонлардир театр энг муқаддас даргоҳ ҳисобланган. Актёрлар саҳнага чиқиш олдидан покланишган, томошабинлар эса руҳлари тетиклашиб, баҳра олиб кетишган. Зеро, аслида ҳам шундай бўлмоғи лозим, чунки биз, санъаткорлар саҳнадан туриб одамларга ақл ўргатамиз, уларга йўл-йўриқ кўрсатамиз. Бу эса, ўта масъулиятли, айна бир пайтда ниҳоятда шарафли вазифа.

Тўғри, спектакл аншлаб билан кетаяпти. Зал ҳамиша тирбанд. Кассалар гавжум. Ҳаттоки кўпчилик театр жамоалари ҳам отахон театрга эргашиб асарни саҳналаштира бошлаган. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, режиссёр асарни бўшаб, ҳувиллаб қолган зални тўлдириш, томошабинларни театрга жалб этиш мақсадида саҳналаштиргани яққол кўриниб турибди. Бироқ санъат пул учун эмас, бунинг акси бўлишлигини ҳам унутмаслик керак-ку. Қолаверса, режиссёрнинг бурчи театрнинг ҳамёнини тўлдириш эмас, бунинг учун мутасадди кишилар бор, балким томошабини тўлақонли гоъвий-бадий юксак асарлар билан хушнуд этмоқдан иборат.

Алқисса, «Яранинг олди олинмаса маразга айланиши муқаррар», деганларидай, девор қуламай туриб ақлимизни йиғиб олсак нур устига аъло нур бўлур эди», деган мисраларни ўқир экан, Маҳкам Темировчининг жаҳли қутурди, газетани столча устига иргитди-да, сапчиб ўрнидан туриб кетди ва гўё хона сатҳини қадамлаб ўлчаётгандек уёқдан-буёққа юра бошлади. Анчадан кейин қайтиб келиб ўрнига чўкди-да, столча устида турган «Беломор» қутисидан бир дона папиросни суғуриб олиб лабларига қистирганича олов олдирди ва тутунини ичига чуқур ютиб чека бошлади.

Маҳкам Темирович мақола муаллифининг танқидий мулоҳазаларига қалбан иқрор бўлсада, бироқ иззат-нафси ғолиблик

қилдими, уларни тўлиғича тан олгиси келмади. Билъакс, мақола муаллифидан нафратланди, ҳатто қалбида унга нисбатан аллақандай ғараз ҳисси пўрталанди.

Хонага кириб келган қизи — Гулруҳни кўрган Маҳкам Темирович, ғўе у мушкулини осон қилишига умид боғлагандек қувониб кетди. Ҳатто чеҳраси бироз ёришгандек бўлди.

Гулруҳ дадасига яқинлашиб, одатига кўра унинг кенг пешонасидан бўса олди-да, рўпарасидаги таянма стулга ўтирди.

— Ишдан яхши келдингизми, дадажон? — ҳол-аҳвол сўраган бўлди у.

— Миннатдорман, қизим, — деди Маҳкам Темирович ҳорфинлик билан.

Гулруҳ дадасидаги нохушлик сабабини яхши билса-да, гап очиб ниятида сўради.

— Негадир назаримда кайфиятингиз бузуқ кўринади, дада? Ёхуд иш кўпайиб кетиб ҳоридингизми? Ахир битта спектаклни топшириб улгурмай иккинчи асар устида иш бошлаш сизга зарурмиди? Бироз дам олишингиз лозим эди.

— Ўзинг яхши биласан-ку, мен ишдан чарчамайман...

— Унда нима гап? — ўсмоқчилади Гулруҳ.

Маҳкам Темирович қизининг саволига бирдан жавоб бермади. Столча устидаги газетани қўлига олиб, иккинчи бетдаги мақолага ишора қиларкан:

— Мана буни ўқи. Курсдошинг Феруз Содиқ қовун туширибди. Тўғрироғи, тузимни еб, тузлигимга тупурибди у кўрнамак, — деди ўкинч аралаш.

— Хабарим бор, — деди Гулруҳ бамайлихотир. — Курсдошларимиз билан биргаликда ўқиб чиқдик...

— Хўш?

— Уларнинг аксарияти Феруз акамни қувватлашди...

— Жумладан сен ҳам унинг ёнини олган бўлсанг керак? — кинояомуз сўради Маҳкам Темирович. — Шундайми?

Гулруҳ бироз сукут сақлади. Фикрларини бир ерга тўплади шекилли, ётиғи билан гап бошлади.

— Мен сизни жондан ортиқ яхши кўраман, дадажон. Ҳа, мана шу беқийс меҳрим туфайли, аслида шифокор бўлишликни орзу қилардим. Касбингизни танлашга жазм қилдим. Чунки ақлимни танибманки, сиздек бўлишликни, сиздан андоза олишликка ин-

тилганман... Қолаверса, сизнинг саломатлигингиз, обрўйингиз мен учун ҳамма нарсадан устун...

— Саволимга жавоб бер, Гулруҳ! — қизининг гапини чўрт кесди Маҳкам Темирович кескин овозда.

— Ҳа, — деди Гулруҳ чуқур хўрсиниб, — мен ҳам Феруз акамнинг ёнини олдим. Чунки у ҳақ эди.

— Шунақа де! — истеҳзоли жилмайди Маҳкам Темирович.

— Мени тўғри тушунишингизни истардим, дада, — ёлворган симон гапида давом этди Гулруҳ, — авваламбор, бу комедия сиздақа режиссёрнинг мавқеига лойиқ асар эмас, савияси ўта паст, майнабозлиқдан иборат, Академик театр репертуарига мос келмайди, қолаверса, мақолада таъкидланганидек томошабинни издан чиқаради.

— Сен ҳам бамисоли тўтиқушдек курсдошингнинг гапларини такрорляяпсан, — дея қизининг гапини бўлди норози оҳангда Маҳкам Темирович.

— Унақа эмас, дада, — эътироз билдиришга уринди Гулруҳ, — бунга ўзим гувоҳман. Ҳа, ўтган шанба оқшоми раҳбаримиз театрга, «Шоҳ Эдип»ни кўришга олиб борувди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бизлар кирганимизда залда ўн чоғли томошабин ўтирарди. Кейин билсак, улар ҳам чет эллик сайёҳлар экан. Ахир бу даҳшат-ку, дада. Ростга гап, спектакл ижрочиларига ачиндим, ахир улар орасида халқ артистлари, машҳур актёрлар ҳам бор эди, ҳатто танлаган касбимдан пушаймон бўлишликкача бордим. Ахир ўтмишда, ҳаттоки уруш йилларида ҳам «Ҳамлет», «Алишер Навоий», «Отелло» сингари спектаклларга чипта топиш амримаҳол бўлган деган гапларни одамлар оғзидан кўп марталаб эшитганман.

Маҳкам Темирович бошини қуйи солганича суюкли қизининг гапларини лол бўлиб тингларкан, унинг ҳақлигига иқрор бўлди, ноҳўя фикрларидан хижолат тортди, ҳатто янглишганини тан олишга мойил бўлиб турганида, баногоҳ қанақадир бир ёвуз куч, эҳтимол шайтон уни йўлдан урдими, боз ориятталаблик ҳисси галва қилдими, тез фикридан қайтди ва қизининг кўзларига ўткир нигоҳини қадаркан:

— Майли, сен ҳақ деб ҳам фараз қилайлик, — вазминлик билан гап бошлади Маҳкам Темирович, лекин барибир, гапларимни кулоғингга қўрғошиндай қуйиб ол, қизим, мени десанг бугундан эътиборан Феруз билан алоқангни тамомила узасан. Ҳа, ҳат-

то унинг номини ҳам тилга олмайсан. Қисқаси, ё мени дейсан, ё уни. Иккисидан бирини таяла. Дарвоқе, холанг анчадан бери ўгли Жамшидга сендан умидвор. оғиз олиб юрибди. Қолаверса, сен унга говрабахш қилингансан. Менга қолса, ўшанга тегасан! — деди-ю, гап тамом, дегандек ўрнидан кўзгалди.

Дадасидан бунақа дағал муомалани ва кескин талабни кутмаган Гулруҳ, гўё бошига гурзи билан урган кишидек хаёлини жамлай олмай гарангсиз қолди. Назарида осмон узилиб унинг бошига қулаб тушгандек туюлди, олам кўзига тор ва қоронғу бўлиб кўринди. Ўзини йўқотиб қўйишига сал қолди. Хўрлиги келиб йиғлаб юборишдан ўзини аранг тутиб қолди.

Дарҳақиқат, Гулруҳ танг аҳволга тушиб қолган эди. Унинг баҳорда ёғадиган ҳаётбахш ёмғир янглиғ ширин орзу-умидлари чиппакка чиққан, кунни кеча севгилиси Феруз билан бахтли ҳаёт қуриш ҳақидаги ниятлари саробга айланган эди.

Хўш, шўрпешона Гулруҳ бошига баногоҳ тушган кулфатдан қутилиш учун кимдан нажот сўрасин? Дарду аламинини кимга айтсин? Оллоҳдан бўлак унинг оҳу-зорига қулоқ тутадиган ким бор?

Энди қўлидан ҳеч нарса келмаслигини англаб етган Гулруҳнинг қалбида шунақа умидсизлик ҳукмрон эдики, у пойма-пой, юракка ғашлик солувчи фикрларни миясидан улоқтириб ташлашга қурби етмай, ўзини ўта ночор ва нотавон ҳис қила бошлади. У ўрнидан оҳиста туриб ётоқхонасига кирди-ю, ўзини каравотга ташлаганича ҳўнграб йиғлаб юборди.

Гулруҳнинг кўз ёшлари ёстиқни ҳўл қилди. Шу алпозда у анчагача ётди. Сўнг ўрнидан туриб ечинди-да, гўё унинг кулфатига ҳамдард бўлгандек писиниб пинжига кириб ётган олачипор мушукни эркалаб бошини сйлаган эди, мушук тўзиган бошини кўтариб думини найча қилиб бурди ва енгил пастга сакраб тушди. Гулруҳ дераза томон бориб, унинг бир табақасини очди. Уйга енгил шабада кирди.

Тун сокин, мовий ва беғубор осмонда юлдузлар милтиллар эди. Тўлиқ ой томлар орқасидан кўтарилди. Гулруҳнинг назарида нурини сочаётган ой Гулруҳнинг музлаб қолган юрагини иситаётгандай туюлди. У тўшакка кирди. Кўзларини чиппа юмиб ухлашга уриниб кўрди. Аммо, уйқу сира келмасди. Гулруҳ нигоҳини уйнинг кабакор шипига қадаганича ётаркан, хаёл денгизига фарқ бўлди.

... Гулруҳ ярим кечада инграш овозидан уйғониб кетди. Атрофга қулоқ тутди. Овоз акаси ётадиган хонадан келарди. У сапчиб ўрнидан турди-да, апил-тапил кийиниб акасининг хонаси томон ошиқди.

Гулруҳ хонага кириб келганида дадаси акасининг каравоти ёнига қўйилган курсига ўтирганича ўғлининг қўлларини уқаларди. Ойиси эса аллақандай дорини пиёлага томизаётган эди. Ташқарида эса шафқатсиз сукунат ҳукмрон эди. Шамол увилларди.

Гулруҳ акасининг каравотига яқинлашгач тиз чўкди-да, иситмаси кўтарилгандир, деб ўзича фараз қилди чоғи, унинг пешонасига қўлини қўйди. Акаси унинг мудроқ кўзларига суқланиб тикиларкан:

— Мени сақлаб қол Гулижон, меҳрибон синглим, — деди илтижо аралаш. — Мен яшапни истайман, жигарим.

Гулруҳ алланималардир деб уни юпатмоқчи бўлди-ю, бироқ томоғига алланарса тиқилгандек бўлиб, ўпкаси тўлди-ю, бунга имкон бермади.

Ойиси томизиб берган корвалон ҳам, тили тагига ташланган волидол ҳам беморга ёрдам бермади. Оғриқ йигитнинг нафас олишига имкон бермас, ҳаво етишмаслигидан кўзлари хонасидан чиқаётгандек бўларди. Санчиқ юракдан мияга ўтиб, уни ўраб олиб, панжалар орасига олиб эзар эди.

Кўп ўтмай «Тез ёрдам» етиб келди. Алп қоматли ҳаким ўзи билан келган ҳамширага зудлик билан юрак ҳаракатини ёзиб борадиган асбобни ҳозирлашни буюрди-да, ўзи беморнинг қўлини ушлаб томир уришини, сўнг қулоқларига танометрни илдириб қон босимини ўлчади. Унгача ҳамшира беморнинг қўл-оёқларига, кўкрак қисмига асбобни ўрнатиб улгурган эди. Ҳаким плёнкадаги ёзувни асбобдан узиб олиб чироқ ёруғлигида уни кўздан кечираркан, қиёфаси жиддийлашди. У Маҳкам Темировични имлаб қўшни хонага чиқаркан:

— Домла, — деди у, — беморнинг аҳволи оғир. Кенгайган инфарк. Уни дарҳол касалхонага, реанимацияга ётқизиш лозим эди, бироқ ҳозир уни қимирлатиб бўлмайди. Бу жуда хавфли. Ҳа, шошилишч юрак мутахассисини олиб келиб, ётган жойида даволашни бошлаш керак.

Ҳамшира томирдан юборган кордиамин беморнинг ҳолатини бироз енгиллаштиргандай бўлди. Оппоқ юзига қон югуриб, ҳасратли кўзларида қанақадир нур чақнаб кетгандек бўлди. У

ойиси, дадаси ва синглисининг кўзларига суқланиб узоқ тикилиб турди-да, сўнг ойисининг қўлларини кафти орасига олиб силай бошлади.

Йиғламанг, волидаи меҳрибоним, — деди у меҳрибонлик билан, — ҳамма-ҳаммаси ўтиб кетади, — деди-ю, гапи танбур торидек бехосдан узилди. Қўллари шилқ этиб каравотга тушди...

Гулруҳ ҳўл бўлган юзини акасининг қота бошлаган юзига кўяркан, лаблари «мен мактабни тугатгач, албатта шифокор бўламан. Одамларнинг дардига малҳам бўламан», дея шивирлади.

Акасининг етгисини ўтқазгач, бир оқшом Маҳкам Темирович Гулруҳни ҳузурига чорлаб қолди.

— Қизим, — деди у кўзларига куйилиб келаётган ёшларни рўмолчаси билан артаркан, — сендан бир илтимосим бор.

— Қулоғим сизда, дадажон, қанақа илтимос экан? — сўради Гулруҳ тавозе билан.

— Биласанми, қизим, умр бўйи фарзандларимдан бири касбимни давом эттиришини ният қилардим. Умидим раҳматли акангдан эди. Минг надоматлар бўлсинким, Оллоҳ уни менга кўп кўрди, пешонамга сиғмади у. Ўзингга маълум, катта аканг бинокор, опаиғ эса мусаввир. Энди ёлғиз умидим сендан, жон қизим. Ўйлайманки, илтимосимни рад этмассан.

Гулруҳ, биринчидан, шифокор бўлмоқликка онт ичган, иккинчидан, дадасининг касби унга маъқул эмаслиги сабабли унинг илтимосини рад қилмоқчи ҳам бўлди, ҳатто оғиз ҳам жуфтлади. Бироқ дадасини жуда-жуда яхши кўргани учун, айниқса бошига зилдек оғир кулфат тушганини назарда тутдими, шундай ҳам вайрон бўлган юрагига озор беришликни истамадими:

— Майли, дадажон, — деди мулойим овозда, — сизнингча бўлақолсин....

Гулруҳ мана шуларни эсларкан, бир томондан жувонмарг бўлган акасига ачинса, иккинчи томондан, ҳижрон ўти уни ёнди-рар эди.

## 2

Феруз олийгоҳ ҳовлисига кириб келганида уни талабалар қуршаб олишди ва бири кўйиб, бири шов-шувга сабаб бўлган мақола билан табрикларди. Ҳатто домлалар ҳам унинг қўлини маҳкам қисиб, қойил қолганликларини баён этишар, унинг келгусидаги ижодига омад тилашар эди. Феруз бош ирғаб уларнинг

барчаларига миннатдорчилик изҳор этар, лекин хаёли бутунлай бошқа жойда эди. У кузи тўрт томонга олма териб Гулруҳни қидирар эди.

Машғулот аллақачон бошланганига қарамай, негадир ҳамон Гулруҳдан дарак йўқ эди. Феруз безовта бўла бошлади. Ҳар хил нохуш хаёллар миясини қамраб олиб, ўзини тикан устида ўтиргандай сезар, домланинг гаплари қулоғига кирмасди.

Мана, ниҳоят аудитория эшиги гиж этиб очилиб Гулруҳ кўринди. Ферузнинг наздида ўша томондан куёп чиқиб, унинг хуфтон бўлган қалбини чароғон қилиб юборгандек туюлди. Бироқ унинг қувончи узоққа чўзилмади. Гулруҳ остона ҳатлаб хонага кирдию, домладан рухсат сўраб асли ўтирадиган жойи — Ферузнинг ёнига эмас, ҳатто Феруз томон қиё ҳам боқмай, орқа қатордаги ўтиргичларнинг бирига бориб ўтирди. Феруз севгилисининг бунақа қилигини ўзинча: «Дадасини биров танқид қилганим учун мендан ранжиган бўлса ажабмас», деб ўйлади-да, у томон бурилди. Гулруҳнинг нарғиз кўзлари қизарган, бодом қовоқларидан қор ёғарди. Кўзлар тўқнашди. Лекин Гулруҳ тез Феруздан нигоҳини олиб қочди ва бошини куйи солди. Феруз: «ҳечқиси йўқ, танаффус пайтида унга ҳаммасини тушунтираман, кўнглини овлайман», деб хаёлидан ўтказди ва кўнғироқ чалинишини тоқатсизлик билан кута бошлади.

Гулруҳ боши оғриётганини баҳона қилиб танаффусга ҳам чиқмади. Ҳатто ёнига келган Феруздан ҳам узр сўраб, машғулотлар тугагач бафуржа гаплашишга ваъда берди-да, ундан ҳоли қолдиришликни илтимос қилди.

Ниҳоят машғулотлар тугаб, Гулруҳ билан Феруз олийгоҳ ҳовлисидан кўчага чиққач, анча ергача ёнма-ён боришди. Лекин на унисидан ва на бунисидан сас чиқмади. Ҳар иккиси ҳам ўз хаёли, ўз ташвиши билан банд эди. Охири Ферузнинг бардошига дарз кетди чоғи:

— Ўзи нима гап, Гулруҳ? Айбим биров даденгизнинг шаънига текканимми?!

— Йўқ, Феруз ака, мен сиздан бунинг учун сира-сира хафа эмасман. Сиз минг карра ҳақсиз.

— Унақада нега турланиб юрибсиз?

Гулруҳ бу мудҳиш хабар билан севгилисининг шабнам янглиғ покиза қалбини яралаб қўйишдан андиша қилдими, анча



муддат жимиб қолди. Бироқ, барибир бу гапни айтмасликнинг иложи йўқлигини ўйлади-да, Ферузга ғалати қараш қилди.

— Мен турмушга чиқаяпман, Феруз ака, — деди у титроқ овозда.

Бу хунук хабарни эшитган Ферузнинг бошига шариллаб қон қуйилгандай бўлди, танасида тукли ари чаққандек оғриқ сездди. Бутун вужуди бўшашиб, кўз олди қоронғулашди. Қалби қаттиқ шикастланганидан тили анчагача калимага келмай қолди. Феруз қулоқларига ишонмас эди.

— Нима дедингиз, Гулруҳ? Яна бир бор қайтаринг, — деди у зўрба-зўр ўзини ўнглашга уриниб.

Гулруҳ ёноқ суякларини маҳкам қисди, унинг юзлари тошдек қотди.

— Ҳа, шунақа бўлиб қолди.

— Ким экан, у Қоработир?

— Холабаччам Жамшид.

Рашк Ферузнинг миясини қотирар, қалбини тирнар эди. Маъшукасининг ғайритабиий куч билан порлаб турган, эндиликда анча чўккан кўзларининг тик боқиши Ферузни довдиратиб қўйди. Ишонч, умид соҳилидан умидсизлик, тушкунлик гирдобига чўкаётгандек сездди ўзини.

— Нима, энди тақдирга тан бермоқчимисиз? — сўради у овози қалтираб.

— Иложим қанча, Феруз ака. Ахир ота рози, Худо рози, дейишган ота-боболаримиз. Иннанксейин, дадамнинг феъл-атворларини биласиз, чўрткесар. Раъйларини қайтарсам юзимни кўрмайдилар. Шу боис кўнишга мажбур бўлдим.

Ферузнинг кўзларида учқун чақнаб кетди.

— Демак, ўзингизни парвонадек оловга урмоқчисиз, шундайми?

— Начора...

— Ахир бу ўт қанотларингизни куйдиради-ку.

— Қўлимдан нима ҳам келарди, Феруз ака?

— Орамиздаги муҳаббат нима бўлади? Наҳотки, уни шунчалик осон оёқости қилсангиз? Қолаверса, уни севмайсиз-ку.

Гулруҳ жим турарди. Унинг қотиб қолган юзида бирорта ҳам томири қимир этмади. Феруз Гулруҳга ҳайратомуз боқди.

Орага жимлик чўқди. Сукунатни фақат шамол уёқдан-буёққа учираётган йўлаклардаги сарғайган баргларнинг шитирлаши

бузиб турарди. Осмон юзини қора булутлар қоплаб олиб, қуёш гўё икки ноумид ошиқи шайдоларнинг қисматларига ачингандай булутлар панасига яширинди.

— Гапиринг, Гулруҳ! Нега оғзингизга сув олгандек жимиб қолдингиз? Ростданам ўшанга тегмоқчимисиз?

Гулруҳ жазманининг саволини жавобсиз қолдирди. У хаёл денгизига ғарқ бўлди. Ҳа, Гулруҳ муҳаббат боғига кирдингми, бас, бу сеҳрли боғдан чиқмоқ нақадар мушкул эканлигини ҳам яхши тушунарди. Чунки Ферузга нисбатан бўлган севгиси уни занжирбанд қилиб ташлаган, унинг ҳалқаларини парчалаш амимаҳол эди. Бу, Сирдарёнинг суви янглиғ мусаффо ва пок эканлигини, Феруздан айрилиб қолса, бир умрга бахти қора бўлишлигини, ҳижрон алангасида ёниб кул бўлишини ҳам яхши биларди. Бироқ сўзида қатъий турувчи дадасининг суханини икки қилиш ҳам гуноҳи азим эканлигига ҳам ақли етарди. Хўш, шўрлик Гулруҳ нима қилсин?! Қайси бирини десин? Хуллас, унинг аҳволи танг ва мушкул эди.

— Бундан чиқди, «Сизсиз менга ҳаётнинг маъноси йўқ, сиз менинг бахтим, иқболим, саодатим, илҳомимсиз», деб баландпарвоз сўзлаганларингиз, онг ичганингиз, барча-барчаси ёлғонсохта эканда? — деди Феруз куйиниб.

Гулруҳ қовоқларини хиёл кўтариб Ферузга мафтункор хаёлий кўзлари билан боқди.

— Мен, деди у, — бутун вужудим билан сизга содиқ ва вафодор бўлишга аҳд қилган эдим, лекин минг надоматлар бўлсинким, жисмоний жозиба идрок истагига тескари турди. Қалб жисмни ўзига ром этмоқчи бўлди, аммо жисм қалб хоҳишини инкор этиб, ўзича йўл тутди.

— Бундан чиқди қарорингиз қатъий, шундайми?

Гулруҳнинг кўкрагидан тўлқинсимон хўрсиниш отилиб чиқди. Ўпкаси тўлиб, кўзлари намланди.

— Ўтинаман, Феруз ака, мени бунча қийнаманг. Менга ҳам осон тутманг, — деди-ю, орқасига терс бурилиб Феруздан узоқлаша бошлади. Феруз эса силласи қуриб, гўё ўрнидан жилишга мажоли йўқдек тобора узоқлашаётган Гулруҳдан кўзини узолмай қоққан қозиқдай тик туриб қолди. Ҳа, Ферузнинг умид косаси истаган ичимлигига тўлмай чилпарчин бўлган эди. Тақдир уни мурод чашмасига рўбарў қилмади.

Шу пайт дунё кўзига тор, қоронғу ва бефайз кўриниб кетди. Назарида осмон узилиб ерга қулагандек, замин ларзага келиб, олам зим-зиё бўлиб қолгандек туюлди. Ер шарини фақат муҳаббат, абадий муҳаббат асраб қолиши мумкинлигига иймон келтирди.

Гулруҳнинг сира уйга боргиси йўқ эди. Вайрон бўлган кўнгли танҳоликни истарди. Шу боис ҳам у яёв юришни лозим деб топди. Йўл-йўлакай Бош майдонни айланди, коинот сари интилаётган фаввораларни томоша қилди. Дарахтлар соя ташлаб турган скамейкаларнинг бирига ўтириб олиб хаёл сурди.

Бунақа ажойиб, сержило ва дилкушо оқшомда анвойи гулларнинг ҳидидан, фавворалардан сачраётган сув насмидан беихтиёр сархуш бўласан, таърифлашга тил ожизлик қиладиган завқ-шавққа тўласан, яшаётганингни ҳис этасан, ҳаётнинг нақадар ширин ва гўзаллигини, сени гвайлаб, ардоқлаб ҳимоя қилаётган аллақандай илоҳий куч уни бошқараётгани, ўша куч туфайли енгил ва қувончли нафас олаётганингни фаҳмлайсан киши. Бироқ бунақа гўзаллик ва роҳатдан Гулруҳ маҳрум эди. Унинг мурғак қалбини заифлик тумани қоплаган, заифлик эса қалбида умидсизликни уйғотган эди. Хуллас, айна пайтда унинг кўнглига қил ҳам сиғмасди.

Гулруҳ ойисига чарчаганини важ қилиб, овқат егиси йўқлигини айтди-да, хонаси томон йўлланди. У уйга кирди-ю, ўзини диванга ташлади, бошини орқасига энгаштирди ва қўллари билан намланган кўзларини бекитди. Юраги қаттиқ урар, гўё ҳозир қинидан отилиб чиқиб, ҳаво пуфагидай ёрилиб кетаётгандай эди. У йиғлаб юбормаслик учун қўли билан оғзини ёпди. Бироз фурсат хаёл суриб ўтирди-да, яна диванга чўзилди. Назарида, тўрт девор уни исканжасига олиб қисаётгандай қийналди. Пешонаси шўрлигидан нолиди. Унинг ноласи пораланган юрак фарёди мисол мунгли эди. У ўзини ортиқ тутолмади, йиғлаб юборди.

Бироздан кейин ўрнидан туриб деразага яқинлашди ва деразанинг бир табақасини ёғирлатиб очди. Хонага тоза ҳаво оқиб кирди ва Гулруҳ очкўзлик билан совуқ ҳавони юта бошлади. Агар дераза олдида яна бироз турса, ой ва юлдузларни ҳам ютиб юборишга тайёр эди. Гулруҳ юлдузларни кўрмоқ илинжида осмонга боқди. Лекин юлдузлар кўринмайди. Фақат гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай сузиб юрган ой булутлар орасидан аранг қутилиб нур сочарди. У деразани ёпди-да, тўшакка кирди.

Оламни қамраб олган қоронгуликни нурлари билан ёритиб ой чиқди ва деразадан ўтиб, тўғри Маҳкам Темировичнинг кўзларига тушди-ю, уйқусини қочириб юборди. У қаддини ростлаб, ёстиққа суянди-да, каравоти ёнидаги шкафча устида турган лампа ёруғида аллақандай китобни ўқиётган хотинини гапга солди.

— Ҳали сенга айтишни унутибман, боғам ишхонамга телефон қилувди...

— Тинчликмикан? — китобдан кўзини узиб, эрининг гапини бўлди хотини.

— Боз ўша, Гулруҳ хусусида. Эртага кечқурун эр-хотин келишмоқчи.

— Хуш, уларга нима деб жавоб бермоқчисиз? — сўради хотин.

— Нима деб жавоб берардим, хўп дейманда.

— Қалай бўларкин, дадаси?

Маҳкам Темировичнинг энсаси қотди.

— Гапигга тушунадим, хотин. Нима, қизингни Жамшиддан ортиққа берармидинг? Хусндан камчилиги йўқ, барно йигит. Синглинг катта лавозим соҳибаси, поччанг ҳам топарман-чопарман. Данғиллама ҳовли, сингил машина, дегандек...

— Ахир Гулруҳнинг йигити бор-ку, Маҳкам ака.

— Анави маҳмадона, сурбет келгиндими? — заҳархандалик билан сўради Маҳкам Темирович.

— Келгинди бўлса нима қипти, дадажониси.

— Барибир, унга қизим тугул итимни ҳам бермайман.

— Унинг айби нимада? Фақат мақола ёзганидами?

— Бугина эмас, ўзинг мундоқ ўйлаб кўр, унинг нимасига қиз бераман? Ҳовли-жойи, мол-мулки бормидики, ишонсам. Бундай олганда ўзи ҳали хомхўрак бўлса. Мен қизимнинг муҳтожликда яшашини истамайман. Умидаларнинг йўриғи бошқа. Қизингнинг егани олдида, емагани кетида бўлади, бой-бадавлат кун кечиради. Қолаверса, Жамшид ундан юз чандон эс-ҳушли. У менга жуда-жуда ёқади.

— Йигит моли ерда, дейди халқимиз, Маҳкам ака, слийгоҳни тугатиб ишга жойлашиб олса, бир амаллаб рўзгорни тебратар ахир. Ўлибдими бир хотинни боқолмай...

Маҳкам Темирович ҳайратланиб ёқа ушлади.

— Менга қара, хотин, сени тушуна олмаяпман, ҳадеб унинг ёнини олишингнинг боиси нима? Ёхуд бирор каромат кўрсатдими?

— Мен унинг ёнини олаётганим йўқ, Маҳкам ака, бор гапни айтяпман. Иннанкейин, улар бир-бирларини севишади.

— Севишса нима қипти? Қолаверса, уларнинг севгиси ўткинчи бир ҳол. Меҳр кўзда, дейишади донишмандлар. Ҳа, қизингни кўзи Жамшиддек хушрўй йигитнинг кўзига тушса ҳаммасини унутиб юборади.

— Қайдам... Ҳар ҳолда Гулруҳнинг олдидан ўтиш керак.

— Мен у билан гаплашдим.

— Хўш?

— Унга хоҳишимни айтдим.

— У нима деди?

— Ҳеч нарса демади. Маълумки, сукут — розилик аломати.

— У сизнинг юзингиздан ўтолмай гапирмагандир, балким...

Маҳкам Темировичнинг жаҳли чиқди..

— Бас қил! — шартта хотинининг гапини кесди у. — Ҳадеб гапни чувалатавермай тайёргарчилигини кўравер. Эртага оқлик берамиз, — деди-ю, қайта жойга чўзилиб, кўрпани бошига тортди.

Феруз бош режиссёр хонасининг эшигини чертди. Ичкаридан «Кираверинг», деган овоз эшитилди. У эшикни очиб, бўсага ҳатлаб хонага қадам босганида Маҳкам Темирович аллаким биландир чақчақлашиб телефонда гаплашаётган эди. Унинг кўзи Ферузга тушди-ю, ранги ўзгарди. Узинчоқ юзларида ялттираб турган табассум бир зумда қасққадир ғойиб бўлди, тундлашди. У суҳбатдоши билан хайрлашиб, телефон гўшагини ўрнига қўяркан, бошини Феруз томон бурди-да:

— Хизмат? — дея сўради у нохуш оҳангда, ҳатто уни ўтиришга ҳам таклиф этмай.

— Мен ҳузурингизга Гулруҳ масаласида келган эдим, — деди Феруз чайналиб.

— Гулруҳни энди тинч қўйинг, йигитча. У турмушга чиқаяпти, — деди Маҳкам Темирович жиддий оҳангда.

— Ахир, биз бир-биримизни севамиз-ку, домла.

Маҳкам Темировичнинг кўзларида масхараомуз табассум балқиб кетди.

— Менга қаранг, Ферузбек, қуруқ севги билан қорин тўймайди. Ҳа, севги бошқа, турмуш бошқа. Шунини унутманг, иним. Мен қизимни хор-зор қилиб қўйишга йўл қўймайман.

— Мен қизингизни бахтли қилмоқчиман, домла.

Маҳкам Темирович қаҳ-қаҳ уриб кулди. Лекин унинг кулгиси сохта чиқди.

— Қандай қилиб? — сўради у кулгидан ўзини базўр тўхтатиб.  
— Маошингиз қанча?.. Қизиқ, ўзингиз ҳали боқимандасиз-у, боз бахтли қиламан, деб лоф уришингизга доғман-да.

Маҳкам Темирович бироз фурсат сукут сақлади-да, сўнг гапида давом этди:

— Менга қаранг, ука, яхшиси кўрпангизга қараб оёқ узатсангиз яхши бўларди. Ҳа, бундан буён Гулруҳнинг бошини қотирманг. Акс ҳолда кўнглингизни хуфтон қилиб қўйишим мумкин, — суҳбатга хотима қўймоқчи бўлди у.

Феруз бир неча сония гарангсиб, турган жойидан жилолмамай, донг қотиб турди. Унга Маҳкам Темировичнинг «боқимандасиз» деб ҳақорат қилгани, айниқса, алам қилди, жон-жонидан ўтиб кетди. Унинг ёноқлари ловуларди. Танасини жисмоний оғриқдан сира қолишмайдиған изтироб қийнар эди. Бора-бора бу оғриқ қалбида ор-номус, ғазабни уйғотди. Қалбида қутурган бу тўфон тобора мавжланиб, туғён урарди, нафратини кўзгарди. У ўзини куфр йўлидан асраб қолиш учун ақлини йигиб олишга уринди. Бироқ бунга қурби етмади. Чидамига дарз кетди-ю, бошини баланд кўтарганича ўткир нигоҳини ҳамсуҳбатининг кўзларига қадади.

— Менга айтинг-чи, Маҳкам Темирович, — деди у дадил овозда, — Гулруҳни ким бахтсиз қилмоқчи, сизми ёки менми?

— Саволингизга тушунмадим, — елка қисди Маҳкам Темирович.

— Унда яхшилаб тушуниб олинг, домла, — деди у дадил овозда. — Мен азбаройи Гулруҳни жондан ортиқ севганим туфайли уни бахтли қилмоқчи бўлсаму, сиз эса, азбаройи шахсий ҳиссиётингиз устунлик қилиб, обрўталаблигингиз, ўринсиз манманлигингиз галва қилиб, қолаверса, бировларнинг вақтинчалик юксак лавозимига, бебақо давлатига учиб ўз фарзандингизни ўз кўлингиз, ўз ихтиёрингиз билан ўтга ташламоқчисиз. Гулруҳ иккимиз қурган муҳаббат қўрғонини вайрон қилмоқчисиз. Ахир қачонгача одамларни бою-камбағалга ажратамиз? Қачонгача насл-насабига қараб қиз олиб, қиз берамиз? Менга жавоб бериб кўрингчи, минглаб оилаларнинг бузилиб кетишига, барбод бўлишига мана шу қусурлар сабаб бўлмаётганига ким кафолат бера олади? Сўз тахтининг ҳукрони буюк Алишер Навоийнинг Лай-

ли ва Мажнунлари, Абдулла Қодирийнинг Кумуш ва Отабекларининг фожиали қисматларидан нега сизу биз хулоса чиқармай-миз?

Ахир, қачонгача, одамлар асрлар оша орзу қилган инсон қалбидаги энг сара гуллар чаман бўлиб очиладиган, энг гўзал интилишларини ҳаёт топтамайдиган, балки уни барқ урдирадиган замон қачон келади? Ахир бу узоқ кутилган, умид қилинган даврни яқинлаштириш, инсонларнинг олижаноб истакларини рўёбга чиқармоқ бошқа касб эгалари қаторида, биз, санъаткорларнинг ҳам муқаддас бурчимиз эмасми?

— Нима, менга ақл ўргатмоқчимисиз, йигитча? — Ферузнинг гапини бўлди чидамига дарз кетган Маҳкам Темирович.

— Алҳазар! Маҳкам Темирович, сизга ақл ўргатмоқчи эмасман, бироқ бир нарсани айтмасдан иложим йўқ, шу онгингиз, шу дунёқарашингиз билан одамларга ақл ўргатиб юрганингизга ҳайронман, — деди-ю, орқасига терс бурилиб, шиддат билан хонадан чиқиб кетди.

### 3

Гулруҳ Ферузнинг кўз ўнгидан сира нари кетмас, кечаю кундуз хаёли у билан банд бўлиб, ўқишдан совуб, қўли ишга бормас эди. У севгилисидан бутунлай ажраб қолганига сира-сира ишонгиси келмас, муҳаббат учун, бахт учун курашишга аҳд-паймон қилар, бироқ Гулруҳни андиша қилиб фикридан қайтар, қалбида Гулруҳга нисбатан ловуллаб турган севги гулханини ўчиришга интилар, лекин бунга қурби етмай азоб чекарди. Зеро, бундан буён қалбида ёниб турган тотли севги учқунлари бошқа қиз олдида қайта ловулламаслигини, умрининг охиригача мана шу муҳаббатга содиқ бўлиб қолишга онт ичарди.

Алқисса, икки севишган аламзада қалб дуторнинг икки тори-дек бир-бирига қовушмай изтироб чекишарди.

Курсдошларидан Гулруҳнинг тўйи бошлангани ҳақидаги хабарни эшитган Ферузнинг ороми йўқолди. Яраси қайтадан юрагини тирнай бошлади.

Феруз нашриётга кириб қалам ҳақини олди-да, кўнглини забт этган гашликни қувиб юбориш учунми ёхуд аламиданми, негандир тўсатдан ичкиси келиб қолди. У бинодан чиқиб, таҳририятдан унча узоқ бўлмаган «Зарафшон» ресторани томон одимлади

ҳам. Аммо у ерга ёлғиз боришликни ўзига эп билмадими ёхуд бошқа бир нарсани андиша қилдими, юришдан таққа тўхтади. Шу маҳал эсига «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг санъат бўлими мудирини, дўсти Жўрабек тушиб кетди-ю, орқасига қайтиб ишхонасига кирди.

Жўрабек Ферузни хушнудлик билан қарши оларкан, уни қайта-қайта бағрига босди ғалабаси билан табриклади.

— Қойил қилдингиз, биродари азиз, — деди у, қувончини яширолмамай, — шу кунларда барчанинг оғзида шу гап. Тинимсиз кўнғироқлар бўлиб турибди.

Феруз бўлим мудирига миннатдорчилик изҳор этаркан, дарҳол мақсадга кўчди.

— Сизни бир пиёла чойга таклиф этгани келувдим, — деди у. — Ўша мақолани ювамиз, — деб қўшиб қўйди.

Иш вақти адоғланиб қолгани учунми ёхуд дўстивининг шашгини синдиргиси келмадими, Жўрабек дарров рози бўлди.

Иккиси анча вақтгача отамлашишди. Дурустгина кайф қилишди. Ресторандан чиқишгач, икки дўст икки томонга кетишди.

Феруз Гулруҳ билан видолашганидан бери камандаликни касб этган эди. У сигарета тутатди. Тамаки билан коньяк қўшилиб кайфини баттар ошириб юборди шекилли, оёқлари унга итоат қилмай, мувозанатни йўқотди. Лекин ўзини тез ўнглаб олди ва йўлида давом этди.

Мастлик — ғалати нарса: маст кишининг эсига аллақачон унутилиб кетган гина-кудратлар, воқеалар тушади, қачонлардир биров уни хафа қилган бўлса, ундан қасос олгиси келиб қолади, ўзини шер деб ҳис қилади. Бундай ҳолларда одамда аллақандай ғайритабиий мардлик, ботирлик ва журъат ҳам пайдо бўлади. Ферузда ҳам худди мана шундай ҳол юз берди. Ногаҳон ёдига Гулруҳ тушиб кетди-ю, орқасига қайтиб, Ишчилар шаҳарчаси томон йўл олди.

Феруз Гулруҳларникига кириб борганида тўрт-беш йилит-қиз ҳовли тўрида ивирсиб юрар, ўн-ўн икки чоғлик одамлар эса айвон тагидаги чорпоаяларда ўтирганларича сабзи тўғрашар эди.

Ферузни кўрган Маҳкам Темирович, азбаройи одамгарчилик, одоб юзасидан у томон одимлади. Бироқ мастларни жини ёқтирмагани учунми ёхуд эски ғарази эсига тушиб кетдими, юришдан таққа



тўхтади. Шу маҳал ногоҳ Гулруҳнинг ойиси уйдан чиқиб қолди-ю, Ферузни ичкарига таклиф этди. Феруз ўридан жилмади.

— Куёв муборак! — деди-ю, ўпкаси тўлди чоғи, мезбоннинг мулозаматига ҳам аҳамият бермай, орқасига терс бурилиб ҳовлидан чиқиб кетди.

#### 4

Дабдабали базм кечаси «Зарафшон» ресторанининг яшил залида бўлиб ўтди. Кечага анча-мунча «катталар» ҳам ташриф буюришди.

Базм тобора авжига минар, таниқли хонанда ва раққосалар бир-бирларини алмаштирар, меҳмонлар қадаҳ кўтаришиб келин-куёвларга бахт тилашар, айниқса келиннинг отаси Маҳкам Темировични, куёвнинг ойиси Умида Давлатовнани мадҳ этиб, улар шаънига мақтов сўзларини айтишар, косагули — аллақайси театрининг актёри, новча, қотмадан келган йигит томоқ қириб, тинмай вайсар, ҳазил-мутойиба қилар, хуллас жон-жаҳди билан тўй аҳлини мамнун қилишга тиришарди. Аммо кайфи ошган тўйхўрларнинг қулоқларига на қутловчиларнинг пала-партиш табриклари ва на косагулининг гаплари кирмас, зал асалари уяси-дек гувиллар эди.

Гулруҳ, гўё бу ерда давом этаётган кайфу сафо, хушвақтлик, вақтичоғлик ва гап-сўзларнинг унга сира дахли йўқдек, жонсиз тана янглиғ бефарқ ва лоқайд ўтирарди. Ҳа, Гулруҳ учун эндиликда ҳамма-ҳаммаси тамом бўлган эди. У Оллоҳнинг ҳар бир инсонга қувонч ҳамда ғам-ғуссани ўлчаб берганлигига яна бир бор иймон келтирди.

Базм тарқаб, келин-куёвлар Жамшидларникига етиб келишганда вақт алламаҳал бўлиб қолган, гулхан туннинг қора бағрини яламоқда эди. Кайфи ошган Жамшид Гулруҳни «Мерседес»дан туширди-да, унинг қаршилиқ кўрсатишига қарамай, даст кўтариб, дарвозадан ҳовлига олиб кирди ва сатҳи кенг ҳовлининг тўрида, шу ёзда ўзи учун атайлаб қурилган ҳашаматли бино томон олиб кетди ва фақат қизғалдоқдай безатилган хонага олиб киргач, устига ялтироқ қимматбаҳо чойшаб ёпилган энли каравот устига ўтқазди-ю, уни маҳкам бағрига босганича устма-уст ўпич ола бошлади.

— Нима қиялпсиз, Жамшид ака? — типирчилаганича Жамшиднинг қучоғидан қутилишга уринди Гулруҳ. Лекин Жамшид аллақачон жоловини йўқотиб қўйган эди. У хирсини босишга уриниб кўрди, лекин хирси баттар ловуллади, милтиқ дорисидек портлади, унинг алангаси бутун борлигини қамраб олди.

— Бас қилинг, уятсиз! — деди Гулруҳ қаҳр аралаш. — Нима қиялпсиз?

— Нима қилардим, жонидан, муродимга етмоқчиман, холос. Ахир энди сиз меники бўлдингиз.

Жамшид Гулруҳни қайтадан қучоғига тортди. Гулруҳ икки қўлини унинг кўкрагига тираб, ундан қутулди-ю, сакраб ўрнидан турди. Рўпарасида бошини баланд кўтарганича, сочлари тўзиган, кўзлари жаҳл аралаш ёниб турган Гулруҳга кўзи тушган Жамшид бироз довлдираб қолди шекилли, анча вақт унинг кўзларига ҳайратомуз боққанича ётди-да, сўнг ўрнидан туриб Гулруҳга яқинлашди.

— Барибир, энди сен меники бўласан! — дея бақирди у сенсираб ва шунақа куч билан Гулруҳни ўзига тортдики, қиз оғриқ зўридан додлаб юборди. Қадди тол қамияч мисол букилди. Жамшид унга баттар ёпишиб, юз-кўзларидан, пешона-ю, лабларидан тинмай бўса ола бошлади. Жамшиднинг оғзидан арақ ва кабоб аралаш анқиётган ёқимсиз ҳид Гулруҳнинг кўнглини айнитар, шилқимлиги энсасини баттар қотирарди. Гулруҳ бор кучини қўлларига тўшлаб, Жамшидни ўзидан бироз узоқлаштирди.

— Андак андиша қилсангиз бўларди, Жамшид ака, — деди у ёлворгансимон оҳангда. — Ўзингиз яхши биласиз, мен сизга ўз хоҳишим билан теккан эмасман. Ҳа, бу никоҳга азбаройи дадамларнинг истаклари билан кўнганман. Наҳотки кўнглингизга ёқмаган таомни смоқ нақадар нохуш эканлигини тасаввур қилмасангиз? Ҳалиям кеч эмас, ўйлаб кўринг. Барибир турмушимиз кўнгилдагидек бўлмайди, татимайди. Сизга ўхшаган барно йигитга мендан юз бор яхшироғи топилди.

Жамшиднинг попути бироз пасайгандай бўлди.

— Ишонинг, Гулруҳ, Худо ҳаққи, менга сиздан бўлак ҳеч ким керак эмас. Ҳа, ақлимни танибманки сизни севиб қолганман. Нукул сиз тўғрингизда ўйлайман, сизни дейман, холос.

— Ахир мен бошқани севаман-ку, Жамшид ака. Қанчалик буни истамай, барибир сизни сева олмайман. Сизни акам сифатида яхши кўришим, ҳурмат қилишим мумкин, холос.

Бу сўзларнинг мағзини чаққан Жамшид илон заҳар солган кишидек сесканиб тушди, ғазаби қутурди.

— Демак, севганингиздан воз кечолмайсиз, шундайми, хоним? — заҳархандалик билан сўради у.

— Ҳа, — деди Гулруҳ бамайлихотир.

— Унақада мен мушкулингизни осон қиламан. Уни ўлдираман. Ҳа, иккимиздан биримизнинг бу дунёда яшашга ҳаққимиз йўқ, — деди кескин овозда.

Жамшиднинг сўнгги сўзларини эшитган Гулруҳ сесканиб тушди. Бирор мисқол бўлсада, шафқат учқунини кўриш илинжида Жамшиднинг юзларига боқди, аммо Жамшид яқинлашиб қолган ўлжасига ташланмоққа шай бўлиб турган қутурган шердек дарғазаб эди.

Жамшиднинг вазоҳатини кўрган Гулруҳнинг ҳуши бошидан учиб кетди, бўғма илонга дуч келган қуёндек қалтирай бошлади. Наздида, ҳушини йўқотиб қўйгандек туюлди, юзи ловуллаб, лаблари пирпираб, қуруқ ва муздек бўлиб қолди. У, чиройли чуқурчалик иягини қўлларига тираганича Жамшиднинг аламдан ёниб турган кўзларига боқди. Ҳа, Гулруҳ ҳаётида биринчи бор эркак зотига таслим бўлди. У ёшланган кўзлари билан Жамшидга тикиларкан:

— Ёлвораман, Жамшид ака, бу бад фикрингиздан қайтинг... Мен ҳаммасига розиман, — деди синиқ овозда итоаткорона...

## 5

Олийгоҳни имтиёзли диплом билан битирган, ҳар доим сергак, ҳар бир айтилган луқмани илиб олиш қобилиятига эга бўлган Ферузни қатор газеталар ишга таклиф этишди. Бойси, эндиликда унинг номи муштарийлар орасида кун сайин машҳур бўла бошлаган, унинг қаламига мансуб мақола ва фельетонларни зўр қизиқиш ва иштиёқ билан ўқийдиган, айниқса санъат аҳли унинг чиқишларини сабрсизлик билан кутишадиган бўлиб қолган эди. У ёғини олганда пихини ёрган мўътабар драматурглар ҳам унинг қаламига тан беришган, ҳатто ундан бироз чўчийдиган бўлиб қолишган эди.

Феруз хонасига кириб келганида, ўшанда у «Ёшлар» газетасининг санъат бўлимини бошқарарди, Академик драма театри-

дан кўнгироқ қилишиб, уни бугун соат ўн бирда бўладиган «Алишер Навоий» спектаклининг кўригига таклиф этиб қолишди.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, газетада Феруз Содиқнинг Академик драма театри саҳналаштирган «Алишер Навоий» спектакли ҳақидаги «Санъат осмонида ялтироқ юлдуз порлай бошлади», деб номланмиш тақризи босилиб чиқди. Тақриз муаллифи бу шоҳ асар муваффақиятли саҳналаштирилганлиги, спектаклда бир бутун актёрлар ансамбли тузилганлиги, хуллас, катта меҳнат сарфланганлиги ҳақида сўз юритиб, ушбу муваффақиятда саҳналаштирувчи режиссёр Маҳкам Темировичнинг катта меҳнати синганлигини алоҳида, беғараз эътироф этган эди.

Тақризнинг талай ва асосий қисми Гули образи, бу ролни қойилмақом қилиб ижро этган ёш, истеъдодли актриса Юлдуз Розиковага бағишланган эди.

«Гули — Юлдуз Розикованинг саҳнада ўзини тутиши, юриштириши, хатти-ҳаракатлари, сўзларни бурро ва аниқ талаффуз қилишлари саҳнада суяги қотган тажрибали актёрлардан ҳечам қолишмайди, саҳнани ўзиники қилиб олган, тўғрироғи, саҳнада рол ўйнамайди, балким яшайди. Айниқса ҳарам саҳнасидаги мана бу:

*Саодат гунчасин зулм этди поймол,  
Фақат бир илтимос, кўркам чаманда,  
Очиб гул, гунчалар этганда ханда,  
Саҳарлаб қилмайин одатни канда,  
Кириб гулзор висолни мисли Фарҳод,  
Чаман булбуллари қилганда фарёд,  
Жувонмарг гунчани ҳам эсла, ёд эт,  
Унутма доимо руҳимни шод эт.*

монологдаги пурмаъно сатрларни у шу қадар юксак маҳорат, аллақандай сеҳрли жозиба ва назокат билан талаффуз этади-ки, томошабиннинг қалби жунбушга келади. У, бевҳтиёр кўзига ёш олишга мажбур бўлади», деган сатрларни ўқиш мумкин эди.

Феруз Содиқ тақризда шунингдек, ютуқларни қайд қилиш билан бирга, ундаги мавжуд айрим жиддий ва жузъий камчиликлар, ноқисликлар ҳақида ҳам сўз юритади. Муаллиф тақризга:

«Алқисса, «Алишер Навоий» спектаклининг қайта сахна юзини кўриши ўзбек миллий театри хазинасини янада бойитади, унга кўрк беради. Энг қувончлиси, Гули — Юлдуз Розикова томошабин қалбини ром этди, аниқроғи, санъат осмонида яна бир янги ялтироқ юлдуз порлай бошлади», деб хотима қўйган эди.

Феруз аллақандай мақолани таҳрир қилиб бўлиб, машинкалатмоқ учун эшик томон йўлланганда, телефон жиринглаб қолди. У орқасига бурилиб столга яқинлашди-да, телефон гўшанини кўтарди. Гўшакда аёл кишининг мулоғим овози эшитилди.

— Ассалому алайкум, — деди овоз.

— Ваалайкум ассалом, — унинг саломига алик олди Феруз.

— Мен, Юлдузман. Аҳволингиз қалай, Феруз ака.

— Бир нав, Юлдузхон, шикоятга ўрин йўқ... Қулоғим сизда...

— Тақризингизни қайта-қайта мириқиб ўқидим. Катта раҳмат, менинг арзимаган кичик меҳнатимни ҳаддан ошириб эътироф этибсиз.

— Камтарлик қилманг, Юлдузхон, мен бор гапни ёзганман. Сиз бундан ортиқроқ мақтовга арзийсиз.

— Яна бир бор ташаккур.

— Менда бирор хизмат йўқми? — шунчаки сўради Феруз.

Ўзингиз яхши биласиз, бугун театрда дам олиш куни. Шундан фойдаланиб сизни бир пиёла чойга таклиф этмоқчийдим. Сўзимни ерда қолдирмайсиз, деган умиддаман, Феруз ака.

Феруз бироз фурсат нима дейишни билолмай жимиб қолди. У Юлдузни яхши биларди. Биринчидан, актёрлик бўлимида таҳсил олган бўлсада, Гулруҳ билан яқин дўст бўлгани туфайли у билан Феруз кўн марталаб давраларда ўтирган. Бундан ташқари, у таниқли санъатшунос олим, олийгоҳ домлаларидан бирининг қизи эканлигини ҳам биларди. Шунингдек, курсдоши — Равшанга турмушга чиққанида тўйларида ҳам иштирок этган, ҳатто икки ёшга бахт тилаб қадаҳ ҳам кўтарган эди. Бироқ орадан ярим йил ўтар-ўтмас, нимадир сабаб бўлиб эридан ажралиб кетганлигидан ҳам хабардор эди. Мана шуларни андиша қилдими ёхуд бошқа бирор нарсани ўйладими, ҳар ҳолда: энди унинг таклифини қабул қилганини айтмоқчи бўлиб турувди гўшакда Юлдузнинг:

— Нега узоқ ўйланиб қолдингиз, Феруз ака? Мабода хоҳишингиз бўлмаса ёхуд вақтингиз тигиз бўлса, очиғини айтаверинг.

Зоримиз бору, зўримиз йўқ, — ранжигансимон маънодаги овози жаранглади.

— Йўқ, йўқ, Юлдузхон, унақа эмас. Ҳа, албатта бораман, — деди Феруз шошилинич.

— Унақада мен сизни соат 19 да кутаман, Феруз ака, — деди Юлдуз, — Аминманки, манзилимизни унутмаган бўлсангиз керак, — деб қўшиб қўйди у ва гўшакда овоз узилди.

Феруз таҳририятдан чиққанда қуёш тобора уфқ ортига яшириниб борарди. Кун ботиш томондаги тилла ранг хиралашиб, тўқ қизил тусга кира бошлаган, астагина эсиб турган шабада ҳар нафасда бир кучайиб саргайган дарахт япроқларини ерга тўкарди.

Феруз йўл-йўлакай гул дўконига кириб гулдаста харид қилдию, трамвайга ўтириб Кўкча томон кетди.

Юлдуз Ферузни ўта хушнудлик билан, севинч билан кутиб олди ва уни қўлтиқлаб олиб, кабзакор зина билан чиқиладиган, қуёш чиқадиган томонга қаратиб қурилган уй томон етаклади.

Феруз остона ҳатлаб шинам безатилган хонага қадам босаркан, кўзи хона ўртасида маъданли сувлардан тортиб, пэпси кола, кока кола, фанга каби ичимликлар, қўша-қўша шипша «Самарқанд» коньяги, аллақандай хорижий мамлакатларнинг арақлари, яхна гўшт, турли-туман газаклар, торту қимматбаҳо қутили шоколадлар ва ширинликлар билан безатилган серҳашам столга тушди.

— Нима, меҳмон кутяписизми, Юлдузхон?

— Сиздан бўлақ ҳеч кимни кутаётганим йўқ, Феруз ака, — деди у ноз-карашма билан. — Азиз меҳмоним сизсиз. Тақризни ювамиз.

— Ёлғиз мен учун шунчалик дабдабами?

— Бўлмасамчи. Нима, сиз бунга арзимайсизми?

— Қайдам, — елка қисди Феруз.

— Арзийсиз, Феруз ака. Ҳа, арзиганда қандоқ! Туя сўйиб, атайлаб чақирсам келмас эдингиз. Илтимосимни рад этмай, қадам ранжида қилганингиз учун бошим осмонга етди. Беҳад мамнун эдингиз мени, қадамларингизга ҳасанот! Хуш келибсиз.

Феруз Юлдузнинг кўзларига тикилди. Унинг чиройли шахло кўзлари шодлик билан чақнарди. Янги чиққан ой мисол чехрасида табассум балқар эди. Эгнидаги зар гуллар босилган қимматбаҳо матодан тикилган енгсиз халат хушбичим гавдасига яраш-

ган, оппоқ, нозик, гўзал сийнаси аниқ кўриниб турарди. Феруз унинг ҳусн-латофатини суқланиб томоша қиларкан, кўнгли аллақандай орзиқиб кетди. Лекин шу он кўз ўнгида Гулруҳи гавдаланди-ю, нигоҳини тез Юлдуздан олиб қочди.

Юлдуз унинг ҳолатини сезди чоғи, мушкулени осон қилди.

— Қани, дастурхонга марҳамат қилинг, Феруз ака, — деди зўр илтифот билан.

Иккиси стол атрофидаги стулларга жойлашиб олишди. Юлдуз ичимликларга ишора қиларкан:

— Қайси биридан қуяй, Феруз ака? — деб сўради нозланиб.

— Ўзингиз қайси биридан ичсангиз, менга ҳам ўшанисидан қуйинг, — деди Феруз.

— Ўзингизга яхши маълум, Феруз ака, мен ичмайман. Лекин, азбаройи хурсанд бўлганимдан сайқали руҳи замин — Самарқанднинг коньягидан қиттак ичаман.

— Жуда соз! — мамнун оҳангда деди Феруз. — Лекин коньякни мен қуяман, — дея қўлини шишага узатаркан.

Юлдуз гул япроғидек нозик қўлини Ферузнинг қўли устига қўяркан:

— Мен бунга асло йўл қўймайман, Феруз ака. Сиз меҳмонимсиз. Хизматни мен қиламан, — деди момикдек юмшоқ овозда.

Юлдуз иккита кичик биллур стаканчаларга коньяк қуйиб, уларнинг биттасини ибо билан меҳмонга узатди. Сўнг катта қадаҳларга кока-кола қуйди-да, Феруз томон юзланди ва:

— Қани, бир нарса денг, Феруз ака, — дея илтимос қилди.

Феруз қўлига қадаҳни оларкан, чиройли ва ёқимтой сўзларни топиб гапиришга уринди шекилли, бироз фурсат сукут сақлагач, вазминлик билан гап бошлади.

— Мен ушбу қадаҳни сиз учун Юлдуз, ноёб истеъдод соҳибаси учун, санъат осмонида ялтирай бошлаган ёрқин юлдуз одамларга, санъат шайдоларига завқ-шавқ улашиб, ҳамиша шуъла сочавериши учун ичаман, — деди-ю, қадаҳни Юлдузнинг қадаҳи билан чўқиштириб ичиб юборди. Юлдуз ҳам қўлидаги қадаҳни бўшатди.

Бир пасдан кейин Юлдуз қадаҳ кўтариб Ферузга яхши тилаклар тилади. Қадаҳлар бўшади. Яна стаканларга коньяк қуйилди. Бу сафар ҳам охиригача ичиб юборишди.

Суҳбат тобора қовушиб борар, ҳар иккисининг ҳам тиллари бурро бўлиб, ўзларини анча эркин сеза бошлади. Айниқса бироз

сархуш бўлган Юлдуз ёқут лабларидан сўз гавҳарларини соча бошлади. У нималар ҳақидадир тинмай гапирар, талабалик йилларни, хотирадан кўтарилмайдиган воқеаларни эслар, Ферузга хушомад қиларди.

Анчадан кейин мезбон жизиллаб турган димламани сузиб келди. Таомдан таралаётган аллақандай хушбўй ҳид бир зумда хонага таралди, иштаҳани қитиқлади. Иссиқ овқат билан яна ичилди.

Деворда осифли соат ўн бирга занг урганда Феруз кетмоқ учун ўрнидан кўзгалди.

— Энди мен борай, Юлдузхон, — деди у. — Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Трамвайлар қатнови тўхтамай туриб манзилга етиб олишим керак.

Юлдуз эркаланиб унинг йўлини тўсди.

— Ҳеч қасёққа кетмайсиз, Феруз ака, — деди у нозланиб. — Бемаҳалда сизни кўйиб юбормайман. Шу ерда тунаб қоласиз. Ҳа, ҳадеб қисилаверманг, Худога шукр уйлар кўп.

— Уйда қиладиган юмушларим бор эди, — деди Феруз илтижо аралаш, — қолаверса, ойингиз олдиларида ноқулай бўлади. Ҳар ҳолда боши очиқ жувонсиз. Шаянингизга доғ туширишни истамайман.

— Ҳечам тапширилманг, азизим, оймлар ўн кун бўлди «Турон» санаторийсида даволанаяптилар. Ҳовлида ёлғиз ўзим қолганман, — деди.

Юлдуз олийгоҳда таҳсил олиб юрган кезларидаёқ кўпчилик қизлар қатори қомати чаманзордаги ёш ниҳолни эслатадиган, хушрўй, чеҳраси иқбол сувлари билан ювилган, афғон яраси из қолдирган оқиш юзли Ферузга ишқи тушиб қолган эди. Лекин йитит унинг энг яқин дугонаси — Гулруҳга кўнгил кўйгани сабабли, у мурғак қалбида ловуллаб бошлаган тотли севги учқунларини ноиложликдан пинҳон туттишга уринган, бу муҳаббат гулханини ўчиришга мажбур бўлган эди. Энди бўлса, у орзу қилган ниятига етиш имкони туғилган эди. Юлдуз орзуларининг муаттар бўйи умид гулзорида эса бошлаганидан баҳраманд бўлишга, муҳаббат майхонасида ишқ шаробини ичишга жазм этди. Қолаверса, ўшанда Гулруҳга нисбатан бўлган ишқ нашидасидан карахт бўлган Феруз унинг жўшқин муҳаббатини пайқамгани, уни бу бахтдан бенасиб қилгани учун ундан қасос олмоққа қарор қилди.



Юлдуз Ферузни стулга ўтқазди-да, ўзи хона тўрига бориб столча устида турган магнитофон тугмасини босди. Хонага ёқимли куй таралди. Юлдуз Ферузга яқинлашаркан, тавозе билан уни рақсга таклиф этди ва унинг қўлларидан ушлаганича ўрнидан турғазди. Феруз чап қўли билан Юлдузнинг ўнг қўлини ушлади, ўнг қўли билан хипча белидан қучганича ўйинга тушиб кетди.

Юлдуз оҳиста тебраниб ўйнар, қаҳ-қаҳ уриб кулар, алланималар ҳақидадир завқланиб гапирар, ўзини еттинчи осмонда деб ҳис этарди.

Бора-бора, бир тарафдан оҳанграбо сеҳрли мусиқа оҳанги, иккинчи томондан, май кайфи уни элита бошлади чоғи ёхуд қалбида эҳтирос ғалва қилдимми, аъзойи бадани терак баргидек титрай бошлади. У йигитнинг бўйнидан маҳкам қучди-да, лабларини унинг лабларига қўйди. Жувоннинг алангали нафасини ҳис қилган, қолаверса, хотин зотининг бунақа эркалашини соғинган Феруз кўнгил жилловини қўлдан бой берди. Юлдузнинг оппоқ сийнасида, юз-кўзларидан бўса ола бошлади. Ҳаётида биринчи бор бунақа тотли ўпичлардан маст бўлган Юлдузнинг бутун вужуди ўт бўлиб ёна бошлади. Юлдуз Ферузнинг бағридан қутилди-да, унинг қўлидан ушлаганича ётоқхона уйи томон етаклаб кетди...

Шу-шу бўлди-ю, Феруз Юлдузга боғланиб қолди. Кўп ўтмай уларнинг тор доирада тўйлари бўлиб ўтди. Феруз Юлдузларни-кига ичкўёв бўлиб келди.

## 6

Ҳаёт гоҳ жўш уриб, гоҳ тўлқинланиб, гоҳ булоқдай қайнаб, гоҳ осойишта ўз оқимида давом этарди.

Гулруҳ яхши, итоатгўй хотин бўлиб чиқди. У нишдан бўйин товламас, тиришқоқ ва меҳнатсевар эди. Бировга сўз қотмас, чақиришса, «Лаббай» деб жавоб берар, бировнинг кўнглини қолдирмас эди. Шунинг учун ҳам қайнона-қайнотаси уни севиб қолишди. Айниқса қайнсинглиси уни ўз опасидек ардоқлар, у билан сирлашар эди.

Жамшид хотинини шунчалик севардики, бирор кун уйига қуруқ қўл билан қайтмас, албатта қанақадир совға олиб келар ва уни бўсага кўмиб юборар эди. У қаерда бўлмасин, осмон ҳам, булутлару юлдузлар ҳам, ой ҳам, қўйингки, бутун борлиқ табиат

униги тасавурида Гулруҳ бўлиб кўринар, қалби завққа тўларди. Бироқ, Гулруҳ униги меҳрибонлигига бефарқ, лоқайд муносабатда бўлар, униги эркалашларини ёқтирмас, ундан сас чиқмас, иложи борича танҳо қолишга интилар, ҳеч ким униги сўлиган, қони қочган лабларида табассум балқиганини кўрмас эди.

Куёвниги қариндошлари ёш келинчакниги кўнглини хушнуд этмоқ мақсадида уни тўй-маъракаларга олиб боришар, ҳафтада бир-икки марта театр ёхуд кинога олиб тушишар эди. Аммо Гулруҳниги бунақа ғамхўрликлар ва эътибор дилидаги губорни совуролмас, барибир бепарволарча биқиниб юрар, аллақандай изтироб бағрини эзарди.

Уйдагилар аввалига Гулруҳдаги бунақа нохуш ҳолатниги сабабини билишга уринишди, лекин Гулруҳ уларга қалбида яширинган сирни очмади. Кейинчалик улар, «ўзиниги феъл-атвори шунақа бўлса керак», деган хулосага келишди чоғи, уни ўз қолига қўйишди.

Аммо Гулруҳниги совуқ муносабати, лоқайдлиги Жамшидни бефарқ қолдирмас эди. У, нима қилишликни, қандай чора топишни билолмай боши қотар, озор чекарди. Кўпчилик тунларни мижжа қоқмай бедор ўтказарди. Шундай қилиб, униги куйлари умидсизликда ўтар, бу курашда униги қалб кўри кун сайин заифлашиб, қалбидаги оташ сўниб борарди. Шундай кезларда Жамшид қанчалик оғир ва мушкул бўлмасин, қалбидаги Гулруҳга нисбатан аланга олган муҳаббат мапъалини ўчиришга, уни унутишга азму қарор қиларди.

Қиш тугаб илик куйлар бошланди. Баҳор табиатни ўзгартириб юборди: юз-кўзларни чимчилайдиган изғирин ўрнига ёқимли шабада эсди, ер қизиб, ўздан буғ чиқара бошлади, ўт-ўланлар жонланиб бўй чўзди. Шамол тарновларда осилиб турган йўғон, ғадир-будир сумалакларни эритишга киришди... Қуёш унга ёрдамга келди ва тарновлардан шариллаб сув оқа бошлади. Экинзорлар устларидаги оғир юкни ташлаб ғамгин муз кийимларини яшил бахмал либосга алмаштиришди. Гуллар уйқудан уйғониб, бошчаларини ирғаб бир-бирларига талпинишди.

Ҳадемай дарахтлар кучга кириб куртак чиқарди, шафтоли, бодом дарахтлари гуллаб бошлади. Қушлар бир-бирларини баҳорниги жаннатсимон роҳатидан баҳраманд бўлишликка чақириб, чуғурлашар эди.

Бутун борлиқ жонланган, қалблар қувончга тўлган эди. Лекин баҳорнинг бу шодиёнаси Жамшиднинг қалбини ёрита олмас, унинг қалби қишнинг ғира-шира туманли кунлари мисол қоронғулигича қолаверарди. Хуллас, табиат қанчалик чирой очмасин, унинг шикаста бўлган қалбига, куйган юраги дардига малҳам бўлолмас, аксинча, дардига баттар оташ ёқарди.

Жамшид алаmidан, ночорликдан ўзини қасққа уришни биллолмай гарангсиб қолди. Оқшом уйдан чиққанича, ярим тунгача санқиб юриш одатини чиқарди. Унинг назарида, гўё Гулруҳдан узоқроқ юрса, қалбини ёндириб турган ўт ўчадигандай ресторанларда жононлар билан маишат қилар, лекин уларга яқинлашмоқчи бўлганида, ногоҳ кўз ўнгиди Гулруҳ намоён бўлар, ўшандай пайтларда энг нозанинлар ҳам кўзига хунук ва бадбашара бўлиб кўриниб кетарди-ю, шу заҳотиёқ аллақандай умид илинжида Гулруҳнинг истиқболига ошиқарди. Бироқ боз хотинининг бу гал ҳам лоқайд боқишига дуч келиб, қалби тилка-пора бўларди-да, меҳмон кутадиган хонага чиқиб, диванга чўзилганича тамаки тутатарди.

## 7

Таваккал Қинғиров Марказқўмда юқори лавозимда ишлайдиган яқин қариндоши кўмагида Маданият вазирлиги репертуар-таҳририят коллегиясига бош муҳаррир бўлиб келди-ю, иши юришиб кетди, босар-тусарини билмай қолди. Агар у, авваллари кичик-кичик нарсаларни таржима қилиш билан шуғулланган бўлса, эндиликда йирик саҳна асарларини таржима қилишга киришди. Ҳатто бир пьеса ҳам ёзиб, уни лавозимини суниестемол қилиб, вилоят театрларининг бирида қўйдиртирди.

Кунларнинг бирида бош муҳаррир хонасига қадди-қомати келишган йигит кириб келди. Таваккал Қинғиров у, пойтахтдан анча узоқ шаҳарда истиқомат қилувчи, шаҳар театри ижодий жамоаси билан ҳамкорликда иккита драматик асар ёзиб мутахассислар эътиборига тушган ёш драманавис Ёдгор Қодир эканлигини яхши билгани учун уни очиқ чеҳра билан қабул қиларкан, девор бўйлаб қўйилган стулларнинг бирига ишора қилиб, ўтиришга таклиф этди. Пиёлага чой қуйиб узатаркан, ҳол-аҳвол сўради, ижоди билан қизиқди.

Ёш муаллиф бош муҳаррирга миннатдорчилик изҳор этаркан:

— Мен театр раҳбарлари билан келишган ҳолда испан драматурги Федерико Гарсиа Лорканинг «Қонли тўй» фожиасини рус тилидан ўзбек тилига ағдардим. Бадий кенгашда таржимани ўқиб чиқишди. У маъқул бўлди шекилли, вазирликдан асарни театр репертуарига киритиб беришлик ҳақидаги қарорни олиб келувдим, — деди-ю, қўлидаги сарғиш рангдаги папкани бош муҳаррирга узатди. — Бадий кенгаш қарори ҳам шу папкада, — деб қўшиб қўйди у.

Бош муҳаррир муаллифнинг қўлидан папкани оларкан:

— Театр бадий кенгашининг қарори масалани ҳал қилувчи кучга эга эмас, иним, — деди мансабдор насиҳатомуз, — асар тақдирини биз ҳал қиламиз, — «биз» сўзига алоҳида урғу берди у. — Боз устига сиз қўл урган асар ўта жиддий асар, пихини ёрган таржимонлар ҳам бу асарни таржима қилишга журъат этишолмайди. Майли, қолдириб кетинг. Ўқиб кўрамыз. Мабодо маъқул тупса, ўзимиз хабар қиламиз, — деди-ю, «гап тамом», дегандай ўрнидан қўзғалиб, хайрлашмоқ учун меҳмонга қўлини чўзди.

Орадан уч ой ўтибди ҳамки, таржима ҳақида бирор хабар келмади. Бу орада театр раҳбарияти таржима тақдирини тезроқ ҳал қилиб беришликни сўраб икки бор вазирликнинг санъат бошқармасига мактуб йўллади. Бироқ, мактублар жавобсиз қолаверди.

Қуёш осмон гумбазини айланиб ўтиб мағрибга бош қўйганда Ёдгор Қодир театрдан шалвираб чиқди. Ўша кезларда у режиссёр Зубайдуллаев билан ҳамкорликда «Миси чиқди» комедияси устида иш олиб борарди. У тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб симирди. Керишди. Сўнг кун бўйи бир жойда ўтиравериб увишиб қолган оёқларини ёзмоқ ниятида уйига пиёда кетишга аҳд қилди-да, йўлга тушди.

Ёдгор Қодир йўлда бораркан, хаёл уни ўз оғушига олди. Негадир тасодифан кўз олдидан бош муҳаррир Таваккал Қинғиров ўтди. Назаримда ўта олғирга ўхшайди. Нукул қўлга қарагани-қараган. Чамамда ўшанда мендан алланарса таъма қилди чоғи. Умиди пучга чиққач, муомаласи кескин ўзгарди-қўйди. Таржима масаласини ҳал қилишликни судраб юрганининг сабаби ҳам балким шундадир», деган фикр хаёлидан ўтди. Шу маҳал шоирнинг:

*Яшай олмас бир зум бечора,  
Гар бировдан олмаса пора.  
Чўнтакка қўл кирса-ю, лекин,  
Қуруқ чиқса кўнгли қоп-қора.  
Не бўлса ҳам чўзасиз андак,  
Ишим битсин десангиз зора.  
Баъзиларнинг қилмиши тикхон,  
Баъзилари «ишлар» ошқора.  
Кўрилмаса бирор-бир чора,  
Ҳаммамизни қилгай овора*

деган шеъри эсига тушиб кетди-ю, мийиғида мулойим жилмайиб қўйди.

Қизиқ, нега энди одамлар ниқоб остида яшириниб юришаркан? Наҳот ўз ҳолича юриши шунчалик қийин бўлса? Наҳотки фирибгарлик ва мунофиқлик қилиш, бировлар ҳисобидан бойиш, кун ўтказиш нақадар тубанлик эканлигини тушунишмаса унақалар? Қолаверса улар бунақа пасткашликлари туфайли ўз қадрларини оёқости қилишларини билишмаса?.. Ҳа, таъмагирлик, порахўрлик — катта фожиа, пойдевори йўқ тузумнинг қусурларидан бири. У олға қараб силжишимизда йўлимизга тўғаноқ бўладиган жирканч иллат, дард. Хуллас, бунақа офатнинг олди олиниши, унга қарши қақшатқич жанг зўлон қилиниши керак, сўзларни ҳаёлидан ўтказаркан, Ёдгор Қодир ҳаво ҳаддан ташқари исиб кетаётганини, ҳориганини ҳис эта бошлади, таъби хира торти. Қадамини тезлатди.

Ёдгор Қодир уйига етиб келганида тун келини аллақачон бошига зулмат чодирини кийиб олган эди. У уст-бошларини уй кийимларига алмаштирди-да, ҳаммомга кириб, муздек совуқ сувга обдан ювинди. Артиниб ҳовлига чиққанида уни буғи чиқиб турган паловхон тўра кутарди. Ошдан кейин қовун-тарвуз тановул қилинган, Ёдгор Қодир бироз дам олиш учун совутгич ўрнатилган хонага кириб, энди диванга чўзилган эди, диваннинг шундоққина оёқ учидаги шкафча устида турган телефон жириглаб қолди. Ёдгор Қодир сапчиб ўрнидан туриб, телефон гўшагини кўтарганича қулогига яқинлаштирди.

— Отахон газетамизни ўқидингизми? — сўради гўшақдаги овоз. Бу, театр бош режиссёри Рисқиев эди.

— Нима экан, домла, бирор янгилик борми? — сўради Ёдгор Қодир.

— Марказий театрда «Қонли тўй» саҳналаштирилибди. Бу ҳақда газетада эълон босилган, деди Рисқиев.

Бу шумхабарни эшитган Ёдгор Қодирнинг азбаройи қувонганидан нафаси ичига тушиб кетди. Терисига сигмай қолди. Ҳатто, ҳали-замон Таваккал Қинғиров тўғрисида ўйлаган ножўя ҳаёлларидан хижолат бўлди.

— Наҳотки? — дея олди у, ўзини зўрба-зўр қўлга олиб.

— Энди буёғини эшитинг ўртоқ таржимон, — гапида давом этди Рисқиев.

Бош режиссёрнинг бунақа сирли оҳанги Ёдгор Қодирни хушёр торттирди.

— Нимаиди? — бирор хунук хабарни эпитишдан чўчигандай эҳтиёткорлик билан сўради у.

— Гап шундаки, таржима муаллифи Ёдгор Қодир эмас, балки Таваккал Қинғиров, деб ёзилган. Шеърларини эса шоир Жонхўроз Саҳроий ўзбекчага ўгирган, — деди гўшақдаги овоз.

Ёдгор Қодир бош режиссёр билан хайрлашиб, телефон гўшагини ўрнига қўяркан, дили хира тортди, тарвузи қўлтиғидан тушди, ҳафсаласи пир бўлди. Шу оғ Таваккал Қинғировнинг манфур башарасини кўз олдига келтирди. Ундан нафратланди. Унга ўхшаган ножинс, нопок юлғичлар билан ноиложликдан бир жамиятда яшаётганидан оғ қилди, бир дастурхондан ош-нон еяётганидан пушаймон бўлди.

Ёдгор Қодир ўтирган поезд Тошкент вокзалига келиб тўхтаганида тонг оғушидан қутилиб чиқиб, оламга аста-секин нур сепиб, қуёш кўтарила бошлаган эди. Ёдгор Қодир вокзалолди майдонга чиқди-да, дуч келган биринчи машинага ўтириб, тўппа-тўғри устози Зайнулла Фатхулласевнинг уйи томон равона бўлди.

Ёдгор Қодир устозиникига кириб борганда, хонадон соҳиблари эндигина стол атрофига жойлашиб олиб нонушта қилишга киришишган эди. Эшикдан кириб келган суюкли шогирдини кўрган паст бўйли, истараси иссиқ, бошига қиров қўнган, узунчоқ юзларидан нур, лабларида майин табассум чақнаган нуроний отахон қувонганидан бироз довдираб қолди-да, сўнг ўрнидан илдам туриб меҳмон ис-

тиқболига борди ва уни маҳкам бағрига босганича анча-гача қўйиб юбормади. Ниҳоят, уни қучоғидан бўшатди-да, стол атрфида турган ўтирғичлардан бирига ишора қиларкан, ўтиришга таклиф этди.

— Ҳизрни йўқласам бўларкан, Ёдгоржон, — деди у, ҳамон ҳаяжонини бостиrolмай, азондан бери назаримда кимдир кириб келаётгандек бўлиб турувди. Ҳа, келиб яхши қилдинг. Сени жуда соғинган эдим.

Нонушта қилиниб, дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Зайнулла оға Ёдгорни меҳмонхона томон етаклади. У диванга жойлашиб, оёқларини узатиб, стулга қўйди-да, Ёдгорни ҳам шундай қилишга ундади.

— Хўш, гапирчи, ижодий ишларинг қалай? — сўради мезбон.

— Оллоҳга минг бор шукр, оға, сизнинг раҳнамолигингиз ва дуоингиз туфайли ишларим яхши кетаяпти. Тез кунларда театрда ўзингиз ўқиган янги асаримнинг премьераси бўлади. Ўзингиз бош-қош бўласиз, деган умиддаман.

— Дарвоқе, — шогирдининг гапини бўлди Зайнулла оға, — эшитдингми, йўқми, муттаҳам Таваккал Қинғиров таржимангни ўзиники қилиб олганмиш.

— Хабарим бор, оға, — мужмал жавоб берди Ёдгор.

— Хўш, энди нима қилмоқчисан?

— Рискіевнинг айтишича, Таваккал Қинғировнинг орқаси зўр эмиш. У билан ўчақяшиб нима ҳам қилардим.

Зайнулла оғанинг жаҳли чиқди. Қовоғи солинди. Ажинлар кўз атрофини қоплади.

— Нима, оғзингдаги ошингни, қўлингдаги нонингни аллақандай доғули ғаламисга бериб, қўл қовуштириб ўтирмоқчимисан? — бироз қизишди у.

— Нима қил дейсиз, оға? — ҳалимлик билан сўради Ёдгор.

Шогирдининг овозидаги ҳазинлик Зайнулла оға овозидаги кескинликни дарҳол юмшатиб юборди. Чол шогирдига нисбатан дағаллик қилганидан хижолат тортди чоғи, ўта юмшоқ овозда гапини давом эттирди...

— Гапларимни ибрат кўзини очиб, ақл қулоғи билан эшит, Ёдгор, — деди у насиҳатомуз. — Алланималарнидир, аллакимларникидир ноўрин андиша қилиб, улар олдида итоаткорлик билан бош эгиш гуноҳдан ҳоли эмас. Ҳа, камтарликнинг ҳам чеки

бор. Мавлово ибн Синонинг «Ферузнома»ларида шундай сатрлар бор:

**Сўроқ:** — Инсонга зеб-зийнат бўлгувчи фазилатнинг афзали недур?

**Жавоб:** — Хокисорлик даражасига тушмаган камтарлик, мукофоту таъмадан ҳоли бўлган олижаноблик, дейилган. Қолаверса, укам, камтар киши назарга тушмаган чўл гули янглиғ хорзор бўлади. Унақаларни одамлар назар-писанд қилмай қўяди, айниқса бизнинг замондошларимиз, — деди-ю, бир нарса эсига тушиб кетди шекилли, ўрнидан оҳиста қўзғалиб, иш столи устида турган телефон гўшагини кўтарди-да, рақам тера бошлади. Кўп ўтмай гўшақда овоз пайдо бўлди. Оға салом-алиқдан сўнг, гапни чўзмай мақсадга кўчди.

— Фуломжон, — деди у, — юксак лавозим соҳибби ёхуд етук шоир, ёзувчи сифатида эмас, балки софдил, ҳожатбарор, чин инсон бўлганингиз сабабли Сизни жиддий масала бўйича безовта қиляпман, азизим. Маданият вазирлигидаги ноинсоф мансабдорлардан бири ёш истеъдодли драматургимизнинг таржимасини ўзлаштирган, асар Муқимий театрида саҳналаштирилган ҳам... Ҳа, ҳа, таржимани шахсан ўзим ўқиганман... Сиз минг бор ҳақсиз, азизим, бу номуносиб қилиқ наинки безбетлик, балки жиноят ҳамдир... Ташаккур... Тайинлайман. Эртага албатта ҳузурингизга боради... Саломат бўлинг!

Зайнулла оға телефон гўшагини ўрнига қўяркан, қайтиб келиб жойига ўтирди-да, Ёдгор томон юзланди.

— Муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш вакили кенгашининг раиси Фулом Ҳамдам билан гаплашдим. Эртага эрталаб унга учрайсан. У сени кутади. Иншооллоҳ, мушкулнинг осон бўлади.

Дарҳақиқат, эртаси куни машмаша бошланиб кетди. Муаллифлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш вакиллиги ходимлари оёққа туришди. Ҳуқуқшунос-юристоконсул ҳам ишга киришиб кетди. Ҳатто Таваккал Қинғировни товламачиликда, адабий ўғирликда айблаб, ишини тергов органларига ўтказишга ҳозирлик кўрила бошлади.

Шов-шувдан хабар топган вазирликдагилар оёғи куйган товукдек типирчилаб қолишди. Вакиллик раҳбари хонасидаги телефон тинмай жиринглайдиган бўлиб қолди. Ҳатто энг юқори маҳкамадан ҳам унга қўнғироқ қилишди.



Ёдгор Қодир биринчи қават йўлагида вазирнинг биринчи муовини Шавкат Жалол билан дуч келиб қолди. Муовин саломлашмоқ учун унга қўлини чўзаркан:

— Сизни учратиб қолганим яхши бўлди, Ёдгорхон, — деди хурсанд бўлиб. — Қандай топсам экан, деб бошим қотиб турувди. Ҳозир офаникига кўнғироқ қилмоқчи эдим, — деди-ю, Ёдгорни орқасидан юришга ишора қилиб, ўзи сезилар-сезилмас оқсоқланиб хонаси томон йўлланди.

— Бугун эрталаб театрдан телеграмма олдик, 30-чида бўладиган янги пьесангиз кўригига таклиф этишибди. Табриклайман, — деди Шавкат Жалол хонасига киргач, меҳмонни ўтиришга таклиф этаркан. — Албатта борамиз.... Дарвоқе, содир бўлган галвадан хабарим бор. Ҳар ҳолда хунук иш бўлган. Бунда менинг ҳам айбим бор, Ёдгорхон. Бепарволик қилганман. Ҳа, ҳозиргина вазир ҳузуридан чиқдим. У киши билан шу ҳақда келишиб олдик. Ҳаммаси жойида бўлади. Таржима муаллифлигингизни тиклаймиз. У номард ҳақингизни ҳам тўлайди. Бунга мен қафилман. Қолаверса, тегишли жазосини ҳам олади. Фақат бир илтимос Ёдгорхон, вакилликдан аризангизни қайтиб оласиз.

Ёдгор Қодир бирдан жавоб бермади. Чунки Шавкат Жалолнинг шарти уни биров ўйлатиб қўйган эди. Ҳа, мабодо вазир муовинининг гапига кўнса, устози Зайнулла оға олдида юзи шувит бўлиб қолиши, оға уни субутсиликда айблаши, ундан ранжиши ҳам мумкин эди. Иккинчи томондан, агар унинг илтимосини рад этгудек бўлса, унда гап чувалашиб кетиб, у қанчалик ҳақ бўлмасин, одамлар уни шикоятчига чиқариб қўйишлари ҳам эҳтимолдан йироқ эмас эди. Бугина эмас, боз рўпарасида ҳаёл оғушида ўтирган, сочлари «типратикан» усулида оройиш берилган, кулча, оқиш юзларида қанақади мулойимлик, ҳалимлик, шунингдек, изтироб акс этиб турган, Ёдгор ёқтирган ҳассос шоир, одамшинаванда инсоннинг қалбини қабартириб қўйишлигини, энг охири бу қайсарлиги билан ижодий соҳада оёғига болта уришини, қолаверса, муаллифлик ҳуқуқи тикланишининг ўзи унинг учун катта обрў эканлигини назарда тутдими, кўнгилчан устози унинг гуноҳидан ўтишига ишонч ҳосил қилдими:

— Майли, домла, мен розиман. Ҳозироқ бориб аризамни қайтиб олганим бўлсин, — деди-да, ўрнидан қўзғалди.

Вазир бош муҳаррирнинг кирдикорларидан воқиф бўлса-да, азбаройи унинг амалдор қариндошини андиша қилиб, мажбуран

кўзини кўрмасликка, қулоғини эшитмасликка солиб, қийналиб юрар эди. Бироқ унинг бу галдаги нағмаси вазирнинг сабр косасини тўлдирди, унинг бардошига дарз кетди. Нима бўлмасин, бу нобоп, дардисар ходимдан қутилиш йўлини қидира бошлади. Иложини ҳам топди. Уни ўрни бўшаб қолган Академик драма театримиз раҳбарлигига йўллашга қарор қилди. Маданият вазирининг тез фурсатда у даргоҳдан ковушини тўғрилаб қўйишларига, ундай ҳолатда ҳатто юксак амалдаги ҳомийсининг ҳам қўлидан ҳеч нарса келмаслигига иймони комил эди.

Вазир қўша-қўша, турли рангдаги телефон аппаратлари турган шкафча тагидаги тугмачани босди. Ҳадемай зил эшик очилиб хушбичим котиба пайдо бўлди-да:

— Хизмат? — деб сўради.

— Зудлик билан ҳузуригизга Таваккал Қинғировни чорланг, — буюрди у. Котиба:

— Хўп бўлади, — деди-ю, шу заҳотиёқ хонани тарк этди.

Орадан чамаси беш-олти дақиқа вақт ўтмай вазир ҳузурига бош муҳаррир кириб келди-ю, остонадан нари ўтмай тўла гавдасини дол қилганича вазирга салом бажо келтирди-да, «нима хизмат?» дегандай, ниг оҳини унинг кўзларига қадаганича, одоб сақлаб жим тураверди.

Вазир қайин ёғочидан ясалган ялтироқ столнинг икки тарафига чизилган стулларнинг бирига ишора қиларкан:

— Қани ўтиринг, — деди. Бош муҳаррир миннатдорчилик билдирди-да, бориб кўрсатилган стулга ўтирди.

Вазир Таваккал Қинғировнинг гуноҳларини атайлаб юзига солмади. Улар ҳақида ҳатто оғиз ҳам очмади. Ундан ҳол-аҳвол сўради-да, бирдан амалий ишга ўтди.

— Хабарингиз бор, Таваккал Қинғирович, анчадан бери Академик драма театри раҳбарсиз турибди. Кўп ўйладик, лекин бирорта муносиб номзодни тополмадик. Билмадим, сиз нима дейсиз, биз маслаҳатлашиб, сизни ўша юксак лавозимга тайинлашни лозим деб топдик. Ҳар ҳолда ижодкор одамсиз, ишни удалаб кетасиз, деган умиддамиз. Қолаверса, катта санъаткорлар билан ишлаш ўзингиз учун ҳам, ижодингиз учун ҳам фойдадан холи эмас.

Бу, томдан тарапа тушди, қабилда қилинган таклифни эшитган Таваккал Қинғировичнинг чечак сезиларли из қолдирган ял-

поқ юзларида табассум балқиди. Ҳатто, ҳеч бўлмаганда одоб юзасидан бўлсада, юзаки, хўжа кўрсин учун ҳам нозланмай, бирдан кўна қолди.

— Сиз шуни лозим топибсиз, домла, мен нима ҳам дердим. Ишончингизни оқлашга ваъда беришдан бўлак, бу юксак ишонч учун сизга миннатдорчилик этишдан бошқа чорам йўқ, деди ғалати иржайиб.

Ишнинг бунчалик осон кўчишини кутмаган вазир снгил тортди. Назарида, анчадан бери елкаларини босиб турган оғир тегирмон тоши қулаб тушгандай бўлди.

— Унақада келишдик. Бугуноқ буйруқ чиқади. Эртадан бошлаб ишни қабул қилинг, — деди вазир. — Шавкат Жалол сизни театр жамоаси билан таништиради, — деди-ю, ўрнидан туриб, ҳам табрикламоқ, ҳам хайрлашмоқ учун унга қўлини чўзди.

## 8

Бир сафар Юлдуз аллақандай ҳужжатни қидириб, дадасининг столини титкилаштиб, кўзи унча қалин бўлмаган қизил папкага тушди. Папкани қўлига олиб, очиб қараса, Солиҳ Камол қаламига мансуб пьеса бўлиб, варақлари ҳошияларида дадасининг қизил қалам билан битган аллақандай ёзувлар бор эди. Юлдуз сапчиб ўрнидан турди-да, папкани қўлтиқлаганича, хазина топиб олган кишидек суюниб ошхонада чой ичаётган Феруз томон шошилди. Унинг ёнига келгач, эркаланиб пинжига кираркан, унинг бўйнидан қучди ва:

— Мана буни кўринг, Феруз ака, — деди ҳаяжонини босолмай энтикканича папкани эрининг олдига кўзрак, — бетларида раҳматлик дадамнинг қўллари бор. Ҳайронман, қандай қилиб бировнинг асари дадамларнинг столларига келиб қолдйкан?

Феруз папкани очиб, уни кўздан кечираркан, кўзи асар муаллифининг исми шарифига тушди-ю, гап нимадалигини дарҳол пайқади. У, хотинининг мушук янглиғ суйкалиб эркаланиши эриш туюлди чоғи, унинг қўлини оҳиста бўйнидан олиб қўйди.

— Авваламбор, хоним, асар муаллифини яхши танирдим. Иқтидорли драманавислардан бири эди у. Театрларда тўрт-беш асари саҳналаштирилган. Қолаверса, ушбу драманинг ёзилишидан ҳам хабардорман, — деди у. — Энди, қандай қилиб асар

дадангизнинг қўлларига тушиб қолган, деган саволга келсак, асар муаллифининг дадангизга ихлоси ниҳоятда баланд бўлганлиги сабабли ушбу асарни куздан кечириб беришликни, тўғрироғи дадангиздан маслаҳат олмоқ мақсадида қўлларига топширган бўлса, ажабмас. Буни асар ҳошияларидаги ёзувлар ҳам исботлайди. Бироқ, дадангизнинг тўсатдан вафот этишлари асарни эгасига топширишга имкон туғдирмаган. Бу орада, гўё ваъдалашгандек драматург ҳам бандаликни бажо келтирган. Шу тариқа асар дадангизнинг столларида қолиб кетган. Хўш, энди буни нима қилмоқчисиз?

— Дадамлардан қолган энг муқаддас ёдгорлик сифатида асрайман уни.

— Менимча, асарни драматургнинг оила аъзоларига топширсангиз маъқулроқ бўлармиди, хоним. Шояд уларга нафи тегиб қолар.

— Ўйлашиб кўрамиз, — деди Юлдуз нозланиб ва ўрнидан қўзғалди-да, дадасининг хонаси томон одимлади.

Юлдуз драмани қайта-қайта ўқиб чиқди. Унга асар жуда ёқиб қолди. Айниқса ундаги асосий қаҳрамон — юртининг мустақиллиги, эрки, озодлиги учун жонини тиккан ўзбек аёли — Тўмарис образи уни қаҳрабодек ўзинга тортди. Унинг қалбида шу ролни ижро этиш истаги пайдо бўлди-ю, унга тинчлик бермай қўйди, оромини ўғирлади. Муродига етмоқ учун эса, асар саҳнага қўйилиши лозим эди. Лекин қандай қилиб буни амалга ошириш мумкин? Бу ўжар савол устида бош қотираркан, баногоҳ янги директорнинг қаламкаш эканлиги эсига тушиб кетди. «Ҳар ҳолда театр жамоаси ўртасида ўзимга яраша ўрним, иззат-обрўйим бор, қолаверса, ижро этган кейинги ролларим, айниқса Гули образи туфайли танилиб қолганман, эътибор қозонганман. Таваккал Қингиров илтимосимни рад этмасалар кераг-ов. Ахир кўпчилик актёрларга мослаб ёхуд уларнинг талабларига кўра ёзилган асарлар камми? Улардан менинг қасрим кам? деган фикр хаёлидан кечаркан, қалбида аллақандай умид учқуни чарақлаб кетди, гўё мушқули осон бўлаётгандек ўзини бардам ҳис этди.

Юлдуз ўз режасини пинҳона, эрига билдирмай амалга оширишга қарор қилди. Чунки Феруз унинг бу қилиғини сезиб қолгудек бўлса, бунга йўл қўймаслигини жуда яхши биларди у. Шу боис ҳам эртаси кuni эрини ишга кузатди-да, папкани оқ қоғозга ўраб қўлтиғига қистирганича ишга жўнади.

Юлдуз театрга етиб келганида вақт тўққиздан сал ошган эди. У бўсаға ҳатлаб ичкарига кирди-да, кираверишда ўнг қўл томонда ўтирган қоровулдан:

— Хўжайин бормилар? — деб сўради.

— Шўттала, — дея жавоб қилди қоровул.

Кўнгли таскин топган Юлдуз чарм курткасини ечиб илгакка илдирди-да, сумкачасидан кичкинагина кўзгучасини чиқариб ўзига оро берди ва тор, нимқоронғу йўлак бўйлаб директор хонаси томон кетди.

Таваккал Қингиров аллақандай қоғозларни кўздан кечираётган эди, қулоғига кимнингдир, «мумкинми?» деган овози чалинди. У қоғозлардан бошини кўтариб қараса, остонада Юлдуз турарди.

— Бемалол, кираверинг, — деди директор.

Юлдуз ичкарига кириб, раҳбар кўрсатган стулга ўтираркан:

— Сиз билан маслаҳатлашиб оладиган бир иш чиқиб қолувди, домла. Агар малол бўлмаса уч-тўрт дақиқа вақтингизни аяма-сангиз, — деди.

— Қулоғим сизда, Юлдузхон, — деди Таваккал Қингиров актрисанинг кўзларига виқор билан тикиларкан.

Юлдуз қўлидаги папкани унга узатаркан:

Мана шуни ўқиб чиқсангиз. Авваламбор асар мавзуйи ўта долзарб, хусусан Тўмарис образи ниҳоятда маҳорат билан тасвирланган.

— Бу асарни сизга ким тавсия этди? Муаллифи ким экан? — папкани қўлига оларкан, истеҳзоли иржайди директор.

— Ҳеч ким тавсия қилгани йўқ, домла, уни тасодифан дадаларнинг иш столларидан топиб олдим. Асар муаллифи эса дунёдан ўтганлар. Ҳа, мабодо пьеса қўйилса, Тўмарис ролини ўйнамоқчи эдим. Ахир бизда шундай қилинади-ку.

Таваккал Қингировнинг энсаси қотди «калтафаҳм актрисанинг адабини бериб қўймоқчи, раҳбарга ақл ўргатишни сенга ким қўйибди, ўз аравангни тортаверсанг бўлмайдими, қанақа асарни саҳналаштириш, кимнинг асарини қўйишликни бизга қўйиб бер», деб, жеркиб ташламоқчи бўлиб оғиз ҳам жуфтлади-ю, бироқ бу, тили узун бўлиб қолган актрисанинг раъйини қайтариб, ўзига «душман» орттиришни ё ўзича аллақандай хаёлларга бордими ёхуд бошқа нарсаларни андиша қилдими, мурсага келди.

— Майли, пьесани мен ўқиб чиқай, мабодо сиз айтганингизча, зўр бўлса, бир фикрга келармиз, — деди юмшоқ овозда.

Директорнинг жавоби ва илиқ муомаласидан қаноат ҳосил қилган Юлдуз қувонганича хонадан чиқиб кетди.

Репетиция тугаб, Юлдуз энди кийим-бош ечадиган жой томон йўлланмоқчи бўлиб турган эди, котиба қиз келиб, уни директор йўқлаётганини айтди.

Юлдуз эшиқдан мўралаши биланоқ Таваккал Қинғиров ўрнидан илдам турди-да, унга пешвоз бориб, хушомад билан қўлтиғига кириб, олиб келиб юмшоқ таянма стулга ўтқазди-да, ўзи ўрнига чўкди. У анчагача гапни нимадан бошлашни билолмай, каловланиб қолди ва ниҳоят, ўзини қўлга олиб, гапни узоқдан бошлади.

— Биласизми, Юлдузхон, сизни йўқлашимдан мақсад, кечя бошим қотиб турганлиги сабабли айтишни унутиб қўйибман, бир хушxabарни айтмоқчи эдим.

— Қанақа хушxabар экан, домла, билсак бўладими? — чидамига дарз кетиб раҳбарнинг гапини бўлди Юлдуз.

Актрисанинг шошқалоқлиги гапини бўлувчиларни жини ёқтирмайдиган Таваккал Қинғировнинг жаҳлини чиқарди. Унга дакки бермоқчи ҳам бўлди. Лекин шу заҳотиёқ, ҳозир бунинг мавриди эмаслигини авглади-да, яна бир бор аламини ичига ютишга мажбур бўлди.

— Сизни унвонга тавсия қилмоқчимиз, — деди у зўрға кулимсираб.

Бу гапдан Юлдуз терисига сиғмай, ич-ичидан қувониб кетган бўлса-да, шунчаки, одоб юзасидан ўзини хижолат тортгандай кўрсатишга ҳаракат қилди.

— Қалай бўларкин, домла, — деди у бошини қуйи соларкан, — ахир театрда унвонга мендан лойиқроқ, ёшлари улугроқ артистлар бор-ку.

— Гап ёшдамас, Юлдузхон, — актрисанинг гапини чўрт кесди раҳбар, — гап, талантда, яъни истеъдодда. Сиз ёш бўлсангиз ҳам тинмай изланишингиз, уринишингиз, ўқиб-ўрганишингиз туфайли машҳур актрисага айландингиз, чунончи «Алишер Навоий»даги Гули образи орқали довруғ таратдингиз. Уёғини билмоқчи бўлсангиз, камина бу ҳақда юқори ташкилотлар билан келишиб ҳам қўйди.

Раҳбарнинг бунақа болдай лазиз сўзлари, мақтовлари Юлдузни элтиб қўйди, кўнглида унга нисбатан аллақандай меҳр ҳиссини уйғотди, унга ҳурмати ошди.

— Миннатдорман, домла, — деди у мийиғида мулойим жилмайиб.

— Дарвоқе, пьесани ўқиб чиқдим. Умуман, маъқул. Бироқ асар устида ҳали жиддий ишламоқ, тузатишлар киритмоқ, уни қисмига етказмоқ лозим бўлади. Минг афсуски, муаллиф марҳум бўлган. Демак, бу оғир ва масъулиятли вазифани кимдир ўз зиммасига олмоғи даркор. Ҳа, азбаройи сизни деб бу ишни ўзим қилмоқчиман.

Юлдузнинг чеҳраси очилиб кетди.

— Ташаккур, домла, — деди у мамнун оҳангда.

— Аммо бир шартим бор, Юлдузхон, — сеҳрли иржайди директор.

Раҳбарнинг сўнгги сўзларини эшитган Юлдуз, уни ўзича бошқа томонга йўйди шекилли, ғалати бўлиб кетди. Ошмоқ, бежирим юзларида балқиб, ҳусн-латофатини юз чандон ошириб турган табассум бир зумда ғойиб бўлди. У ҳушёр тортди. Лекин қалбида содир бўлган ҳолатни суҳбатдошига сездирмасликка ҳаракат қилди.

— Қанақа шарт экан? — жиддий оҳангда сўради Юлдуз.

Таваккал Қинғиров ҳамсуҳбатининг саволини эътиборсиз қолдириб, ўзи савол берди.

— Бу пьеса ҳақида сиздан бўлак яна кимнинг хабари бор? Айтайлик, эрингиз Феруз Содиққа ҳеч нарса демаганмисиз?

Юлдуз нима деб жавоб беришликни билолмай анча вақт ўйла-ниб қолди-да, сўнг:

— Йўқ, домла, — ёлғон гапирди Юлдуз, — пьеса ҳақида мендан бўлак ҳеч ким, ҳеч нарса билмайди.

Директор азбаройи мамнун бўлганидан оғзининг таноби қочди, қўлни қўлига ишқади. Сўнг айёрона иржайди.

— Жуда соз! — деди у. — Гап мундоқ, Юлдузхон, асар менинг номим билан саҳналаштирилади. Сиз эса мақсудингизга эришасиз. Бугина эмас, мабодо спектакл муваффақиятли чиққудек бўлса, буёғини менга қўйиб бераверасиз, уни мукофотга тавсия этамиз. Бош соврин сизники бўлади. Хўш, келишдикми?

Юлдузнинг Таваккал Қинғировнинг талабига кўнишдан бўлак чораси йўқ эди. Боиси Тўмарис образи уни занжирбанд қилиб сеҳрлаб қўйган эди.

— Келишдик, — деди Юлдуз.

— Унда қўлингизни ташланг, — дея қўлини чўзди директор. Юлдуз омонатгина унинг кафтига қўлини қўйди. Таваккал Қинғиров унинг нозик қўлини оҳиста қисаркан:

— Шуни унутманг, Юлдузхон, бу гап иккимизнинг ўртамизда қолиши керак, — дея огоҳлантирди.

Шундай қилиб, «Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас», деганларидай, Таваккал Қинғировнинг нафси ғалва қилдими, боз қинғир ишга қўл урди.

## 9

Феруз аллақандай юмуш билан Театр жамиятига борган эди, у ердагилар: бугун соат 15 да Академик драма театрида Таваккал Қинғиров қаламига мансуб янги спектаклнинг кўриги бўлишлигини айтишди ва унинг қатнашиши шарт эканлигини уқдиришди.

Феруз театрга етиб келганида бу ерда ўн-ўн икки чоғлик одам ўзаро суҳбатлашиб ўтиришарди. Улар орасида Маданият вазирлигининг, Театр жамиятининг масъул ходимлари, матбуот вакиллари ва бошқа меҳмонлар бор эди. Феруз улар билан бош ирғаб саломлашди-да, орқа қатордаги ўтирғичларнинг бирига бориб ўтирди.

Белгиланган вақт аллақачон ўтганига қарамай, негадир спектакл бошланмас эди. Бу ҳолат эса, жуда аниқликка, интизомга одатланган Ферузнинг жиғига тегарди. Шу заҳоти Маданият вазири, Марказқўмнинг икки ходими, театр директори ҳамроҳлигида юқори лавозим соҳибининг залга кириб келиши масалага равшанлик киритди. Айни бир пайтда Ферузни ажаблантирди, ҳайратини оширди. Сабаби, бу ташриф ҳақиқатан ҳам ғалати, гайритабiiй ҳол эди.

Ниҳоят спектакл бошланди. Феруз уни томоша қиларкан, энсаси қотди, кайфияти тирриқ бўлди. Чунки сахнада ўйналаётган асар айнан Юлдуз дадасининг иш столидан топиб олган драма бўлиб, номи ва муаллифнинг исм-шарифи ўзгартирилган эди,



холос. «Хўш, асар қандай қилиб фирибгарнинг қўлига тушиб қолдидикин? Шубҳасиз, бу Юлдузнинг иши эканлиги аён эди. Лекин нега у бу қилмишини мендан сир тутдидикан? Ахир, бу мунофиқлик-ку», — дея пичирлади Ферузнинг лаблари.

Феруз гижинди. Хаёлида Юлдуз ҳақида аллақандай ножўя фикр арава ғилдирагидек айлана бошлади. У кескин ўрнидан кўзгалди-да, чиқадиган эшик томон одимлади.

Юлдуз уйга қош қорайиб кечки осмонда биринчи юлдуз чарақлаганда кириб келди. У диванда ўтирганича аллақандай газетани кўздан кечираётган Ферузга яқинлашаркан, унинг пинжига кириб, ноз-карашма билан хушомад қила бошлади.

— Нега энди мени кутмасдан, мунча эрта кетиб қолдингиз, Феруз ака?

Феруз Юлдузнинг саволини жавобсиз қолдирди. Чунки хотинининг кеч келиши, спектаклни «ювишган» бўлса керак, оғзидан анқиб турган ёқимсиз ҳид қалбида тугён урган пўртанали ғазабга кўшилиб нафратини баттар оширди шекилли, сапчиб ўрнидан турди-да, таянма курсига бориб ўтирди. Эрининг, улар турмуш қуришганларидан буён биринчи марта бунақа дағал муомаласидан ҳайрон бўлган Юлдуз донг қотганича унинг алам ва ғазаб ҳамда изтироб тўла кўзларига тикилиб қолди.

— Ўзи нима гап, Феруз ака? — ҳайратомуз елка қисди у.

— Нима қилиб қўйдингиз, Юлдуз?! — жаҳл аралаш сўради Феруз.

— Нима қилибман? Бирор ножўя иш қилибманми ёки бирор эркакка қиё боқибманми? Гапиринг, гуноҳим нима? — чийиллади Юлдуз.

Юлдузнинг чириллаши, шалдираши кувида мой кувлаётгандек Ферузнинг қулоғига хунук эшитилди.

— Ўз манфаатини кўзлаб, бир марҳум қаламкашнинг арвоқига хиёнат қилмоқ, бир муттаҳам, нобакорнинг ҳавойи гапларига лаққа кириб, унинг жиноятига шерик бўлмоқликни нима деб аташ мумкин, хоним?!

Гап нимадалигини тушунган Юлдуз ўрнидан туриб эрига дағал қараш қилди. Унинг оғзи қисилган, боқиши пўлатдек совуқ эди. Унинг кўзларида ғалати масхараомуз ва сирли жилва порлаб турарди. Нафис лабларида ва тун қораси янглиғ кўзларида ҳаёсизларча табассум ўйнар эди.

— Бу, менинг ишим, азизим, — деди у истеҳзоли жилмайиб. — Илтимос, бундан буён менинг шахсий ишимга аралашмасангиз, — деди-ю, таранг вазиятни юмшатиш мақсадида орқасига терс бурилиб, ҳовлига чиқиб кетди.

Бу машъум воқеа сабаб бўлди-ю, Ферузлар рўзгорига раҳна тушди. Шундай ҳам омонат қурилган оилавий иморатдан путур кетиб қулай бошлади. Эр-хотин ўртасида тез-тез, арзиган, арзи-маган баҳоналар сабаб бўлиб жанжал чиқадиган бўлиб қолди.

Айниқса Ферузнинг аҳволи танг эди. На сийишда ҳузури ва на ётишда ҳаловати бор. Ҳатто чойни ҳам ўзи дамлаб ичарди. У, бир неча бор, ҳайт деб бу барака қочган хонадондан бошини олиб чиқиб кетмоқчи бўлиб шайландиям, бироқ икки яшар ўгли, кўзининг оқ-қораси, белининг қуввати Зафарни кўзи қиймай, ҳар гал бу фикридан қайтар эди.

Таваккал Қинғиров сўзининг устидан чиқди. Юлдузга «Ўзбекстонда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвонини бериш масаласи юқорида ҳал бўлган. Республиканинг 70 йиллик юбилейи муносабати билан Таваккал Қинғировнинг қаламига мансуб янги спектаклни Маннон Уйғур мукофоти билан тақдирлаш ҳақидаги ҳужжат ҳам эълон қилиниши кутилар эди.

Бу орада «Ёшлар» газетасида Феруз Содиқнинг «Нафс бандаси» деб номланган фельетони чиқиб қолди-ю, ҳамма иш ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Инчунин Феруз билан Юлдуз ўртасига тушган совуқлик баттар авж олди, уларни боғлаб турган нимжон иплар тити-пити чиқиб кетган увада мисол узила борди. Юлдуз бундай бўлишига айнан Феруз гуноҳкор эканлигини унинг юзига очиқчасига айтишга журъат этолмас, гина-кудрат ҳам қилмас, ич-ичидан сиқилиб юрар, қовоғидан қор ёғарди. Орзу-умидлари чиппакка чиққан Юлдуз кейинги пайтларда ҳаттоки кулишни ҳам унутиб қўйган эди. Аҳён-аҳёнда эса жанжал чиқарадиган бўлиб қолган эди.

Шов-шувларга сабаб бўлган фельетон газетада босилганидан чамаси икки ҳафта ўтгач, Ферузни ногоҳдан шаҳар судига чорлаб қолишди.

— Фуқаро Таваккал Қинғиров, яъни «Эл қизи» драмасининг муаллифи Феруз Содиқ «Нафс бандаси» деб номланмиш фельетони орқали менинг шахсиятимни ҳақорат қилган, фельетондаги далиллар мутлақо нотўғри, бари осмондан келтирилган тўқималар, гийбатлар, деб фельетон муаллифини, яъни сизни жазола-

шимизни талаб қилиб ариза берган, — деди битта-яримта оқ ора-лаган мош-биринч сочини орқасига турмак қилиб олган, истара-си иссиқ суд раисаси. — Эртага роппа-роса соат 10 да ушбу ши-коят аризасини кўришни бошлаймиз. Сизни бугун йўқлашимнинг боиси, азбаройи сизга нисбатан бўлган зътиқодим. Ҳа, сизни сир-тдан танийман. Мақолаларингизни мунтазам равишда ўқиб бо-раман. Ростини гап, қаламингиз менга жуда-жуда ёқади. Боз, ши-коятчининг қанчалик ҳақ ёхуд ноҳақлигини билмоқчи эдим, — деди Ферузнинг ҳайрат тўла кўзларига саволмуз боқаркан.

— Шубҳасиз, у ноҳақ, опа, — деди Феруз, — марҳум драма-нависнинг асарини ўзиники қилиб олгани, аниқроғи, адабий ўғир-лик қилгани аниқ.

— Қўлингизда исботингиз борми? — Ферузнинг гапини бўлди суд раисаси.

— Бўлмасамчи, асарни шахсан ўз кўзим билан кўрганман. Муаллифни ҳам яхши танирдим.

— Гапларингизга сўзсиз ишонаман, укам, лекин биз, қонун одамларига далил керак, ҳа, далил керак. Айтайлик, ўша дра-манинг қўлёзмасими ёхуд бирор нусхасими, ҳеч бўлмаганда, ўша асарни ўқиган ё кўрган гувоҳлар керак. Акс ҳолда сизга ёрдам беришга ожизлик қилиб қолишимиз мумкин.

— Буни хотиним Юлдуз тасдиқлаши мумкин, холос. Чунки пьбесани дадасининг иш столидан ўша топган, — деди Феруз.

— Яхши... Лекин, ҳар ҳолда асарнинг бирор нусхасини топ-сангиз нур устига нур бўларди.

— Уриниб кўраман, опа, — мужмал жавоб қилди Феруз.

— Биласизми, Ферузбек, сизга яна бир муҳим гапини айтмоқчи-ман, рақибиянгиз ўта хавfli, баттол ва ниҳоятда муғамбир. Қола-верса, — «деворнинг ҳам қулоғи бор» нақлига амал қилдимиз, жуда ласт овозда гапини давом эттирди у. — Унинг орқаси зўр. Ҳа куни кеча юқори мартабали бир амалдор телефон қилиб, кўзимга қараб иш тутишимни уқдириб, дўқ-пўписа қилгандай ҳам бўлди.

— Ғамхўрлигингиз учун раҳмат, опа.

— Менга миннатдорчилигингизнинг ҳожати йўқ, укам, кўп қатори бир мухлиснинг сифатида сизни огоҳлантирби қўймоқ-чиман, холос, — деди-ю, Феруз билан илиқ хайрлашди.

Феруз судхонадан кўчага чиқиб, таҳририят томон йўлланган-да кун чошгоҳга яқинлашиб қолган эди. Осмон юзи қорайиб-

қорамтир, кулранг булутлар бостириб кела бошлади. Ҳадемай Ферузнинг пешонасига илиқ ёмғир томчиси урилди.

У йўлда бораркан, хаёл денгизига чуқур ғарқ бўлди. Негадир кўнгли ғаш бўлиб, кайфияти бузилди. Феруз бу нохуш хаёлларни миясидан сидириб ташлашга қанчалик уринмасин, барибир, ўжар хаёллар унга бўйсунмасди. У қадамини тезлатди.

Суд мажлиси бағоят оғир кўчарди. Буни бу ерда ўтирганларнинг ҳорғин кўринишларидан, айниқса суд раисасининг жиддий қиёфасидан, Ферузнинг ташвишли важоҳатидан англаб олмақ сира қийин эмас эди.

Агар суд мажлиси шу тариқа давом этаверса, масала унинг фойдасига ҳал бўлмаслигига Ферузнинг кўзи етарди. Шу боис ҳам аллақандай умидсизлик уни қамрай бошлаган эди. Бироқ ҳали унинг сўнги илинжи, Юлдузнинг кўрсатмасидан умид қиларди, холос. Чунки фақат мана шу кўрсатма у хотинининг жонига оро кириши мумкин эди. Шунинг учун ҳам унинг келишини тоқатсизлик билан кутарди. Аммо суд мажлиси бошланганига уч соатдан ошибди ҳамки, негадир ундан ҳамон дарак йўқ эди.

Шу маҳал эшик очилиб судхонага кириб келган Юлдузни кўрган Ферузнинг кўнгли бироз ёришгандай бўлди. Лекин бу қувонч узоққа чўзилмади. Чунки Юлдуз унинг олдига эмас, суд раисасидан кечиккани учун узр сўраб Таваккал Қинғировнинг ёнидаги ўриндиққа ўтирган эди.

Суд раисаси ўрnidан туриб, Юлдуз томон юзланаркан;

— Фуқаро Юлдуз Чаққонова ўрнингиздан туриб, мана бу ерга келинг, — қўли билан котиба ўтирган столга ишора қилди у.

Юлдуз охиста ўрnidан кўзгалиб, суд раисаси кўрсатган жойга бориб тик турди.

Суд раисаси Юлдузнинг кўзларига ўткир нигоҳини қадади.

— Энди, — деди у, — гувоҳ сифатида фақат ҳақиқатни ва яна ҳақиқатни гапираман, деб онт ичинг.

Юлдуз бироз фурсат ўйланиб қолди-да, сўнг бир қарорга келди чоғи:

— Фақат ҳақиқатни ва яна ҳақиқатни гапираман, — деди.

Айтингчи, фуқаро Юлдуз Чаққонова, — гапида давом этди суд раисаси, — жавобгар деб фараз қилинаётган фуқаро Феруз Содикнинг «Нафс бандаси» фельетонида эътироф этилган далиллари, яъни фуқаро Таваккал Қинғиров номи билан Академик драма театрида саҳналаштирилган «Эл қизи» драмаси аслида

Таваккал Қинғировга тааллуқли эмаслигини, у марҳум драматург Солиҳ Камол қаламига мансублигини, уни аслида «Шижоатли Тўмарис» деб аталишини, уни сиз дадангизнинг иш столидан топиб олганингиз ҳақидаги кўрсатмаларини тасдиқлайсизми? Огоҳлантириб қўяй, мабодо ёлгон гапирсангиз қонунга биноан жинойий жавобгарликка тортиласиз. Тушунарлими?

— Тушунарли, — деди Юлдуз титроқ овозда ва бироз довдираб қолди.

Унинг ҳозирги ночор ҳолатини тушуниш қийин эмасди. У дарёнинг икки қирғоғи орасида қолган эди. Мабодо бор гапни айтса, унвону мукофотлардан мосуво бўлиб қолиши эҳтимолдан йироқ эмас эди. Агар ноҳақ гапиргудек бўлса, виждони олдида қийналишига, эри билан ораси бутунлай бузилиб кетишига, турмуши барбод бўлишига ҳам ақли старди. Аммо унинг нафсонияти ҳамма нарасадан: ор-номусдан ҳам, рўзгорининг тотувлигидан ҳам устунлик қилди чоғи, куфр йўлига тушиб иккинчи хатарли қирғоқни танлади, виждонига қарши боришликни ўзига эп кўрди, оқни қора дейишга жазм қилди.

— Мен, — деди у суд ҳайъатига ботирларча боқиб, — Солиҳ Камол қаламига мансуб ҳеч қанақа пьесани кўрган эмасман. Эримга кўрсатган папкада пьеса эмас, дадамларнинг қўлёзмалари бор эди. Фельетон масаласига келсак, ундаги ҳамма далиллар муаллифнинг уйдирмаси. Бошқа гапим йўқ, — деди-да бошини қуйи солганича жимиб қолди.

Юлдузнинг беҳаёларча ёлгон гапираётганини, унинг жавдираб турган кўзларидан аллақачон илғаб олган суд раисасининг ранги ўзгарди. Қовоғи осилди. Чимирилган қошлари ўртасида чуқурчалар, ажинлар пайдо бўлди. Нафис лабларидаги ажинлар бир зумда хушрўй чеҳрасига ёйилди. У нафратланганича Юлдуздан нигоҳини узиб хаёлчан ўтирган Феруз томон юзланди.

— Феруз Содиқ, — дея унга мурожаат этди суд раисаси, — гувоҳга саволингиз ёхуд унинг кўрсатмаларига эътирозингиз борми?

Феруз ўрнидан тураркан, беҳаё хотини билан бегона одамлар олдида ади-бади айтиб ўтиришни, у билан пачакилаштишни ўзига эп кўрмадими ёхуд бошқа нарсаларни андиша қилдими, ҳар ҳолда, «бош ёрилса дўппи тагида қолсин» деган нақлга амал қилиб, тақдирга тан бериб мардларча иш тутди.

— Саволим ҳам, эътирозим ҳам йўқ, — деди ҳазин овозда ва жойига ўтираётиб ногоҳ нигоҳи гилай кўзларида голибона ва масхараомуз табассум ялтираб турган Тавакал Қинғировга тушиб кетди-ю, кўнгли айниди ва ундан ҳазар қилиб, нигоҳини тез олиб қочди.

Суд раисаси мушкул аҳволда қолган эди. Мабодо Феруз Солиқ асар Солиқ Камолга тааллуқли эканлиги ҳақида гувоҳлар ёки асарнинг бирор нусхасини топмаса, устидан жиноий иш кўзгамоққа туғри келарди. У, беайб гуноҳкорга ёрдам беришга ожизлигидан қийналар эди. Бунга, шубҳасиз, ўжар далиллар халақит берарди. Лекин у ҳали бу фикридан бутунлай қайтмаган, умидини узмаган эди. Бирор чора қидирарди. Ниҳоят миясига бир фикр келди шекилли, икки томонидаги маслаҳатчилар билан пичирлашиб алланималар ҳақидадир гаплашди-да, ўрнидан турди ва:

— Суд икки кунга, яъни чоршанбагача танаффус эълон қилади, — деди-ю стол устида турган қоғозларни йиғиштира бошлади.

Феруз судхонадан чиқиб, уйига эмас, чунки у энди хотинидан бутунлай кўнглини узган эди, уйлангунгача ижарага турган эски ошнасининг ҳовлиси томон йўл олди.

Ҳақиқат ва диёнатга сидқидилдан ишонган, бу муқаддас тушунчаларни ҳаёт мезони деб билган, ёрқин ва гўзал орзулар қанотида парвоз қилиб юрган, биллурдек покиза ва беғубор қалби яна бир бор ноҳақлик ва маломат зарбасига учраган Феруз ўзини қаерга қўйишни билолмай боши қотди, ноиложликдан ғазаби қайнаб, боши кўнғироқдай гувиллар эди. У бу дунёдаги, у яшаб турган жамиятдаги адолатсизлик ва шафқатсизликлардан ўзини юқори қўймоққа ҳаракат қилди. Феруз ўзини қанчалик овутишга уринмасин, унинг мулоҳазалари номардлик, нотантилик ва ноҳақликлар, қўйингки, оламнинг қаллоблиги билан тўқнашувлардан пайдо бўлган яраларига сира малҳам бўлолмас, айниқса охириги машъум воқеа унинг ярасига баттар туз сепган эди.

Феруз ўша тунни юлдуз санаб, бедор ўтказди. Чала ўлдирилган илондай тўлғаниб чиқди. У шипга тикилганича хаёл суриб ётаркан, кўз ўнгида яна ўша, ёқимтой, олов нигоҳли Гулруҳи гавдаланди...

Ўшанда Феруз олийгоҳга ҳужжатларини топширмоқ учун қабул комиссияси жойлашган мўъжазгина хонага кириб келга-

нида бу ерда йигирма-йигирма беш чоғлик йигит-қизлар ола-говур кўтариб навбат кутишарди. У новча, қотмадан келган қийиқ кўз йигитнинг орқасидан навбат олди-да, азбаройи шовқинни ёқтирмаслиги сабабли, навбати етгунча тоза ҳаводан баҳраманд бўлмоқ ниятида ҳовлига чиқиб, танаси йўгон акас дарахти кўланка ташлаб турган скамейкаларнинг бири томон борди, аллақандай китобни берилиб мутолаа қилаётган қиздан рухсат сўради-да, унинг ёнига чўкди.

Анчагача иккиси ҳам жим ўтиришди. Қиз бошини кўтармай китоб ўқишда давом этар, Феруз эса, аслида кўнгли ҳамсуҳбатни кўмсаб турган бўлса-да, азбаройи мутавозелиги туфайли, қолаверса, одоб юзасидан бегона қизни безовта қилишликни ўзига муносиб кўрмадими, атрофга боққанича жим ўтираверди. Бироқ бироз фурсат ўтгач тоқати тоқ бўлди чоғи, қиз томон юзланиб, гапни нимадан бошлашни билолмай:

— Сизам ўқишга киярмасизми? — деб сўради.

— Ҳа, — деди қиз кўзини китобдан узмай.

— Актёрликками ё режиссёрликками?

— Режиссёрликка? — деди қиз ҳамон ўқишда давом этаркан, — ёғли булкадек юмшоқ овозда.

Феруз қизнинг жавобидан қувониб кетди.

— Оллоҳ насиб этиб, имтиҳонларни муваффақиятли топширсак, бирга ўқирканмиз, — гапида давом этди Феруз.

Қиз китобдан нигоҳини узиб, қовоқларини хиёл кўтарди-да, мафтун этувчи кўзлари билан йигитга қаради. Унинг наргиз кўзларида аллақандай ёқимтой табассум йилтиллаб, сўнгра лаблариди акс этди. Бу табассум шунчалик ажойиб эдики, Феруз маҳлиё бўлиб қараб қолди. Қолаверса мана шу маънодор, очиқ чеҳрали ва сержило нигоҳ ўқлари Ферузнинг юрагини ярадор қилган, қалбига муҳаббат чўғини ташлаган эди.

— Мабодо беодоблик қилаётган бўлсам, мени кечирасиз, исмингиз нима? — ийманиб сўради у.

— Гулруҳ, — жавоб қилди қиз.

— Менинг исмим эса Феруз.

— Саволим ноўрин бўлса сизам мени авф этасиз, ҳасрликсиз?

— Самарқандликман.

— Шунақа денг?

— Ҳа, худди шундай, Гулруҳхон.

— Табаррук шаҳар. Халқимизга, юртимизга, миллатимизга оламга донғи кетган даҳоларни, ёзувчи ва шоирларни, ҳам буюк санъаткорларни етиштириб берган муқаддас диёр.

Гулруҳнинг овозида шу қадар самимийлик, майинлик ва шарқуфталик бор эдики, Феруз беихтиёр маҳлиё бўлиб қолди.

Гулруҳ билан Феруз ҳужжатларини топшириб ҳовлига чиқишганда кун намозгарга яқинлашиб қолган эди. Гулруҳ хайрлашмоқ учун Ферузга қўлини узатди. Феруз унинг қўлини кафти орасига оларкан, биров фурсат қўйиб юбормади.

— Агар йўқ демасангиз, бир илтимосим бор эди, — деди Феруз илтижо аралаш.

— Қанақа илтимос экан? Мийиғида мулойим жилмайди Гулруҳ.

— Мен шахрингизда, — у аллақачон қизнинг шеvasидан Топкентлик эканлигини билиб олган эди, мусофирман. Ҳали ҳеч кимни танимайман. Ҳа, биринчи марта келганим учун шаҳарни ҳам яхши билмайман....

— Айтаверинг, нимайди? — йигитнинг гапини бўлди Гулруҳ.

— Музқаймоқ سموқчиман. Уни жуда хуш кўраман. Менга ҳамроҳ бўлсангиз, демоқчийдим.

Гулруҳ бехосдан айтилган бу таклифга нима деб жавоб беришликни билолмай биров фурсат боши қотиб қолди. Танимаган, билмаган йигит билан музқаймоқхонага боришлик унга эриш кўринди. Лекин бировнинг, айниқса, мусофирнинг кўнглини қолдиришликни ноинсофлик деб билдими, у ёғини олганда мурғак қалбида бу, манглайи очяқ, қирра бурун, қуралай кўз, юзлари узунчоқ, яғрини кенг, қошлари қилич мисол тортилган, хушсухан, сарвқомат йигитга нисбатан жўш урган аллақандай тотли туйғу ундадими:

— Майли, Феруз ака, борсак борайлик, — деди.

Улар унсиз йўлда давом этишарди. Гулруҳ ёқут лабларига сукут муҳри босилгандек жим борарди. Феруз эса қизнинг оромини бузиб қўйишдан чўчиб, гап қотишга журъат этолмасди. У икки кўзини қиздан узмас, қалбини яралаган паривашнинг ҳуснлатофатини: назоқат ва қатъийликни яшириб турган бахмалдек майин қайрилма ҳилол қошларини, сирли ва ишонувчан боқишлари, меҳр тўла икки мунчоқдек, бамисоли тонг саҳардек тоза ва беғубор чўшон кўзларини, ақиқ лабларини, маржондек дур тиш-



ларини, кумуш мисол барқ уриб турган сийнасини суқланиб томоша қиларди.

Гулруҳ билан Феруз серқатнов шоҳ кўчани кесиб ўтгач, Навоий номидаги Катта театрнинг ҳашаматли биносини ортда қолдириб, курант рўпарасидаги истироҳат боғи томон кетишди.

Истироҳат боғига киришлари билан ёшларнинг руҳиятлари тетиклашди, гуллар қулф уриб, шодиёналик сурури ҳукм суради. Музқаймоқхона ҳам одамлар билан гавжум эди.

Гулруҳ билан Феруз бўш столлардан бирига жойлашиб олгач, Феруз олдиларига келган хушбичим официанткага иккита икки юз граммдан музқаймоқ ва икки шиша лимонад буюрди.

Феруз музқаймоқни еркан, дамба-дам Гулруҳга кўз қирини ташлар, унинг руҳсорини томоша қиларди. Қиз читдан тикилган одми кўйлақда ҳам тоза тилла янглиғ жило бериб, лаъл мисол ялтираб турарди. Баногоҳ уларнинг кўзлари тўқнашиб кетди. Гулруҳнинг кўзлари шунчалик мусаффо, шунчалик дилбар эдики, бошқа кўзларга ҳечам ўхшамас эди. Бу кўзлар дақиқа сайин Ферузни сеҳрлаб, уни ўз домига тортарди.

Ферузнинг юраги тўлқинланиб кетди. У бахтиёрлик майини ичмоқ ва қалбида туғён урган ҳисларини издор қилмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, бироқ «синамаган отнинг сиргидан ўтма», деган доно нақл эсига тушиб кетдими ёхуд ҳали тузукроқ таниш бўлмаган покиза қалбли фаришта қизнинг иззат-нафсига тегиб, қалбини қабартириб қўйишликни андиша қилдими, ўйлаган ноўрин фикридан хижолат бўлиб, лабини тишлаб қолди.

Феруз Гулруҳни анча йўлгача кузатиб борди. У, Гулруҳдан дадаси Академик драма театрида бош режиссёр бўлиб ишлашини, аслида, ўрта мактабда таҳсил олиб юрган кезларида шифокор бўлишликни орзу қилиб юрганлигини, дадасининг раъйини қайтаролмай бу касбни танлаганини, ҳатто олийгоҳдагиларга дадася кимлигини яширганини ва шунга ўхшаган кўп гапларни билиб олди.

Шу-шу бўлди-ю, Феруз ҳар куни консультация ёки имтиҳонлардан кейин Гулруҳни уйига кузатиб қўядиган бўлиб қолди. Бу орада машгулотлар бошланиб қолди. Икки соф дил соҳиблари ўртасидаги дўстлик ришталари кун сайин мустаҳкамланиб борарди. Шунгача бориб етдики, эндиликда улар бири-иккинчисисиз туролмайдиган, қалblари ҳамиша бирга бўлишликни қўмсайдиган, бири-иккинчисини кўриш иштиёқи барча нарсалардан ус-

тун келарди. Ҳар иккисининг ҳам назарларида дунё гўё ёлғиз улар учун яратилгандек, ёруғ дунёда, ер юзида иккаловидан бўлак ҳеч кимса йўқдек туюларди. Ҳар икки қалбда ҳам муҳаббатнинг тоза ниши шаҳватни ёриб чиқиб, қатъийлик билан қаддини ростлар, йўлида дуч келган тўсиқлардан ўтиб, ривожланиб борар, улар бир-бирларига шиддатли куч билан талпинишарди. Бироқ бу илоҳий туйғуни бир-биридан, гўё сездириб қўйса севгилисидан ажралиб қолишдан чўчигандек пинҳон тутишарди.

Бу сафарги мажлис анча чўзилиб кетди. Феруз билан Гулруҳ кўчага чиқишганда заррин қуёш ўз уясига беркинган, эсаётган ёқимли шабада сўниб бораётган кунни шошилтираётгандек шитирлар эди.

Улар тун шаҳар узра шойи пардасини ёйганда Гулруҳларни кига етиб келишди. Гулруҳ кузатиб қўйгани учун Ферузга миннатдорчилик билдириб, хайрлашмоқ учун қўлини чўзди. Бу гал Феруз унинг қўлини тез қўйиб юбормади. Кафтлари орасига олиб оҳиста силай бошлади ва сўнг секингина қисиб қўйди. Гулруҳнинг баданини электр токи кезиб ўтгандай бўлди, аъзойи бадани титрай бошлади. Феруз қизнинг ловуллаб ёниб турган юзига, меҳр ва муҳаббат барқ уриб турган тун қораси мисол кўзларига завқланиб боқаркан, қалбида аланга тугён урди.

— Мен сизни севаман, Гулруҳ, — деди у титроқ овозда. Бу, «севаман» деган муқаддас, тотли сўзни аллақачондан бери орзиқиб кутган қиз лол бўлиб, шошилиб қолди. Ҳеч нарса демади. Ферузнинг кўзларига сассиз боқди ва унинг кенг кўксига бошини қўйди. Феруз қизнинг нафас олишини сезар, юрак уришини эшитар, сунбул сочларидан анқийётган муаттар ҳид уни сархуш қиларди. Феруз уни бутун борлиги билан маҳкам боғлаб олган сумбул сочларидан оҳиста-оҳиста силар, лаблари билан яларди.

Феруз севгилиси билан хайрлашиб, ундан узоқлашаркан, Гулруҳ қўлини лабларига тегизиб унга ҳавоий ўпич ҳадя этди. Шу топда Феруз ўзини еттинчи осмонда деб ҳис этди...

Ажралганларидан буён қарийб етти йил ўтган бўлсада, унинг хотирасида, унинг қалбида у соҳибжамол ҳамон яшар эди. Гулруҳ ёққан оташ ҳали ўчмаган, аксинча, баттар аланга олиб ловуллар эди.

Феруз ўзича Гулруҳдан хафа бўлгандек ҳам бўлди. Бонси, агар у бевафолик қилмаганида унинг бошига бунчалик кулфатлар тушмаган бўлармиди. Ахир севги — ўз манфаатларидан воз

кечиш ва тониш, йўлида дуч келган тўсиқлардан мардонавор ўтиш, қийинчиликларни енгитиш маъносидаги сўз-ку. Шу топда Феруз бир шоирнинг:

*Севги — бу аёзда бош кўтарган гул,  
У олов қўйнидан оқиб чиққан нур.  
Севги — бағри ёнган аламли булбул,  
Юракдан кўзларга отилган меҳр.  
Ёримнинг юзида қалққан анорсан,  
Йўқ, унинг кўксига кўкарган баҳор.  
Сен менинг кўксимда беаёв дорсан,  
Аламсан, дардлардан  
Лиммо-лим анҳор.  
Кимга қўшиқдирсан, кимга марсия,  
Барибир чўққисан мислсиз баланд,  
Ҳар дилга кирувчи битмас ҳидоя,  
Инсонга ҳамдамсан, абадул-абад.*

сатрларини эслади. Севги — бу атргулдек қалбларнинг бутун муаттарлигини ўзига сингдирган насим. Бироқ минг надоматлар бўлсинким, бу хушбўй насимнинг бағрини тиканлар тилади. Нечун одамлар уни ғам-ғуссага, заҳарга айлантиришади, деб хаёлидан ўтказди. Айни бир пайтда севги айрилиқ эканлигига ҳам иқроор бўлди.

Феруз чоршанба куни эрталаб судга боришдан аввал муҳаррирни огоҳлантириб қўймоқчи бўлиб, унинг ҳузурига кирган эди. Раҳбар уни ўта совуқ ва нохуш кутиб олди, ўтиришга ҳам таклиф этмади, ҳатто саломига ҳам нари-бери алик олди.

— Келганингиз жуда яхши бўлди, — деди муҳаррир Ферузнинг кўзларига қарашдан ҳайиққандек нигоҳини ундан олиб қочаркан, — энди сизни топтирмақчи бўлиб турувдим, — деди чайналиб.

— Бирор зарур иш чиқиб қолдими? — сўради Феруз.

Муҳаррир уч-тўрт сония сўзини йўқотиб қўйиб, гангиб турди-да, сўнг мақсадга ўтди.

— Гап шундаки, биродари азиз, бугундан эътиборан сиз вазифангиздан озод этилдингиз...

— Сабаб? Қанақа айбим учун? — муҳаррирнинг гапини шартта кесди Феруз.

— Буни «катталар»дан сўрайсиз, оғайни, — деди муҳаррир бамайлихотир. — Бизга шундоқ топшириқ бўлди. Маълумингизким, биз бир ижрочи одаммиз. Юқорининг буйруғини рад этишга ҳаққимиз йўқ. У ёғини билишни истасангиз, наинки матбуот органларида ишлашингиз, ҳатто мақолаларингизни босишни ҳам ман этишди.

Феруз калтак еган кишидай гарангсиб қолди. Бошига шариллаб қон қуйилди. Қалби қалқиб кетиб, кўзларида ёш ҳалқаланди. Унинг қалби ёниб, фикрлари тўрга тушган беданадек питирлади. У ҳозирги ҳолатини тасаввур қиларкан, кўнгилсизликлар содир бўлган кунгача унинг кўзига гўзал ва бежирим бўлиб кўринган дунёнинг бадбуруш томонлари намоён бўлди, вужудини аламзадалик қамраб олиб, ёноқлари ловуллай бошлади, ғам-ғуссага тўлди.

Феруз бунақа расвогарчиликларнинг чиндан ҳам мавжудлигига ишонгиси келмас, бироқ ҳаёт беқийс экин майдони, бир пайкалда буғдой ҳам, тикан ҳам ўсганидек, ҳали орамизда Таваккал Қинғировга ўхшаган беномус, қаллоб ва юлғичлар, муҳаррирга ўхшаган бетайин, бебурд, ўз соясидан қўрқадиган, «катталар»нинг соясига кўрпача соладиган хушомадгўйлар, ўз мансабини, гўё у амал отасидан мерос қолгандек суиистеъмол қиладиган ғаразгўй, зўравон раҳбарлар одамларга бахтсизлик олиб келадиган, кимларнидир бўғиб, кимларнингдир ғазабини оширадиган, доноларнинг ақлини ўчирадиган, сурбетларнинг бетини янада қаттиқ қиладиган, одамларга бирор мисқоллик нафи тегмай, қуруққа заҳарли замбуруқдек гердайиб юрадиган порохўр таъмагирлар бор экан, бунақа расвогарчиликлар, ноҳақликлар, бесабаб хўрлашлар мавжуд бўлибгина қолмай, ҳали-вери адолат тангана қилишига Ферузнинг ишончи йўқолиб, дориломон замонлар келишидан умидини узарди, қайғуси ошарди.

«Дард устига чипқон», деганларидай бошига ёғдирилган тухмат тошлари етмаганидек, бу шафқатсизлик, бу кўргулик, бу қисмат зарбасидан ўз маслак-эътиқоди қоясидан қулашига сал қолди. Бироқ, ундаги чидамлик ва сабр-тоқат бениҳоя тоблангани боис у бу дунёдаги адолатсизлик ва шафқатсизликлардан ўзини устун қўйди. Қалбини ғазаб қамраб олди, қалбида тўфон мавжланди. У қатъийлик билан ёвузликларга қарши курашишга қасамёд қилди. У, қатъийлик — бу чиройли амал ёхуд бахтли ҳаёт эмас, бу — ўз қадрини билмоқ демакligини яхши биларди...

Дили вайрон, хаёли паришон бўлган Феруз муҳаррир ҳузуридан чиқиб, ўзига тааллуқли нарсаларни олмоқ учун хонаси томон бораётиб, йўлакда драматург Зайнулла Фатхулласевни учратиб қолди. Оға уни қайта-қайта бағрига босаркан:

— Офарин, Ферузхон! — дея унинг елкаларига қоқди. — Фельетонингизни мириқиб ўқидим. Роса тузлабсиз у муттаҳамни. Унақаларни шундай қилиб боплаш керак. Қойил! Ҳа, телефон қилиб табриклар қўйишим ҳам мумкин эди, бироқ шахсан ўзингизни кўриб, қўлингизни қисиб қўймоқ учун атайлаб ишхонангизга келдим.

— Миннатдорман, оға. Овора бўпсиз, — ўзини жилмайишга мажбур қилди Феруз. — Ўзим ҳузурингизга бормоқчи эдим. Бироқ... — жимиб қолди у.

Оғанинг қалби ҳушёр эмасми, дарҳол Ферузнинг ҳолатини туйди шекилли:

— Бирор кор-ҳол юз бердими, Ферузхон, кайфиятингиз бузуқ кўринасиз? — сўради у.

Феруз чуқур уф тортди. Чолни хафа қилгиси келмадими, бирикки сония гап бошполмай қийналиб турди-да, сўнг:

— Фельетон ёзиб бошим балого қолди, оға. Ишим судда, — деди.

Зайнулла оға сергакланди. Қиёфаси жиддийлашди.

— Қанақасига ишингиз судга тушаркан? — ҳайратомуз Ферузнинг кўзларига тикилди у.

Феруз унга ётиги билан бор гапни ипидан игнасигача сўзлаб берди.

— Хуллас, аҳволим чатоқ, оға. Қўлимда на асар Солиҳ Камолники эканлигини тасдиқловчи ҳужжат бор ва на гувоҳларим бор.

Феруздаги дилгирликнинг сабабини тушунган Зайнулла оғанинг кўнгли бироз тинчланди.

— Ҳадеб қайгураверманг, укам, — дея Ферузга далда берди у, — мана, мен тирик гувоҳман. Бугина эмас, марҳум Солиҳ Камол менга ўқишга берган асарнинг нусхаси бор. Уни келтирганининг индини, Оллоҳ охиратини обод қилгай, тўсатдан юраги уришдан тўхтаб қолди-ю, пьеса менда қолиб кетди. Уни муаллифнинг болаларига ёхуд Ёзувчилар уюшмасига элтиб бермоқчи бўлувдим, яхшиямки шундай қилмаган эканман, уни сизга бераман. Судга ўзим ҳам бораман.

Бу хушхабардан Ферузнинг мушкули осон бўлгандек, қалби бироз ёришгандай бўлди. Назарида, қалбининг нурли чўққиларини қоплаган заифлик тумани пардаси кўтарилгандек, умидсизлик уни тарк этгандек, хаёл машъали унинг ҳаётини қайтадан ёритгандай туюлди.

## 10

Суднинг қарорига биноан Таваккал Қинғиров вазифасидан қувилди, Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан ҳам ўчирилди. Ҳа, юзаки қараганда адолат галаба қилгандек, ҳақиқат тилга киргандек кўринар эди. Аммо бу, ҳали ҳаққоният тўла-тўқис тантанани қилди ёхуд Ферузнинг мушкули бутунлай ариди, деган гап эмас эди. У ҳамон таҳқир остида яшар, қайтага унга баттар тазйиқ кўрсатишарди.

Кунларнинг бирида Феруз боши оғиб, балким, «Ишим ўнгидан келар», деган хаёл билан «Қишлоқ ҳақиқати» газетаси муҳаррири қабулхонасига кириб борди. Феруздаги ноёб истецод ва юксак маҳоратга тан берган ўзига уни бир неча бор ишга таклиф этган, ҳатто ўринбосар қилиб олмоқчи бўлган эди. Бироқ Феруз Ёшлар рўзномаси жамоаси билан чиқишиб, қадрдон бўлиб кетганиданми ёхуд ёшлар ҳақида ёзишни яхши кўрганиданми, ҳар гал пайсалга солиб юрарди. Мана энди у, муҳаррирнинг таклифига кўнишга мажбур эди.

Феруз аллақандай қоғозни машинкалаётган ёқимтой котибага яқинлашди-да:

— Жалол Суюнович ёлғизларми? — деб сўради.

— Худди шундай, — жавоб қилди котиба ишдан тўхтаб, Феруз томон буриларкан. — Ишпингиз бормиди?

— Ҳа. Феруз Содиқ сизни кўрмоқчи экан, деб кўйсангиз бўлгани. Уёғини ўзлари тушунадилар, — деди.

Котиба тавозе билан:

— Хўп бўлади, — деди-ю, лип этиб муҳаррир хонасига кириб кетди. Орадан бироз ўтгач у қайтиб чиқди-да, гўё олдида турган келбатли, қадди-қомати келишган меҳмон зўравонлик билан хонага бостириб кираётгандек хона эшигини орқаси билан тўсаркан, деди:

— Жалол Суюнович бир юмуш билан банд бўлганликлари сабабли сизни қабул қилолмас эканлар.

Бунақа «мулозамат»нинг асли маъносини тушунган Феруз бир неча сония ғалати бўлиб турди-да, сўнг:

— Яхши, — дея орқасига бурилиб қабулхонадан чиқиб кетди.

Феруз яна икки-уч таҳририятга кириб, мақолаларини тақлиф этди. Лекин минг афсус ва надоматлар бўлсинким, ундан бирор мақола ёзиб беришни илтимос қилиб, ёлвориб юрган таниш-билиш ҳамкасблари, ҳатто айрим ўзига дўст тутиб юрган яқинлари ҳам, шогирдлари ҳам ўз жонлари кўзларига кўриниб, унинг беминнат хизматидан воз кечардилар.

Бунақа таъқиблар, камситишлар ва хўрлашлар бора-бора Ферузнинг жонига тегиб, пичоқ бориб суякка қадалди, унинг иродасини бука бошлади. У, азбаройи атрофида содир бўлаётган расвогарчиликлар ва ноҳақликларни кўрмаслик, фисқу фасод, ғийбатларни эшитмаслик учун она шаҳри мисол севиб, боғланиб қолган Тошкентни тарк этиб, туғилиб-ўстан Самарқандгами ёки бирор узоқ шаҳар ёки тумангами бош олиб кетмоқчи ҳам бўлди. Ҳар ҳолда қўлида бинойидай қалами бор, бирор газетада бемалол ишлаши, ўқитувчилик қилиши, ҳеч бўлмаганда бирор театрда оддий актёр бўлиб ишлаши ёхуд бирор бадиий тўғаракни бошқариши мумкин-ку. Шуларни ўзича мушоҳада қиларкан, ўзини бироз енгил ҳис қилгандай бўлди. Аммо бунақа бемаъни хатти-ҳаракати рақиблар олдида тиз чўкиш, мағлуб бўлиш демак-лигини, қийинчиликлардан қочиб, осон, беташвиш ҳаёт сари юз тутмоқ, қолаверса субутсизлик, аниқроғи ғирт аҳмоқлик, кўрқоқлик эканлигига ақли етди шекилли, ўз ўйидан ўзи сесканиб кетди, ноҳўя фикридан тез қайтди. Курашни давом эттиришга маҳкам бел боғлади.

Феруз бир неча бор унинг тақдирини ҳақиқат ва инсоф тарозисида ўлчашни илтимос қилиб Марказқўмнинг биринчи котиби номига мактуб йўллади. Лекин унинг мактублари номига юборган шахснинг қўлига тегмасмиди ёхуд у одам унинг қисматларига бепарво, лоқайдларча қарармиди, ҳар сафар бежавоб қолар, умидлари пучга чиқиб, надомат оғушида ёнарди.

## 11

Вақт ўтган сари Гулруҳнинг совуқ муносабати, бепарволиги, лоқайдлиги Жамшиднинг йигитлик гурури торларини черта бошлади. «Севгининг кўзи сўқир», деганларидай, ўзини парвонадек

ўтга уриб, қанотларини куйдирганини тобора чуқурроқ англар. «Севмаганга суйканма» дегандек, ундан ўзини узоқроқ тутишга, хотинининг кўзига камроқ кўринишга ҳаракат қиларди. Бўш вақтларини ичкиликбозлик билан ўтказар эди. Жамшид эндиликда Гулруҳга хотини сифатида эмас, балки зурриётининг онаси сифатида муомала қилар, онда-сонда жилмаймаса, авваллардагидай кулиб, яйрамас, ҳазил-мутойиба қилмас эди.

Гулруҳ эса эрининг бунақа ҳолатидан сира парво қилмас, ундан ранжимас, аксинча, ўзини аллақандай снгил ҳис этар, хушнуд бўлиб юрарди.

Ҳар нарсанинг ҳам чеки, чегараси бўлгани каби Жамшиднинг ҳам ниҳоят сабр косаси лиммо-лим бўлиб лабидан ошган эди. Бу аҳволда ортиқча яшаш сира мумкин эмаслигини аниқ тушунди. Вазият масалани бирёқлик қилишликни тақозо этарди. Хўш, бунинг учун нима қилмоқ керак? Жамшид ана шу қалтис саволга жавоб топиш устида бош қотирарди. У хаёл денгизига узоқ шўнғиди. Ниҳоят бир қарорга келди чоғи илдам ўрнидан турди-да, апил-тапил кийиниб, ҳовлига чиқиб кетди.

Бу оқшом ҳам Жамшид тун қиёмидан оғанда, оёғи ерга тегмайдиган ҳолатда келди. Бу сафар ҳаминшадек меҳмонхона уй томон эмас, Гулруҳ ётадиган ётоқхона томон йўлланди. Қадам шарпасидан уйғониб кетган Гулруҳнинг уйқу аралаш кўзи жинчиरोқ ғира-шира ёритиб турган хона остонасида ҳайкалдек қотиб турган одамга тушди-ю, ўзича аллақандай хаёлга борди шекилли, юраги орқасига тортиб кетди. У сапчиб ўрнидан турди-да, бориб чироқ тугмасини босди. Хона нурафшон бўлди. Гулруҳ не кўз билан кўрсинки, рўпарасида қўлларини кўкрагига чалиштирганича Жамшид турарди. Унинг вазоҳати бузуқ, бўздек оқариб кетган узунчоқ юзлари аллақандай қийшиқ, кўзлари олайган эди. Гулруҳ истар-истамас унга яқинлашаркан, димоғига арақ ҳиди урилиб, юраги айниди.

— Нега бу ерда турибсиз? Ҳатто оёқ кийимингизни ҳам ечмабсиз. Қани, юринг, счинтириб кўяман. Дамингизни олинг, — дея эрининг қўлтиғидан ушламоқчи бўлувди, Жамшид унинг қўлини дағаллик билан силтаб ташлади.

— Кўлингни торт, қанжиқ!!! — дея ўшқирди.

Келин бўлиб тушганидан бера бунақа дағал муомалани, қолаверса, ҳақоратни биринчи бор эшитаётган Гулруҳ ақлдан озаёзди, довдираб қолди.



— Секинроқ, Жамшид ака. Бақирманг, бола уйғониб кетади-ку. Қоринчаси дамлабдими, чинқирайвериб адо бўлди бечора. Ҳали-замон уйқуга кетган эди.

— Э-э-э, сениям, болангниям, — болохоналик қилиб сукинди Жамшид.

— Вой, сизга нима бўлди, Жамшид ака? Ақлдан оздингизми?

— Ҳа, ақлдан оздим. Сен мени ақлдан оздирдинг. Ҳа, ҳа, ҳам-масига сен гуноҳкорсан. Энди бас, ортиқ чидай олмайман. Кўзимдан йўқол!!! Ҳозироқ ҳовлидан чиқиб кетасан!

— Ўйлаб гапиряпсизми, Жамшид ака, бемаҳалда қасрга бо-раман? — ҳайратдан донг қотди Гулруҳ.

— Тўрт томонинг қибла, истаган жойингга боравер. Севга-нинг Ферузнинг ёнига бор.

— Бола нима бўлади?

— Сендан не неклик кўрдиму, болангдан нима кўрардим. Бо-ланг ҳам ўзингга сийлов.

Гулруҳнинг кўз олди қоронгулашди. Бир неча вақт гарангсиб турди-да, сўнг ўзини бироз қўлга олди шекилли, ўрнидан қўзғалиб тўрдаги деворга суяб қўйилган шифоньер томон борди ва илгакка илинган у-бу кийимларини олиб, кийинмоқ учун даҳлизга чиқди. Кўп ўтмай қайтиб кириб, чақалоқни йўрғаклади-да, уни бағрига босганича уйдан чиқиб кетди.

Шаҳар ширин уйқу оғушида. Тўлин ой денгизда сузиб юрган елкан мисол оламга ёғду сочарди. Ҳаммаёқ нурафшон. Кўчалар бўм-бўш, осудалик ҳукмрон. Табиат гўё ўз-ўзи билан гаплаша-ётгандек жимжит. Тун сокинлигини оңда-сонда уёқдан-буёққа физиллаб ўтадиган аллақандай автомобиллар бузиб турарди.

Гулруҳ кўчага чиққач, бироз фурсат нима қилишликни, қаёққа боришни билолмай боши қотиб турди. Хўш, у қаёққа борсин? Дадасиникига борса, дадаси бор айбни унинг елкасига юклайди-да, қайтиб элтиб қўяди. У ҳақ бўлади. Чунки ҳамма-ҳаммасига, Жамшиднинг шу ночор аҳволга тушишига, хотима шундай фо-жиали юз беришига ҳам Гулруҳнинг ўзи айбдор. Бироқ у нима қилиши, қандай йўл тутиши мумкин эди? Бошқа бировни севса, унда не айб? Ахир бир юракка битта севги сиғади-ку. Қолаверса, юракка буюриб бўлмайди-ку, ахир. Йўқ, у отасиникига бормаиди. Бу аниқ. Хўш, яна нажот истаб қасрга бориши мумкин? Яқин дугоналариникигами? «Мана, ҳолимни кўр, дугонажон, деб улар-нинг раҳмини келтириш ёхуд устидан «Гердайиб юрардинг,

оқибат ҳолинг шу экан-ку», деб кулишлари учунми? Яна қасрга? Қариндошларидан бириникигами? Ярим тунда-я. Бехосдан миясига: «Бунақа шармандачиликдан кўра, ягона ва энг тўғри йўл — бу ҳаёт билан видолашмоқ. Ҳа, ҳа, шундай қилсам, барча муаммолар ечилади. Дадам-ойимлар ҳам тинчишади. Шубҳасиз, фарзанд доғи оғир, улар бўзлашади, ғам-ғусса чекишади. Лекин ернинг бағри совуқ, дегандек, иложлари қанча, бора-бора тақдирга тан беришади, кўникиб кетишади. Жамшиднинг ҳам кўнгли бирёқлик бўлади, бошқа бирортасига уйланади, бахтини топади. Бироқ биламан, Ферузга жуда-жуда қийин бўлади. Унинг оташин юраги бунақа мусибатни кўтара олармикан?.. Ишқилиб, Оллоҳу таолло унга сабр-тоқат ато этсин... Ҳаммадан ҳам мана бу, шўрпешона болага қийин бўлади. Оллоҳим, ўзинг жавоб бериб кўр, бу гўдакнинг айби нима? Айби — севишмай қовушганлардан бу ташвишли, серғалва, бебақо дунёга келишими?.. Илоҳи, унга ўзинг раҳм-шафқат қилгин, уни паноҳингда асрагин, бирор меҳрибон, ҳалол-покиза, диёнатли кишиларга дучор қилгин. Ахир, бу дунёда фарзанднинг тирноғига зорлар камми?»

Мана шуларни хаёлидан ўтказаркан, Гулруҳнинг кўнгли бироз таскин топгандек бўлди. Бироқ ҳали у ниятини қандай амалга оширмоқ учун бир қарорга келиши лозим эди. Ниҳоят бу муаммони ҳам ўзича ҳал қилди, ўзини анҳорга ташлаб ғарқ бўлишга азму қарор қилди. Ҳа, шундай қилса, айни муддао бўлади. Сув уни узоқ-узоқларга оқизиб кетади. Биров мурдасини ҳам кўрмайди. Танаси эса балиқларга ем бўлади.

Бутун фикри-зикри у дунё билан банд бўлган Гулруҳ боласини кўксига босганича ўрнидан жилди ва анҳор томон жадал юриб кетди.

Гулруҳ анҳор бўйига етиб келгач, одамлар кўришлиги учун боласини анҳор ёқалаб ўтадиган тор йўлнинг четига, майса ўт устига кўяркан: «Мен, бераҳм, бағритош онавгни, сени аро йўлда ташлаб кетаётганим учун кечир, жигарбандим. Мени лаънатлама. Чунки мен шундай қилишга мажбурман», деди-ю, терс орқасига бурилиб анҳор томон шошилди. У узоқ муддат сувга тикилиб турди. Сувда ойнанинг нури аксланар, дарахтлар кўланка ташлаб турарди. Кеча тинчлигини бузиб, тўшини қирғоқларга уриб, шовқин солиб оқаётган сувнинг майин йиғлоқи овози Гулруҳнинг наздида унинг юраги каби инграётгандай туюлди, сув кўзига иссиқ кўривиб, уни оҳанграбодай ўзига тортар эди.

Гулруҳ ўзини энди сувга ташламоқчи бўлиб турганда ногоҳ қулоғига чақалоқнинг чинқираши чалинди. Гулруҳ, бу пора бўлган юрак фарёди янглиғ овозни эшитмаслик учун қўллари билан қулоқларини бекитди. Лекин овоз уни ўзига чорлаётгандек баттар авжига чиқарди. Она қалби ортиқча бардош беролмади, аллақандай ийиб кетди-да, сўнгги марта жигаргўшасига кўкрагини бермоқ учун у томон отилди.

Ҳар оқшомдагидек бемаҳалда Ферузнинг уйқуси қочди. Гоҳ ўнг томонга, гоҳ сўл томонга ағдарилиб, ухлашга уринди. Аммо ухлай олмади. Узоқ вақт шипга боққанича хаёл суриб ётди. Бўлмади. Бундай ҳолларда Феруз шундоққина у яшайдиган уйнинг энгинасидан оқиб ўтадиган анҳор бўйига чиқиб сайр қилишни хуш кўрарди. Бу гал ҳам шундай қилди. Ўрнидан илдам турди-да, энгилгина кийиниб ҳовлига чиқиб, анҳор томон одимлади.

Феруз сайр қиларкан, туннинг сокинлиги, эсаётган ёқимли шабада, сувнинг шилдираб оқиши унинг руҳини тетиклаштиргандай бўлди, ўзини аллақандай энгил ҳис қила бошлади, дунё ташвишларидан фориг бўлиб, ҳаётдаги барча ёвузликларни, ғам-ғуссаларни ҳам, мусибату бахтсизликларни ҳам сув ўзи билан оқизиб кетгандай туюлди.

Феруз яхши кайфият билан қирғоқ бўйлаб бораркан, кўзи ногоҳ йўрғакланган чақалоқни ерга қўйиб, Феруз тун ниҳоят ойдин бўлгани учун буни яққол кўрарди, сув томон шошилаётган аёлга тушиб қолдию, унинг сезгир қалби, аёлнинг бад ниятини пайқади чоғи, қадамини тезлатди. Феруз жувон турган жойга етиб келганида, у аллақачон ўзини сувга ташлашга улгурган эди. Тез оқим уни ўз кучоғига олиб оқизиб кетарди. Аёлнинг боши гоҳ кўриниб, гоҳ кўздан ғойиб бўларди. Феруз ўйлаб ўтирмай, ҳатто кийимларини ҳам ечмай ўзини сувга ташлади-да, қўллари билан сувни шопиллатганича сузиб кетди. У аёлга етиб олиб, сочидан ушламоқ учун қўлини чўзган эди, аёл кўп сув ютган бўлса керак, сув уни ўз комига тортди. Феруз чуқур нафас олди-да, сувга шўнғиди. Сузишни яхши билганлиги қўл келиб, кўп ўтмай чўкаётган аёлнинг сочидан тутамлаганича уни сувдан олиб чиқди ва қирғоқ томон судраб кетди.

Феруз жабрланувчини дарҳол ерга ётқизиб, унга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишга киришаркан, ногоҳ нигоҳи унинг юзига тушиб кетди-ю, жони бўғзига келди. Ҳовлиқиб қолди. Чунки

шундоқина кўз ўнгида унинг ёрдамига муҳтож аёл — унинг дилбанди, орзуси, севгилиси Гулруҳ ҳушсиз ётарди. Мурдадек оқариб кетган ориқ юзларида ғам-андух аломати, узун киприкларида эса ҳали узилиб улгурмаган бир дона ёш томчиси, гўё музлаб қолгандек илиниб турарди. Бутун вужуди музлаб, нафас олиши қарийб йўқолган эди.

Феруз ташвишлана бошлади. «Наҳот, ҳар ёмонликнинг бир яхшилиги бор», деганларидай, уни шундай ночор аҳволда бўлса-да топиб олсаму, қайта йўқотсам? Наҳот ундан умрбод жудо бўлсам? Наҳотки уни қутқазиб қололмасам?» деган фикр яшин тезлигида миясидан кечаркан, тез ақлини йиғиб олди-да, ишга киришиб кетди. Гулруҳнинг бошини паст қилган ҳолатда гавдасини ердан кўтарди-да, ютган сувларини тўкди. Сўнг қайта ерга ётқизиб, оғзини оғзига қўйди-да, ҳаво берди. Юрак атрофларини уқалай бошлади, қўлларини ҳаракатга келтирди. Бироқ ҳамон жабрдийда танасида ҳаёт нишонаси сезилмас эди. Феруз югуриб бориб, яқин орадаги бирор будкадан «Тез ёрдам»га телефон қилмоқчи ҳам бўлди. Лекин шундай қилгудек бўлса, фурсатни қўлдан бой бериб қўйишини ўйлади-да, бу фикридан тез қайтди ва қайтадан ишга киришиб кетди. У бутун вужуди билан ҳаракат қиларди. Гулруҳнинг қўлларини уқаларкан, Ферузнинг назарида унинг томири уриб кетгандай туюлди. Феруз ўнг қўли билан юракни уқалашда давом этди, оғзини Гулруҳнинг оғзига қўйиб боз сунъий нафас берди. Юрак аста-секин тепа бошлади ва кўп ўтмай бир меъёрда ура кетди.

Феруз қувонганидан ўзини қаерга қўйишни билолмас, маъшуқасининг юз-кўзларидан, оппоқ сийнасидан ўпич оларди.

Анчадан кейин Гулруҳ ўзига келиб кўзларини очганида, Ферузни танимади чоғи, аллақандай эркак унинг юз-кўзларидан бўса оларди. Гулруҳ, авваламбор тирик қолганига афсусланди, ўз ҳалоскоридан нафратланди, қолаверса, бегона эркакнинг беҳаёларча қилаётган ноҳўя қилиғидан ғазаби кўзғади. Нимжон қўллари билан Ферузнинг кўкрагидан итараркан:

— Кимсиз ўзи? Қўлингизни тортинг! Бир нотавон, мушкул аҳволдаги аёлга тажовуз қилишга ор қилмадингизми? Нега мени қутқазиб қолдингиз? — деди мажолсиз овозда.

— Бу, мен, Ферузман, Гулруҳ, азизам, — деди шошилич.

Гулруҳ ўз қулоқларига ишонмасди.

— Феруз?! — ҳайратланди у.

— Ҳа, ҳа, Ферузингизман дилбандим.

— Сиз бу ерга қандай келиб қолдингиз?

— Бу, авваламбор Оллоҳнинг каромати жонгинам. Қолаверса, сизга нисбатан бўлган соф муҳаббатим, чексиз садоқатим стаклаб келди мени бу ерга.

— Яратганга беадад шукр, — деди Гулруҳ совинч аралаш, ҳамон кўзларига ишонмай ва сўнг, — менга сизни қайта кўриш насиб этди. У эркаланиб хушторининг кенг кўкрагига бошини кўяркан, бахтиёрликдан ҳўнграб йиғлаб юборди. Унинг нарғиз кўзларидан ёмғирдек оқаетган кўз ёшларини Феруз шароб янглиг сипқирар эди.

## 12

Фожианинг эртаси куни Феруз жуда эрта уйғонди. У апилтапил кийинди-да, Гулруҳ ва чақалоқни уйғотиб қўйишдан қўрқиб оёқ учида юрганича уйдан чиқди. Феруз ҳовлига чиққанида ҳали тонг ёришмаган, кўёш чиқишини кутаётган сингил булутлардан ташқари ҳаммасёқ ғира-шира қоронғу эди.

Феруз водопровод жўмрагини очиб, муздек сувда қўл-юзини ювди-да, қайтиб уйга кирмаслик учун сочиқни айвон устунига қоқилган михга илди ва қўлига идиш олиб гузарга чиқиб кетди.

Гулруҳ йўтал овозидан уйғониб кетди. У лоҳас бўлиб ўрнидан турди-да, деразага яқинлашди. Қараса, том орқасида қизнинг кўкраги янглиг юмалоқ тонг яллиғи алангаланган, тонг ўз ёрқин пардасини тобора юқори кўтара бориб, қоронғуликни қуварди. Оқ кўйлақ, оқ иштон кийиб олган қария бошига белбогини танғиб олганича ҳовлида ивирсиб юарди.

Гулруҳ ғалати бўлиб кетди. «Мен қасрдаман ўзи? Бу, бегона ҳовлига қандай қилиб келиб қолдим?.. Назаримда Феруз акам билан бирга келгандим чоғи?» каби саволлар баҳор ёмғири мисол унинг миясига қуйилиб келаварди.

Гулруҳ кечаги воқеаларни эслашга уринди. Туман билан қоришиб ётган кеча, кечаси содир бўлган мудҳиш воқеалар унинг кўз ўнгида ғира-шира намоён бўлди-ю, барча саволларига жавоб топгандек бўлди. «Ҳа, ҳа, бу ерга мени Феруз акам олиб келган эди... Унақада унинг ўзи қани?.. Балким, мени бу ерда қолдириб, ўзи уйига кетгандир?.. Энди нима қилдим, уни кутсаммикин? Ахир келиши шарт-ку. Мени бундай мушкул аҳволда ташлаб кетмай-

ди-ку» деб хаёлидан ўтказди у. Лекин бу фикрдан тез қайтди. «Йўқ, йўқ, яхшиси, тезроқ бу ердан кетмоғим лозим. Ҳа, шундай қилсам, маъқул бўлади. Ахир, бошимга ёғдирилган кулфатларга Феруз акамни ҳам шеряк қилиб нима қилдим. Қолаверса, куппа-кундузи бировнинг эри билан бирга юрганганимни кўрганлар нима деб ўйлашлари мумкин? Айниқса Юлдузнинг қулоғига етиб боргудек бўлса, уларнинг тинч-тотув турмушларига раҳна солиб қўйишим муқаррар. Мен-ку бахти қароман, Феруз акамни ҳам бахтсиз бўлишини ҳечам истамайман. Алҳазар! Эҳ, Оллоҳим! Унинг танини соғ, бошини омон қилгайсан. Ўзини бахтиёр этгайсан!»

Гулруҳ қатъий қарорга келди шекилли, энди чолнинг уйига кириб кетишини пойлай бошлади.

Мана, ниҳоят ҳовли соҳиби уйга кириб кетди. Гулруҳ шошилинч деразадан узоқлашди-да, апил-тапил боласини йўргаклаб эшик томон ошиқди.

Бир қўлида кўзачада сут, қўлтиғига иккита ширмойи нонни қистириб олган Феруз Гулруҳга дарвоза остонасида дуч келди.

— Қани, йўл бўлсин? — сўради у, ҳанг-манг бўлиб.

— Ҳамма-ҳаммаси учун раҳмат, Феруз ака. Энди мен борай...

— Қаёққа? — таажжубланди Феруз. — Ёхуд уйингизга қайтиб бормоқчимисиз?

— У ерни энди елкамнинг чуқури кўрсин...

— Унақада қасрга бормоқчисиз? — ҳайратомуз елка қисди Феруз.

Гулруҳ биров фурсат қандай жавоб қайтаришни билолмай каловланиб турди-да, сўнг:

— Бирор жой топилар, ахир. Ижара дегандай...

Ферузнинг ҳайрати баттар ошди.

Нималар деяпсиз, Гулруҳ? Қанақа ижара?

— ...

— Йўқ, мен сизни ҳеч қасрга қўйиб юбормайман Гулруҳ. Ҳа, ҳеч қасрга кетмайсиз. Ахир сизни менга меҳрибон Оллоҳнинг ўзи қайта етказди-ку.

— Авваламбор, Феруз ака, мен сизга лойиқ эмасман. Ҳа, бошқа бир эркакнинг қучоғида ётган муштипар аёлман. Устига-устак болам бор. Бугина эмас, Юлдуз билан иккингининг ораларингга суқилмоқчи эмасман. Унинг билан бахтли ҳаёт кечиришингизга халақит бермайман.

Феруз бироз тутоқди.

— Қанақа бахтли ҳаёт ҳақида гапиряписиз, Гулруҳ, азизам?! Менинг ҳаётим аллақачон барбод бўлган, заҳарга, дўзахга айланган. Ҳа, Юлдуз менинг учун бегона, ёт одам. Унга фалакнинг гардиши билан йўлиқиб қолгандим. Менинг учун у ўлган. Унинг номини тилга олишни ҳам истамайман.

Гулруҳнинг бошини қуйи солганича итоаткорона гапларига қулоқ осиб туриши Ферузнинг шаштини туширди. Энди у жуда мулойим овозда гапини давом эттирди.

— Хуллас, жоним, иккимизнинг ҳам қисматимиз бир. Бу ҳам Оллоҳнинг хоҳиши, кўргулик.

Гулруҳ мулзам бўлиб, гўё ножўя қилиғи учун севгилисидан узр сўраётгандек бир пас жазманининг кўзларига илтижо аралаш боқиб турди. Сўнг жилмайиб қўйди.

— Қани, уйга кирдик, — деди Феруз ва ўзи йўл бошлади.

Гулруҳ унга эргашди.

Уйга киргач, Феруз қўлтиғидаги нонларни хонтахта устига қўйди. Қўлидаги сут тўла кўзачани Гулруҳга тутқазаркан:

— Бу эса, чақалоққа, — деди.

Нонушта қилиниб бўлиб, дастурхонга фотиҳа ўқилгач, Гулруҳ эркаланиб Ферузнинг кўкрагига бошини қўйди. Бироздан кейин у бошини кўтарди-да, қовоқларини хиёл кўтариб мафтун этувчи сурмаранг хаёлий кўзлари билан ошиғига қараб қўйди-да:

— Бирорта муллани таклиф этиш керак, жоним, — деди нозкарашма билан. — Никоҳ ўқиб қўйсин.

Феруз қувонганидан ўрнидан сакраб туриб кетди.

— Мулла қидириб узоққа боришликнинг ҳожати йўқ, садагангиз кетай, шу ҳовлининг хўжаси ўзи мулла. Ҳозироқ уни бошлаб келаман, — деди-ю, эшик томон йўналди.

Ферузнинг аҳволи кун сайин танглашиб борарди. «Туриб есанг, турум тоғи чидамайди», деганларидай, омонат кассада жамгарган пулларни ҳам сарфлаб бўлган эди. Сўққабош бўлганида-ку, очликка ҳам чидарди. Лекин Гулруҳчи? Айниқса чақалоқчи? Уларга нима дейди? Ахир уларнинг ҳам ризқини Тангри Ферузнинг зиммасига юклаб қўйган-ку. Айтайлик, ошнаси — ижарага турадиган ҳовлининг эгасидан қарзга олган тўрт-беш сўм билан бугунни ҳам бир амаллаб ўтказиш мумкин. Лекин эртаци, индинчи, Худонинг кунни кўп бўлса, буёғи нима бўлади?

«Олма пиш — оғзимга туш», деб ҳаққоният қарор топишидан умидвор бўлиб қўл қовуштириб ўтирса ҳоллари не кечади? Ёхуд ота-онаси, ака-укалари, қавм-қариндошларидан кўмак сўрасинми? Йўқ, Феруз ҳеч қачон бундай қилолмайдди. У, ҳатто талабалик чоғларида ҳам улардан мадад сўрамаган, ўз кунини ўзи кўрган, газеталарга мақолалар ёзиб пул топган, кези келганда, дўппи тор келиб қолганда, мардикорлик ҳам қилган эди.

Феруз мана шуларни ўзича мушоҳада қиларкан, узунчоқ оппоқ юзларида табассум жилоланди. У дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўрнидан кўзгалди. Уст-бошини алмаштиргач, бола эмизаётган Гулруҳ томон борди, аввал чақалоқнинг пешонасидан, сўнг Гулруҳнинг юзидан бўса олди-да, эшик томон йўлланди. У кўчага чиққач, уч-тўрт дақиқа хаёл суриб ўтирди-да, сўнг қатъий қарорга келди шекилли, мардикор бозори томон йўл олди.

Феруз Чорсу бозори дарвозасидан киришда, сўл қўл томонда жойлашган мардикор бозорига етиб келганида баркашдек қизғиш қуёш уясидан бош кўтариб кўк нарвонидан юқорига кўтарилиб, осмон аста-секин оқара бошлаган эди. Лекин шунчалик барвақтлигига қарамай, бу ерда одамлар гавжум эди.

Феруз ўз талабгорини узоқ хутмади. У бозорда пайдо бўлиши билан ўрта бўй, хушсурат, эллик ёшлар чамасидаги бапанг кийинган истараси иссиқ одам унга яқинлашди-да, уни бошидан оёғигача синчиклаб кузатаркан:

— Ҳовлида бироз юмуш бор эди, рози бўлсангиз олиб кетардим, — деди.

Феруз қанақа юмушлигини ҳам суриптириб ўтирмади, чунки унга бунинг аҳамияти ҳам йўқ эди, ҳатто меҳнат ҳақини ҳам келишиб олмай, талабгорнинг таклифини дарров қабул қилди ва унга эргашди.

«Талабгор» Феруз ва яна икки кишини, улардан бири ўрта ёш, соқол-мўйловларига қиров тушган, гўладан келган чайир одам, иккинчиси — йигирма-йигирма икки ёшлардаги полвонсифат йигит эди. «Волга» машинасига ўтқизиб олди-да, моторни олов олдириб, ҳадемай йўлга тушди.

Феруз арқон билан лой тўла пақирларни тортиб олар, пақирлардаги лойни ташиб бориб, тўла гавдали мардикор кўрсатган жойга тўкар ва яна бўш пақирларни кўтарганича том лабига қараб югурарди. Тўла гавдали одам қалпоғи устидан оқ қийиқ танғиб олган, кўйлагининг энгини тирсагигача шимарганича



андава тортар эди. У ёши қайтганига қарамай жуда енгил ва чаққон ҳаракат қиларди. Унинг томирлари бўртиб чиққан қадоқли қўлларида андава силлиқ йўрғалар, фақат ҳар замон, бир замонда андаванинг учи билан парча-буруш лойларни пастга иргитар ва яна ишида давом этаверарди. Феруз унга лой ташиб беришга аранг улгурар эди.

— Ҳой, барака топкур! Лойни тузукроқ пишитсангчи, садаганг кетай, кесаги кўп, — деди лойкаш йигитга орқасига қарамай бақириб.

Навбатдаги лой тўла пақирни тортаётган Ферузнинг бели қотиб, тинкаси қуриди. Кўзи тинди. Қўлига тутамлаган арқон билан бирга ерга қулаб тушишига сал қолди. Бироқ Феруз, азбаройи ҳамкорлари олдида шарманда бўлишликни ўйладими, тез ўзини ўнглаб олди ва том устига чўкди. Бироздан кейин ўзига келди чоғи, қаддини ростлаб ишида давом этди.

Пақирдаги лойни энди ағдармоқчи бўлган Ферузнинг ҳолатини сизди шекилли, лой тортувчи уни тўхтатиб қолди.

— Шошманг, мулла, менам чарчадим. Ўзингиз ҳам чарчаган кўринасиз, лойкаш лойни яхшилаб пишитгунча бироз дам олайлик ..

Андава тортувчи томнинг лабида чордона қуриб ўтириб олди. Нимҳол кителининг чўнтагидан носкадини олиб, тишларига уриб нос отди. Нос кайф қилдими, кўзларини юмганича пинакка кетди. Анчадан кейин у кўзларини очиб, оғзидаги носни пастга тупурди-да, чойнақдан пиёлага чой қуйиб оғзини чайқади. Сўнг Ферузнинг докадек оқариб кетган юзларига узоқ тикилиб турди-да:

— Мабодо саволим ўринсиз бўлса, мени кечирасиз, мулла, сиздан бир нарсани сўрамоқчийдим, — деди.

— Бемалол, амаки, сўрайверинг, — деди Феруз.

— Асли касби корингиз нима? — сўради қария ийманиб.

Ферузнинг юзларига қизил югурди.

— Буни билишингиз шартми, амаки? — хижолатомуз елка қисди Феруз.

— Й-ў-ў-ҳ, — бошини сарак-сарак қилди суҳбатдоши, шарт эмас. Ҳа, шунчаки сўрадим-қўйдим-да, мулла. Айтмасангиз ҳам хафа бўлмайман. Сўрашимнинг боиси сизни мардикор бозорида биринчи марта кўришим. У ёғини олсак, бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки у ерга келиб-кетувчиларнинг сони бору, саноғи

Йўқ. Биттаси мен бўладиган бўлсам, йигирма йилдан ошди мардикорлик орқасидан рўзгор тебратаман... Ҳа, яратганга минг қатла шукр, ҳаётимдан нолимайман. Қишин-ёзин қорним тўқ, ҳурматим жойида, дастурхоннинг тўрига ўтқизишади. Бугина эмас, уйга ҳам қуруқ қайтмайман, тўрт-беш сўм ҳамёнимга киради ҳар куни. Шу даромад ҳисобидан ғўра-шўра беш бош болаларимни вояга етказдим, уларни саводхон қилдим. Гапнинг пўскалласини айтадиган бўлсам, қора меҳнат билан шуғулланмаганингиз шундоққина кўриниб турибди, мулла. Кўриб турибман, ўзингизни зўрлайсиз. Шубҳасиз, бундай қилишга сизни нимадир мажбур қилган бўлса ажабмас.

Ҳамсуҳбатининг сезгирлиги, ҳушёрлиги, айниқса дилкашлиги Ферузга ёқди. Унга бор гапни айтмоқчи бўлиб оғиз ҳам жуфтлади. Бироқ алланималарнидир андиша қилди шекилли, бу фикридан тез қайтди.

— Тирикчилик, амаки, — деб қўя қолди.

— Иннакёйин мулла, сиз кўзимга жуда танишдай кўриняпсиз. Ҳа, сизди қаердадир кўргандайман. Дилвизирдами-ей...

Қария ҳақ эди, чунки Феруз тез-тез телевизор орқали чиқишлар қилиб турарди, лекин Феруз ёлғон гапирди:

— Йўқ, амаки, адашяпсиз, телевизорга ҳеч қанақа алоқам йўқ. Чамамда мени бировга ўхшатыпсиз чоғи. Ахир одам-одамга ўхшайди-да.

— Рост айтасиз, мулла, ўша одамга жа ўхшаб кетаркансиз. Гўё бир олманинг иккита бўлагидай.

Андава тортувчи хайрихоҳлик билан бош ирғар экан:

— Ҳечқиси йўқ, мулла, деди раҳмдиллик билан, — энг муҳими руҳингизни туширманг. Бардам бўлинг. Бу дунёда ҳамма ҳамма нарса ўтқинчи. Бош омон бўлса ҳаммаси унутилиб кетади... Қани, энди турдик, мулла, яна бир ҳамла қилсак, иншоллоҳ томи суваб бўламыз, — деди-ю, илдам ўрнидан турди.

Тун уфққа зулмат пардасини ёйганда Феруз қўлида нон, қандкурс, мева-чева, чақалоқ учун бир қути «Дўмбоқ» кукунини кўтарганича уйга кириб келди. У қўлидагиларни унга пешвоз чиққан Гулруҳга узатаркан, мамнун жилмайиб қўйди, сўнг жазманининг юз-кўзларидан ўпич олди. Шу пайт уй тўридан чақалоқнинг қалбларни тўлқинлантириб юборовчи ингаси, майин овози эшитилди. Феруз ўша томон йўлланди. У бола ётган беланчакка яқинлашаркан, нигоҳи катталарга хос бўлмаган аллақан-

дай гайритабий ташналик билан жавдираб атрофга боқаётган митти икки мунчоқдек қоп-қора кўзлари, жажжи юзига тушди-ю, назарида асаббузар ташвишларни унутгандай бўлди. Уни эркалади. Пешонасидан ўпди.

Ҳаёт шу тарзда ўтарди. Кийим-кечакни ҳисобга олмаганда рўзғорда сйиш-ичишдан камчилик йўқ, деса ҳам бўларди. Бироқ ҳар оқшом севган ёрининг ишдан ҳориб-толиб, шалвираб қайтишини кўрган Гулруҳнинг юраги ачишиб суяклари зирқираб кетарди. Дарҳақиқат, эндиликда Феруз аввалларидагидек алламаҳалгача чақчақлашиб ўтирмас, китоб ҳам ўқимас, кечки овқатни нари-бери тановул қилиб, каравотга чўзилганича ухлаб қоларди.

Гулруҳнинг қалби Феруз аллақандай оғир жисмоний меҳнат орқали рўзғор тебратаётганлигини сезса-да, ҳеч қачон ундан қасрда ишлаётганини, нима иш қилаётганлигини суриштирмас, инчунин Феруз ҳам бу ҳақда оғиз очмасди.

Бир сафар Феруз тонг саҳарда нонушта қилиб бўлиб, юзига фотиҳа тортиди-да, ўрнидан туриб кийинмоқ учун даҳлизга чиқди. Орқасидан қўлида Ферузнинг илгакка илинган сарғиш тусли кўчалик костюми, оқ кўйлаги, қизғиш рангдаги йўл-йўл галстугини кўтарганича Гулруҳ кирди. Феруз, «ўзи нима гап?» дегандек унинг кўзларига ҳайратомуз тикилди.

— Мана буларни кийинг, Феруз ака, — деди у ошиғига яқинлашиб қўлидаги кийимларга ишора қиларкан.

Феруз ҳеч нарсани тушуволмаб биров донг қотиб турди ва сўнг:

— Ахир ишга ҳамишалик уст-бошим ҳам бўлаверади, маликам, — эътироз билдирмоқчи бўлди Феруз.

— Бугундан эътиборан ишингизга бормайсиз, жоним, — деди Гулруҳ нозланиб.

Ферузнинг ҳайрати баттар ошди. У таажужубланди. Бир лаҳза серрайиб Гулруҳга қараб қолди. Гулруҳнинг нозик ва гўзал қома тига ёпишиб турган оддий ва нафис кўйлак ҳам унинг ҳуснини юз чандон ошириб юборган, назарида, маъшуқасининг хушбўй нафаси унинг димоғига урилгандай бўлди.

— Нималар деяпсиз, азизам, ахир ишга бормасам кунимиз қандай ўтади?

Гулруҳ майин жилмайди, сўнг кулиб қўйди. Унинг табассуми оқ капалак янглиғ ҳилпираб кетди.

— Бувим раҳматлик ҳамиша: «Инсонга тиш берган худо, ри-  
зқини ҳам ўзи беради», дегувчилар эди. Бир амаллаб кун кечи-  
рармиз, ахир.

Феруз ҳайрат бармоғини тишлаганича ёрининг кўзларига боқ-  
ди.

— Гапингизга тушунмадим? — елка қисди у.

Гулруҳ ўрта мактабни аъло баҳолар билан битиргани учун  
дадаси совға қилган райҳоний ёқут кўзли исиргани қулоқлари-  
дан ечди-да, Ферузга узатди.

— Мана буларни олингу, сотиб рўзгорга ишлатинг. Кейин  
Оллоҳ подшоҳдир. Қолаверса, ҳадемай ишларингиз ҳам ўнгла-  
ниб кетар. Иннанкейин, Худо хоҳласа, узоғи билан бир ойдан  
кейин Шуҳратжонни яслига топшириб мен ҳам ишга чиқаман.  
Хуллас, ишимиз юришиб кетади, жоним. Дарвоқе, шу кеча туш  
кўрибман...

— Қанақа туш экан? — севгилисининг гапини бўлди Феруз.

— Ажойиб, ғаройиб туш.... Соҳибқирон Амир Темурнинг са-  
ройида эмишсиз. Бир тўда башанг кийинган одамлар сизни ўртага  
олиб, алланималардир деб танбеҳ бериб, койишармиш. Подшоҳ-  
нинг нигоҳлари ногоҳ сизга тушиб кетибди-ю, тилиа суви юритил-  
ган курсида ўтирган ўнг қўл вазирларини имлаб ёнларига чақир-  
тирибдилар-да, кўрсаткич бармоқлари билан сизни кўрсатиб: «Тез  
борингда, ҳув анави сарвқомат йигитни ҳузуримга олиб келинг. У  
Оллоҳнинг севган бандаларидан бири. Уни ўраб олиб, зулм қила-  
ётганларни эса жазоланг! — деб буюрибдилар. Вазир шу заҳотиёқ  
Соҳибқироннинг буйруқларини бажо келтирибди. Навкарларга  
золимларни зиндонбанд қилишликни топширибди-да, сизни таво-  
зе билан подшоҳ ҳузурига олиб келибди. Соҳибқирон ўринлари-  
дан туриб сизни бағирларига босарканлар, мулозимлардан бири  
келтирган курсига ўтқизибдилар. Шу ерга келганда бола йиғла-  
ди-ю, уйғониб кетдим. Тушим узилиб қолди, — деди у.

— Ростданам яхши туш кўрибсиз, Гулруҳ.

— Ҳа, ҳали мени айтувди дерсиз, ғанимларингизнинг миси  
чиқиб, юзингиз ёруғ бўлади. Бунга иймоним комил, жоним.

Феруз зўр иштиёқ билан Гулруҳнинг қўлларини оҳиста силаб-  
сийпалар экан:

— Илоҳи айтганингиз келсин, оқилам, — деди кўнгли кўта-  
рилиб.

— Шундай қилиб келишдик, а?

Феруз нимадир демоқчи бўлувди, Гулруҳ нозик бармоқлари билан унинг оғзини бекитиб, бунга имкон бермади.

— Мол-мулк, зар-олтин топилади, Феруз ака, лекин соғлиқни топиш қийин. Менга эса сизнинг саломатлигингиз керак.

Гулруҳнинг меҳрибонлигидан, ақлрасолигидан Феруз тўлқинланиб кетиб, ерини бағрига босди.

— Сиздан миннатдорман, азизам. Ҳа, сиз менинг ҳам давлатим, ҳам илҳомим, ҳам ғурурим, ҳам бахтим, ҳам борлигимсиз, — деди.

Гулруҳ ёрининг кучоғидан истар-истамас қутиларкан:

— Қани, тезроқ бўлақолинг, жоним, — деди ва унга кийинишига ёрдам қилди-да, уни кўчагача кузатиб чиқди.

### 13

Вақт елдек ўтиб борарди.

Қуёш тонг оғушидан чиқиб оламга нур тарата бошлаганда Умида Давлатовна машинадан тушиб, ҳайдовчига соат ўн бирларда келишлигини тайинлади-да, кўча эшигининг қўнғироғи тугмасини босди. Бироқ анчагача ҳеч кимдан дарак бўлмади. Умида Давлатовна хуноб бўлиб, қўнғироқ тугмасини устма-уст боса бошлади. Ниҳоят, чамаси ўн дақиқалардан сўнг эшик қулфи шилқ этди-ю, эшик очилди. Умида Давлатовна остона ҳатлаб ҳовлига қадам босганида рўпарасида тим қора, жингалак сочларини пахмоқ қилганича кўзлари қизарган, қовоқлари шишиб кетган карахт Жамшид турарди. Ўғлининг кўримсиз ва кўнгилсиз ҳолатини кўрган онанинг димоғи куйди, кўнгли хира тортди. Уни эшикни Гулруҳ эмас, ҳеч қачон бу ишни қилмаган Жамшид очганлиги ҳайратлантирарди.

— Келин қани? — сўради у шошилинч, сергакланиб.

Жамшид анчагача онасининг саволига жавоб беришдан ҳайиққандек кўзини лўқ қилганича тик қотиб тураверди.

— Мен сендан келин қани, деб сўраяпман. Жавоб бер!

— ...

Саволи боз жавобсиз қолган онанинг энсаси қотди.

— Нима бало, оғзингга талқон солиб олганмисан, гапирсанг-чи!

— Мен уни қувиб юбордим, — деди ниҳоят Жамшид, бошини қуйи солганча.

Ўглининг оғзидан бу сўзларни эшитган Умида Давлатовна ўзини йўқотиб қўйишига сал қолди.

— Нима дединг? Яна бир бор қайтар... Қувиб юбордим, дедингми?

— Ҳа,— деди Жамшид бошини баланд кўтариб, онасининг кўзларига тик боқаркан. — Менга унақа хотиннинг кераги йўқ. Воз кечдим ундан. Қайтиб оёғини бостирмайман, у манжалақининг. Ҳа, мабодо сизга керак бўладиган бўлса, шуни яхши биллинг ойи, мен уйдан чиқиб кетаман. Қарорим қатъий!

Арзандасининг бирсўзлигини, қатъийлигини яхши билган Умида Давлатовнанинг ҳафсаласи пир бўлиб, мулзам бўлиб қолди. Чуқур ўйга толди. Анча вақт ўтгач, ниҳоят узоқ давом этган сукутни унинг ҳаяжонли овози бузди. У асабий бош чайқаркан:

— Ҳеч бўлмаганда болангга раҳм қилсанг бўларди. Ахир гўдакнинг айби нима?

— Улғайиб, ақлини тависа бир кун дадам дер ахир.

— Қайдам... Дарвоқе, у қачон кетди?

— Шу оқшом, ярим тунда.

Умида Давлатовна ўғлига бошқа савол бермади. Ундан юзини тескари бурди-да, уй томон йўл олди.

У уйга киргач, қўлидаги қопчиғини хона ўртасида турган столга қўйди-да, диванга чўзилди.

Хаёл уни ўз оғушига олди. Ҳа, у ўғли билан келини чиқиша олмасликларини орқаворатдан сезиб юрар, аммо «вақт энг яхши даво ва ҳакам» дегандек, бора-бора, айниқса болалик бўлишгач, ҳаммаси ўрнига тушиб кетар, деб умид қиларди. Минг афсуски, унинг орзу-умидлари эндиликда пучга чиққан эди. У, бир томондан, ўглининг рўзғори бузилишидан қайғурса, иккинчи томондан, опаси олдида, айниқса инжиқ поччаси олдида юзи шувит бўлиб қолишини ўйларди. Шубҳасиз, бу хунук воқеа қариндошлик рияшталарининг заифлашишига сабаб бўлишлигини яхши тасаввур қиларди.

Баногоҳ Умида Давлатовнанинг хаёлига Жамшиднинг: «Шу кеча, ярим тунда кетди», деган сўзлари тушиб кетди-ю, негадир ташвишга тушди, аввалроқ бунга аҳамият бермаганига афсусланди. «Эсон-омон уйига етиб бордимикан? Йўлда бирор корҳол юз бермадимикан» деган савол кўндаланг бўлди. У ўрнидан кескин турди-да, тумба устида турган телефон гўшагини кўтариб, рақам тера бошлади. Гўшақда овоз эшитилди чоғи:

— Салом, опа... Умидаман... Уйдагилар тинчми? Поччам сиз ҳат-саломатмилар?

Гўшақдаги овоз: — Худога шукр, ҳаммамиз тинч-омонмиз. Поччанг ҳам тузуклар. Бугун репетицияни эрталабга мўлжаллаган эканларми, боягина ишга кетувдилар.

— Хабарингиз бор, куёвингиз Кисловодскда дам олаяптилар. Мен Қорақалпоғистонда командировкада эдим, эрталаб самолётда учиб келдим. Жамшиднинг гапига қараганда, улар орасидан қора мушук ўтибдими, бироз жанжаллашишган шекилли, мени кутмасдан ҳам Гулруҳ кетиб қолибди Яхши етиб бордими, деб сўрамоқчи эдим.

Гўшақдаги овоз: «Йўқ, Умида, у бу ерга келгани йўқ, — деди. Умида Давлатовнанинг кайфияти бузилди.

— Яна қасерга бориши мумкин, опа? — сергакланиб сўради у.

Гўшақдаги овоз: — Билмадим... Балким бемаҳалда, ахир анча узоқ йўл, бизларникига келишликни лозим топмай, бирор дугонасиникига кириб қолгандир?

— Қайдам... — деди хўрсиниб Умида Давлатовна, — мабодо келиб қолса, менга қўнғироқ қилинг. Бирров ишга ўтиб, кейин сизларникига борарман.

Умида Давлатовна телефон гўшагини ўрнига қўяркан, хаёли баттар қочди. Назарида Гулруҳ билан бирор кор-ҳол юз бергандек туюлди. Уни ваҳима боса бошлади. Ахир кўчаларда санқиб юрган маст-аластлар, безорилар камми? У, ҳатто шаҳар милицияси бошқармасига ёхуд «Тез ёрдам»ларга телефон қилиб сурештирмоқчи ҳам бўлди. Лекин подадан олдин чанг чиқариб қўйиши мумкинлигини ўйлаб, бу фикридан қайтди ва қайта диванга чўзилди.

Маҳкам Темирович бўсаға ҳатлаб ҳовлига кираркан, кўзи ҳовли ўртасида, танаси йўғон залдори дарахти тагидаги чорпояда ўтирганича юм-юм йиғлаётган хотинига тушди. У, бу ҳолатнинг асли сабабини билсада, шунчаки сўради:

— Ҳа, нима гап, тинчликми?

— Умида телефон қилувди, қизингиз эри билан аразлашиб ярим тунда боласини олиб уйдан чиқиб кетганмиш. Мана, номозшом бўлибди ҳамки ундан дом-дарак йўқ, — деди-ю, уввос солиб йиғлаб юборди.

— Шунга шунчалик дод-войми? — Хотинининг жиғига тегди Маҳкам Темирович.

Бу мудҳиш хабарни эшитган эрининг бунчалик бепарволиги, лоқайдлиги хотинини ажаблантирди, қолаверса, аламини келтирди. Жаҳли қутурди.

— Бунчалик бағритош, бераҳм бўлмасангиз, Маҳкам ака. Ахир у сизнинг пушти камарингиздан бўлган. Уни кўчадан эргаштириб келганим йўқ-ку...

— Ҳадеб ғалаён кўтараверма, — хотинининг гапини чўрт кесди Маҳкам Темирович, — қизинг тирик... Соппа-соғ...

— Нима?! Тирик дедингизми? — қувонганидан ўрнидан сакраб туриб зрига яқинлашаркан, — буни сиз қаердан билдингиз? Буни сизга ким айтди? Ўзи қаерда экан? — эрини саволга кўмиб ташлади хотини.

— Ҳа, у тирик дедим-ку. Хушториникига қочиб бориб ўтирганмиш.

— Буни сизга ким айтди?

— Юлдуз. Ферузнинг никоҳли хотини. Оралари бироз бузилган эди, уни уйга қайтармоқчи бўлиб, ижара турган ҳовлисига борган экан, қизинг уйдан чиқиб: «Орамизга ғов бўлманг, Юлдуз. Биз бир-биримизни севамиз», — дебди у беҳаё қиз.

Хотини енгил нафас олди.

— Худога шукр, — дея рўмолчаси билан кўз ёшларини арта бошлади у.

Маҳкам Темировичнинг жаҳли чиқди.

— Нимасига шукр қиялсан, нодон? Бошқа бир муштипар аёлнинг эрини тортиб олиб, юзимизни ерга қаратган, обрўйимиз иморатини вайрон қилганигами?

— Мен унинг тирик қолганига шукроналар айтаяпман.

— Бу кунидан ўлиб кетгани яхши эмасмиди?

Хотини довдираб қолди.

— Унақа деманг, дадажониси, ахир отанинг қарғиши — ўқ, дейишади.

— Бас! Унақа қизим йўқ! Унинг юзини қайта кўрмайман. Ҳа, у менинг учун ўлган. Мабодо сен ўша шармандани дейдиган бўлсанг, шуни яхши билиб қўй, сендан ҳам воз кечаман! — деди кескин ва «гап тамом», дегандек уйга кириб кетди.



... Партия мажлиси қизғин давом этарди. Жабрланувчи сифатида мажлисга таклиф этилган Юлдуз ўзини ўта аламзада, хўрланган ва ҳақоратланган қилиб кўрсатишга уринар, дамба-дам рўмолчаси билан зўрлаб келтирган кўз ёшларини артар, оғзидан ади кириб, бади чиқарди.

— Айниқса, эримнинг охирги номуносиб, келишмаган қилиги менга жуда қаттиқ алам қилди. Ўзларинг мундоқ ўйлаб кўринглар, ўртоқлар, ахир сизлар журналистсизлар, бадийроқ қилиб айтганда, партиянинг дастёрисизлар, ўзининг ҳалол, никоҳли хотини, икки яшар гулдай ўғлидан воз кечиб, бошқа бир шўрликнинг хотинини йўлдан уриб, боласи билан олиб қочиб келиб, бировнинг ҳовлисида яшириб яшашни қандай баҳолаш мумкин? Ахир, бу, ўта тубанлик, диёнатсизлик, разиллик эмасми? Қолаверса, бу қилиқ коммунист, журналист, деган номни рўкач қилиб, одамларга ақл ўргатувчи кишига ярашадими? Менимча, ярашмайди. Ҳа, аксинча, бундай улуғ номга иснод келтиради Ленин партияси аъзоси шайнига доғ туширади.

— Майли, — бироз нафасини роетлаб олгач гапида давом этди Юлдуз, — мен азбаройи кўз очиб кўрганам бўлгани учун, қолаверса бегуноҳ зурриётимни отасидан маҳрум қилмаслик учун унинг гуноҳларидан ўтаман. Лекин шу шарт билан: эрим, мана шу табаррук даргоҳда, кўпчилик олдида қилмишлари учун тавба қилсин, мендан узр сўрасин, — деди-ю, ўрнига чўкди.

Мажлис раиси, Ёшлар рўзномаси бошланғич партия ташкилотининг котиби, қишлоқ хўжалик бўлимининг мудир, тақир бошида бир неча тук қолган, кўзлари салқиган, ияклари туртиб чиққан, кулиш уёқда турсин, ҳатто жилмайганида ҳам хунук афтини ажинлар босадиган Тўқли Қўчқоров бесўнақай гавдасини Феруз томон бураркан:

— Хўш, Феруз Содиқ, сиз нима дейсиз? Хотинингизнинг ҳақли талабларига розимисиз?

Феруз оҳиста ўрнидан турди. Юлдузнинг сохта, уйдирма гаплари, туҳматлари унинг ғазабини келтирдими ёхуд унга бўзрайиб қараб ўтирган ҳамкасбларининг риёкорликлари, бибурдликлари асаби торларини чертдими, ҳар ҳолда ундаги сўзамоллик қасққадир ғойиб бўлди. Анча фурсат тили кали-

мага келмай қотиб турди. Сўнг ўзини ўнглаб олди шекилли, пошилмай гап бошлади.

— Авваламбор, — у «ўртоқлар» демоқчи бўлди-ю, бироқ бу сўзни уларга лойиқ деб топмади чоғи, мажлис аҳли, мен кўп гапирмайман. Зеро, барибир, гапларим зое кетишига аминман. — У ҳар бир сўзини дона-дона қилиб, чертиб-чертиб талаффуз қиларди. — Аммо бир саволимга жавоб беришларингни истардим. Айтинглари-чи, унвон, мукофот, шон-шуҳрат деб, ўз зрини суд мажлисида тухматчига чиқариб, уни бадном қилмоқчи бўлган, суд ҳайъатидан уни жазолашни талаб қилган, мана бу партия мажлисида ҳам менга тухмат тошларини отаётган, гуноҳни қилиб қўйиб, пешгирлик қилиб, безбетларча мендан узр сўрашимни талаб қилаётган шуҳратпараст, сурбет аёлни хотиним деб аташ мумкинми? Йўқ, сира мумкин эмас. Бунга тилим бормайди. Мен бундай қилмоқни субутсизлик, тутуруқсизлик, аниқроғи, тубанлик деб ҳисоблайман. Энди, Юлдузхон камситиб «ўйнаш» деб атаган олижаноб аёлга келсак, бу ерда ўтирганларнинг кўпчилиги буни яхши билишади, у мен учун ўйнаш эмас, ҳатто Юлдузхон ҳам рад этолмаса керак, чунки у унинг энг қалин дугонаси, дўсти эди, энг азиз ва мўътабар аёл. У менинг севгим. Уни тақдир тақозоси, фалакнинг гардиши шу аҳволга солди. Мен у билан бахтимни қайта топдим. Ўзимни бахтиёр ҳисоблайман, — деди-ю, ўрнига ўтирди.

Музокаралар узоқ чўзилмади. Бор-йўғи уч киши сўзга чиқди. Улардан бири — иш фаолиятини Ферузнинг қўлида адабий ходимликдан бошлаган, эндиликда санъат бўлиминини бошқараётган новчадан келган, қора кўнғиздек мўйловчаси оқиш юзларига ярашган йигит Ферузни қўллашга уринди. Лекин мажлис раиси унинг нутқини бир неча бор бўлиб, унга ўз фикрини охиригача баён этишга халақит берди. Иккинчи нотиқ, ҳўппа семиз, паст бўйли одам Ферузни хотинбозликда, ўз мансабинини суниестемол қилишда, маиший бузуқликда айблаб, унга нисбатан энг қаттиқ партиявий жазо беришликни талаб қилди. Хуллас, тарозининг Феруз турган палласи енгил келарди.

Масалага муҳаррир нуқта қўйди. У ўрнидан кўзгаларкан, Ферузнинг кўзларига боқишдан ҳайиққандай ундан нигоҳини олиб қочди-да, ўтирганларга мурожаат қилди.

— Масала ойдек равшан, ўртоқлар, — деди у, — истехзо билан иржаркан, — биз қанчалик Феруз Содикни ҳурмат қилмай-

лик, у ҳақиқатан ҳам моҳир қаламкаш, содиқ дўст, нақадар қаламига тан бермайлик, унинг гуноҳларини кечиришга сира ҳаққимиз йўқ. Ҳа, биз унинг айбларини очиқчасига, коммунистчасига юзига айтишга мажбурмиз. У партия ташкилотидан, бу ерда қимматли вақтларини сарфлаб ўтирган коммунистлардан авф этишликларини сўраш ўрнига, қилғилиқни қилиб қўйиб, энди ўзини сўфи қилиб кўрсатишга уриняпти. Ҳа, бу ерда ўтирганларни анойилар, деб фараз қилаётган бўлса керак, бизларни чалғитмоқчи бўлаябди. Йўқ, у мабодо шундай деб ўйлаётган бўлса, қаттиқ янглишади. Ҳа, биз, коммунистлар оқни-оқ, қорани-қорага ажратишга ўргатилганмиз, бизларни чалғитиш қийин. Мен, менадан олдин сўзга чиққан нотиқнинг таклифига тўлиғича қўшиламан ва Феруз Содикни Ленин партияси сафидан ўчиришни талаб қиламан.

Феруз муҳаррирнинг гапларини лоқайдлик билан тингларкан, гаши келди. Бир томондан, ундан нафратланса, иккинчи томондан, унга ачингандай бўлди. Бойси, у шундай йўл тутиш ҳақида «оқори»дан махсус топшириқ олган, виждони олдида хиёнат қилса-да, бу вазифани бажаришга мажбур эканлигини, мабодо одамгарчилик юзасидан инсоф билан иш тутса, ҳар хил қинғир-қийшиқ йўллар билан, фисқу фасод, тилғоламалик орқали минган амалдан мосуво бўлиб қолиши аниқ эди. Лавозим эса бунақа бетайинлар учун ҳамма нарсадан: ор-номусдан ҳам, виждондан ҳам, диёнатдан ҳам, ҳатто иймондан ҳам устун эди. Улар лавозим деса тиз чўкишга ҳам, амалдорларнинг товонини ўпишга ҳам, ўзларини томдан ташлашга ҳам тайёр эканлигини, ҳеч нарсадан ҳазар қилмасликларини Феруз яхши фаҳмлар эди.

Мажлис раиси муҳаррирнинг таклифини овозга қўйди. Ўн икки кишидан бир киши, таваккал қилиб қарши чиқди, икки киши бетараф бўлиб қолди. Тўққиз киши эса, ўз тақдирини ўйлаб муҳаррирнинг талабини маъқуллаб, унинг юзидан ўтолмай, қўл кўтариб овоз берди.

## 15

Феруз бир оқшом ахборот эшиттиришини кўрмоқ мақсадида телевизор тугмасини босган эди, Олий Кенгаш сессиясига бағишланган эшиттиришнинг устидан чиқиб қолди. Мана, Марказқўмнинг биринчи котиби, ўрта бўйли, юзидан нур ёғилиб турган

Ислом Каримов шахдам қадамлар билан минбар олдига келди. Унинг жиддий қиёфасидан муҳим бир гапни айтиш тараддуида эканлигини англаб олиш ҳечам қийин эмас эди. У, бироз муддат сукут сақлади. Гўё ўтирганларни бирма-бир санаётгандек зални кўздан кечирди.

Олий Кенгаш мажлислар залида сукунат ҳукмрон. Ҳатто бу ерга адашиб кириб қолган асаларининг визиллаши ҳам баралла эшитилиб турарди.

Саркотиб ниҳоят нигоҳни залда ўтирган депутатларга, қолаверса, ойнаи жаҳон олдида ўтирган юртдошларига қадаркан:

— Мен, бугундан, яъни 1991 йил, 1-сентябрдан эътиборан зўр қониқиш, фахр ва ғурур билан Ўзбекистонни мустақил давлат, деб эълон қиламан! — деди.

Залда ўтирганлар беихтиёр ўринларидан сапчиб туриб, чапак чала бошлашди. Феруз ҳам қандай қилиб ўрнидан туриб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди. У залдагиларга кўшилиб қарсак чаларкан, назарида мушқули кушод бўлгандек, узоқ давр осмонни қоплаб турган қора булутлар тарқаб кетгандек, елкасини босиб турган оғир юк қулагандек ўзини енгил сезди, дилининг губори сочилгандай бўлди. У ҳали қора малаҳдек ўзбекнинг бошига ёғилган коммунистик мафкураининг таъсири одамлар онгидан аримаган бир шароитда, қизил империя солган заҳарнинг кучи сусаймай туриб, зўравонлик билан бирлаштирилган миллатлар, коммунистик партия деб аталмиш қора кучлар таҳқири остида яшаётган бир пайтда, довюраклик қилиб, бунақа тўсиқларни назар писанд қилмай, юртимизни озод ва ҳур, деб эълон қилгани учун саркотибга қойил қолди. Унинг жасоратига, шижоатига, мардлигига таҳсинлар ўқиди...

Феруз хаёлдан қутилганида қарсаклар, гулдирос олқишлар ҳамон давом этарди.

## 16

Феруз Президент девони қабулидан ниҳоятда мамнун бўлиб чиқди. Боиси, у ўз жамоаси қучоғига қайтарилган, боз устига бўлим мудирини лавозимига эмас, Бош муҳаррир этиб тайинланган эди. Ҳатто, ноҳақ, мажбуран ишсиз юрган даври учун суд орқали собиқ муҳаррир ҳисобидан иш ҳақи ундириб бериладиган бўлган эди.

Феруз кўчага чиққанда эрта азондан сим-сим ёғиб турган ём-гир тинган, сийраклашган булутлар нопормон осмонда кезиб юрар, кучсиз шамол эсиб турарди. Булутлар қуршовидан қутилган куёш майин нур сочарди. Феруз қадамини тезлатди. У хуш-хабарни суюкли ёри — Гулруҳга етказишга ошиқарди.

Бир оқшом, ўшанда Ферузнинг оиласи Чилонзордаги икки хонали хонадондан шаҳар марказида жойлашган уйлардан ажратилган тўрт хонали уйга кўчиб ўтган кезлари эди. Кечки овқатдан сўнг, чой устида Гулруҳ эрига гап қотди.

— Миямга бир фикр келди, Феруз ака, — деди у эркаланиб.

— Қани, эшитайликчи, қанақа фикр экан, жоним?

— Барибир уй тўйи қилмоқчимиз, шундайми?

— Ҳа. Беш-олти кишини чақириб зиёфат бермоқчиман, — жавоб қилди Феруз.

— Жуда соз! Лекин ўша зиёфатни сал кенгайтириброқ, баҳонада Шухратжон билан ўғлингиз Зафаржонларнинг қўлларини ҳалолласак, қизимиз Роҳиланинг икки ёсплигини ҳам шунга улаб юборсак қалай бўларкин? Боз устига, баҳонада дадам ва ойимлар билан ҳам ярашиб олардик. Ахир уларни жуда-жуда соғинганман, жонгинам. Юлдузни ҳам таклиф этамиз.

Феруз Гулруҳнинг, гўё уни биринчи бор кўраётгандек ҳуснлатофатини томоша қилди. Унинг нозик ва гўзал қоматига ёпишиб турган оддий ва нафис кўйлаги ўзига ярашган, хаёлий кўзлари порлаб, ярқираб турган иболи юзлари шафтоли гулини эслатарди. Энг муҳими — Феруз хотинининг ақлрасолигига қойил қолди.

— Сиз нима десангиз шу, оқилам, — деди-ю, жазманининг пешонасидан меҳр билан ўпич олди.

Чорланган меҳмонлар аллақачон келиб улгуришган, кўни-кўшнилари ҳам ҳозир бўлишган. Юлдуз ҳам ташриф буюрган эди. Оҳанграбо мусиқа янграрди. Бироқ ҳамон Маҳкам Темирович ва унинг хотинидан дарак йўқ эди. Ферузнинг ҳам кайфияти ёмон, айниқса Гулруҳнинг қалбига қил ҳам сиғмасди.

Феруз кўлидаги соатига қаради. Соат миллари ўн саккиздан чорак соат ўтганини кўрсатиб турарди. У Гулруҳ томон юзланаркан:

— Улар келишмайди, чоғи, азизам. Вақт эса ўтиб бораяпти. Меҳмонларни куттириб қўйиш одобдан эмас. Ҳа, кечани бошламоқ керак, — деди. Умиди узилган Гулруҳ сассиз бош ирғаб ро-

зилик билдирди. Эру хотия энди меҳмонлар томон йўлланишган-да дарвоза олдиға оқиш рангли «Жигули» енгил машинаси келиб тўхтади. Ундан Маҳкам Темирович ва унинг рафиқаси тушди. Гулруҳ, унинг орқасидан Феруз уларға пешвоз боришди. Гулруҳ аввал дадасининг бўйниға осилиб, болалик одати бўйича унинг юз-кўзларидан устма-уст ўпич олди, сўнг ойисининг бағриға отилиб, у билан кўришди. Гулруҳнинг қувончининг чеки йўқ эди.

Маҳкам Темирович бир пас нима қилишликни билолмай тик қотиб қолди-да, сўнг шайтон бўйнидан тушди шекилли, жилмайганича она-боланинг хатти-ҳаракатларини маҳв бўлиб томоша қилиб турган Феруз томон йўлланди.

— Мени афв этгайсиз, Ферузхон, — деди у қалтироқ овозда. — Сизни ноўрин ранжитган эканман. Ахир, барчамиз ҳам хом сут ичган бандалармиз, янглишмоқ, хато қилмоқ бизлар учун табиий бир ҳол, ўғлим, — деди-ю, уни бағриға босди.

---

Адабий-бадий нашр  
ЯЗДОН ХУДОЙҚУЛОВ  
ФАЛАКНИНГ ГАРДИШИ

Роман

Муҳаррир	Н.НАРЗУЛЛАЕВ
Бадий муҳаррир	Б.БОЗОРОВ
Мусаввир	Б.ЎТАБОЕВ
Мусаҳҳид	М.ХУДОЁРОВА
Тех. муҳаррир	В.ДЕМЧЕНКО
Компьютерда саҳифаловчи	Е.НАЗАРОВА

ИБ № 3632

Босишга рухсат этилди 28.12.2001. Бичими 84x108 1/32  
Босма тобоғи 2,75. Адади 1000 нусха. Букюртма №3.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати  
«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази. 700113, Тошкент  
Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

**«Янги аср авлоди» нашриёт матбаа-маркази  
қуйидаги китобларни нашр этди:**

**Сайид Аҳмад Васлий.** Назм ус-силсила  
(Нақшбандия силсиласи вакиллари ҳақида). 4,0 б.т.  
Адади 1000 нусха.

**Жуманазар Бекназар.** Изтироблар комида.  
«Чимилдиқ сирлари» рукн остида. Адади 2000 нусха

**Адҳам Дамин.** Ҳаёт ва ўлим. Роман ва ҳажвий  
ҳикоялар. Адади 2000 нусха

**Мирзакарим Норбеков.** Тентакнинг тажрибаси  
ёхуд кўр кўзни очиш калити. 9,0 б.т. Адади 1000 нусха.

**А. Исаев С. Эргашева, О. Исаев.** IX-XII асрларда  
Термиз маданияти (Термиз шаҳрининг 2500  
йиллигига бағишланади). Адади 500 нусха

**Сирожиддин Рауф.** Кўк гумбаз. Шеърлар 1,5 б.т.  
Адади 3000 нусха

**Адолат Қодирова.** Эҳ, ҳаёт ўқинчлари. Шеърлар 2,0  
б.т. Адади 1000 нусха.